

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
УНИВЕРСИТЕТИ**

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК _____

Жалолова Мохира

**Меҳнат таълими ўқувчиларини тайёрлашда мустақил ишларнинг
инновацион шакл ва методларидан фойдаланиш**

Мутахассислик: 5A142001 –Меҳнат таълими методикаси

Магистр

академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

**Илмий раҳбар:
п.ф.н. доц О.Қўйсиров.**

Тошкент – 2010

МУНДАРИЖА

КИРИШ

I БОБ. Меҳнат таълими ўқитувчиларини тайёрлашда мустақил ишларни ташкил этишнинг назарий асослари.....

1.1. Меҳнат таълими ўқитувчиларини тайёрлашда мустақил ишларнинг ўрни ва аҳамияти.....

1.2. Меҳнат таълими ўқитувчиларини тайёрлаш жараёнида мустақил ишларни ташкил қилишнинг психологик хусусиятлари

1.3 Мустақил таълимни ташкил қилишнинг педагогик асослари.....

I боб бўйича хулосалар

II БОБ. Меҳнат таълими ўқитувчиларини тайёрлашда мустақил ишнинг мазмуни, инновацион шакл , метод ва воситалари.

2.1 Меҳнат таълими ўқитувчиларини тайёрлашда мустақил ишнинг мазмуни.....

2.2 Меҳнат таълими ўқитувчиларини тайёрлашда мустақил ишларни ташкил қилишнинг инновацион шакл ,метод ва воситалари

2.3 Талабалар мустақил таълимни ташкил этишда ахборот технологияларидан фойдаланиш методикаси.....

II боб бўйича хулосалар

III БОБ. Тажриба-синов ишларини ташкил этиш, ўтказиш ва таҳлил қилиш

3.1 Тажриба-синов ишларини ташкил этиш.....

3.2 Тажриба-синов ишларини ташкил этишда миқдор ва сифат таҳлили....

III боб бўйича хулосалар

ХУЛОСА.....

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....

Иловалар.....

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги: Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг ҳар бир соҳада туб ўзгаришлар амалга оширилди. Шу жумладан таълим соҳасида ҳам. "Таълим тўғрисида"ги қонун ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" таълим тизимида амалга оширилаётган ислоҳатлар асосини ташкил этади. Мазкур дастурда таълим сифати ва самардорлигини ошириш, узлуксиз таълим тизимининг узвийлигини таъминлаш, юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрлар тайёрлаш, миллий тизимни яратиш кўзда тутилган. Бу борада Республикамизда катта амалий ишлар қилинмоқда. Хусусан, олий таълим муассасаларида давлат таълим стандартларига мос юқори малакали ўқитувчиларни тайёрлашда ўқитишнинг замонавий усулларида фойдаланиш муҳим ўрин тутди. Хусусан, меҳнат таълими ўқитувчиларни тайёрлашда мустақил ишларнинг инновацион шакл ва методларидан фойдаланиш, бунга мисол бўла олади..

Олий таълим муассасаларида талабалар мустақил ишлашнинг таълим мазмунини ишлаб чиқиш ва уни ташкил этиш, ҳамда амалга ошириш усулларини такомиллаштириш борасида илмий-педагогик изланишлар олиб бориш лозим.

Албатта, ҳозирги кунда кўпгина олий таълим муассасаларида талабаларнинг назарий ва амалий мустақил таълим олишлари учун катта имкониятлар мавжуд. Бироқ ўқув-тарбия жараёнида талабаларда мустақил ишлаш учун кўникма ва малакаларини шакллантириш масаласига долзарб педагогик муаммо сифатида қаралмайди, мустақил ишлаш мазмунини таҳлил этиш ва ишлаб чиқаришга замонавий ёндашилмайди. Унинг самарали метод, шакл ва воситаларидан фойдаланишга етарлича эътибор берилмайди. Шу ва шунга ўхшаш бошқа масалалар олий таълим муассасаларининг меҳнат таълими факультетларида меҳнат таълим ўқитувчиларни тайёрлашда талабаларнинг мустақил ишлашини ташкил

этиш, амалга ошириш, назорат қилиш борасида қатор педагогик муаммолар мавжудлигини билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Баркамол авлод йили” Давлат дастури тўғрисида қарорида “Мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларнинг ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариши, мамлакатимиз йигит-қизларини ХХІ аср талабларига тўлиқ жавоб берадиган ҳар томонлама ривожланган шахслар этиб вояга етказиш учун зарур шарт-шароитлар ва имкониятларни яратиш бўйича кенг қўламли аниқ йўналтирилган чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида, шунингдек, Ўзбекистон Республикасида 2010 йилнинг “Баркамол авлод йили” деб эълон қилингани муносабати билан:

“Баркамол авлод йили” Давлат дастури тасдиқлансин. Унда қуйдагилар асосий вазифалар этиб белгилансин:

- болалар ва ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга, уларни баркамол ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, амалдаги қонунчилик ҳамда меъёрий ҳужжатларга замон талабларига мос ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;

- тайёрланаётган мутахассисларга реал иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларидаги мавжуд талабга алоҳида эътибор қаратган ҳолда ўсиб келаётган ёш авлодга таълим ва тарбия бериш соҳасидаги моддий-техника базани янада мустаҳкамлаш, ундан оқилона ва самарали фойдаланишни таъминлаш, давлат таълим стандартлари, ўқув дастурлари ва ўқув-методик адабиётларни такомиллаштириш;

- таълим жараёнига янги ахборот-коммуникация ва педагогик технологияларни, электрон дарсликлар, мултимедиа воситаларини кенг жорий этиш орқали мамлакатимиз мактабларида, касб-ҳунар коллежлари, лицейлари ва олий ўқув юртларида ўқитиш сифатини тубдан яхшилаш, таълим муассасаларининг ўқув-лаборатория базасини замонавий турдаги

ўқув ва лаборатория ускуналари, компьютер техникаси билан мустаҳкамлаш, шунингдек, ўқитувчилар ва мураббийлар меҳнатини моддий ҳамда маънавий рағбатлантириш бўйича самарали тизимни янада ривожлантириш;

- замонавий ахборот ва коммуникация технологиялари, рақамли ва кенг форматли телекоммуникация алоқа воситалари ҳамда Интернет тизимини янада ривожлантириш, уларни ҳар бир оила ҳаётига жорий этиш ва кенг ўзлаштириш каби вазифалар берилган.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналтиришларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида “Биз фарзандларимизнинг нафақат жисмоний ва маънавий соғлом ўсиши, балки уларнинг энг замонавий интеллектуал билимларга эга бўлган, уйғун ривожланган инсонлар бўлиб, XXI аср талабларига тўлиқ жавоб берадиган баркамол авлод бўлиб вояга етиши учун зарур барча имконият ва шароитларни яратишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз” фикрлари берилган.

Президентимиз И.А.Каримовнинг “Юксак маънавият-енгилмас куч” асаарида “портлаш эффекти”нинг ҳақиқий моҳияти ва аҳамияти вақт ўтиши билан, биз тарбия қилаётган соғлом ва баркамол авлоднинг сафимизга тобора илдам кириб бориши билан янада яққолроқ сезилади” деган фикрлари берилган.

Бўлажак мутахассис учун олий таълим муассасасида таълим олиш жараёни – бу инсонда педагогик фаолиятни муваффақиятли амалга оширишда касбий жиҳатдан аҳамиятли саналган сифат, билим, кўникма ва малакаларни ривожлантириш ҳамда ўз-ўзини такомиллаштиришнинг энг мақбул давридир. Талаба ушбу жараёнда билимларни жамлаш, сақлаш, узатиш, уларнинг мантиқий тузилмасини яратиш ва истиқболда касбий фаолиятини ташкил этишда уларни самарали қўллаш каби ҳолатларни ўзида мужассам эттиради. Педагогик-психологик фаолият билан боғлиқ қараш, кадрият ҳамда мотивациялар моҳиятан ўзгариб такомиллашиб боради.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, таълим тизими учун малакали кадрлар тайёрлаш борасида республикамизда катта амалий ишлар қилинган.

Мазкур масалаларни илмий-педагогик нуқтаи назардан ўрганиш:

- меҳнат таълими жарёнида талабаларнинг мустақил ишлашга бўлган эҳтиёжларини эътиборга олиш ва мустақил таълим олишлари учун етарли шарт-шароит яратиб бериш зарурати;

- талабалар мустақил ишлашларини ташкил этиш, амалга ошириш ва назорат қилиш бўйича касбий-педагогик тайёргарлигининг замон талаблари даражасида эмаслиги;

- меҳнат таълими ўқитувчиларини тайёрлашда мустақил ишлашнинг билим, кўникма ва малакаларининг шаклланимаганлиги; талабаларни мустақил ишларини ташкил этиш, амалга ошириш ва назорат қилишга оид ўқув-методик адабиётлар, тавсиялар, ишланмалар, йўриқномалар етарли эмаслиги ва бошқа муамолар илмий-тадқиқот мавзусининг долзарблигини кўрсатади.

Кузатувлар, илмий изланишлар, фан, техника ва технологиялар тараққиётининг ҳозирги босқичида меҳнат таълими ўқитувчиларини тайёрлашда куйидаги номутаносиблик ва номувофиқликлар мавжудлигини кўрсатади. Булар:

- касбий фаолиятнинг турли йўналишларида талабаларнинг мустақил ишнинг шаклларида бўлган эҳтиёжи ва ижтимоий заруриятнинг тўла қондирилмаётганлиги;

- меҳнат таълими ўқитувчиларининг мазкур йўналишдаги ўқув-тарбиявий ишларини такомиллаштириш учун етарли даражада касбий-педагогик тайёргарликка эга эмасликлари;

- бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиларининг касбий шаклланишида мустақил иш учун кўникма ва малакаларининг етарли эмаслиги билан тавсифланади.

Ечимини кутаётган мазкур вазифалар тадқиқот муаммосини белгилади ва мавзунинг долзарблигини тасдиқлайди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси: меҳнат таълими ўқитувчиларини тайёрлашни такомиллаштириш муаммолари А.И.Воробьев, К.Д.Давлатов, П.Т.Магзумов, Н.А.Муслимов, Н.Сайидахмедов, Ў.Қ.Толипов, А.Р.Ходжабоев [18, 23, 27, 29, 35, 39, 46] ва бошқалар тадқиқ этишган бўлсалар, узлуксиз таълим тизимида мустақил таълимни ташкил этиш муаммоларини З.А.Баришникова, С.Магчонов, Н.А.Муслимов, З.Нишонова, Т.Р.Ниязметова, Ж.Толипова, Ў.Қ.Толипов, Б.М.Турдибаева, Ш.С.Шарипов, Н.Халилов, Қ.П.Хусанбоева, Ш.Юнусова, О.А.Қўйсинав [14, 28, 29, 32, 34, 39, 43, 44, 48, 45, 47, 49, 31] ва бошқаларнинг тадқиқот ишларида ўрганиб чиқилган

Ушбу муаммо юзасидан кўплаб педагогик тадқиқотлар амалга оширилишига қарамасдан меҳнат таълими ўқитувчиларини мустақил фикрлаш қобилиятларини ва давлат таълим стандартларига жавоб бера оладиган етук мутахассис қилиб тарбиялашда мустақил ишнинг аҳамияти муҳимлиги, бироқ бу муаммо устида етарлича ишланмаганлиги педагогик муаммо бўлиб қолмоқда.

Юқоридаги педагогик масалалар ҳамда меҳнат таълими ўқитувчиларини тайёрлаш сифати ва самарадорлигини ошириш муаммоси магистрлик диссертацияси мавзусини “**Меҳнат таълими ўқитувчиларни тайёрлашда мустақил ишнинг мазмуни, инновацион шакл, метод ва воситалари**” деб номлашга асос бўлди.

Тадқиқотнинг мақсади: Меҳнат ўқитувчиларини тайёрлашда мустақил ишларнинг инновацион шакл, метод ва воситаларини ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ этишдан иборат.

Тадқиқот объекти: Меҳнат таълими ўқитувчиларни тайёрлаш жараёни.

Тадқиқот предмети: Таълим муассасаларида меҳнат таълими ўқитувчиларини тайёрлашда мустақил таълим мазмуни инновацион шакл, метод ва воситалари.

Тадқиқоднинг илмий фарази: меҳнат таълими йўналиши бўйича бакалавр ўқитувчиларини тайёрлашда мустақил ишнинг инновацион

технологияларини қўллаш самарали натижа беради, агарда:

- талабаланинг мустақил иш жараёни илмий асосда ташкил этилса;
- мустақил ишлаш жараёнида инновацион методлардан самарали фойдаланилса;
- талабаларнинг мустақил иш бажариш жараёнига технологик ёндашув амалга оширилса;
- талабаларни мустақил равишда эгалланган билим, кўникма ва малакаларини доимий равишда баҳолаб бориш мезони ишлаб чиқилса;
- меҳнат таълими ўқитувчисини мустақил таълим олишида замонавий педагогик технологияларидан унумли фойдаланилса, уларнинг касбий тайёргарлик даражаси ошади ва мустақил таълим жараёнининг самарадорлиги таъминланади.

Тадқиқот вазифалари: тадқиқот предмети ва фаразларига мувофиқ тадқиқот вазифалари этиб қуйидагилар белгиланди:

1. Меҳнат таълими ўқитувчиларнинг мустақил ишларига таъсир кўсатувчи психологик омилларни ўрганиш.
2. Меҳнат таълими ўқитувчисининг мустақил билим олиш мазмуни, методи, воситаларини аниқлаш ва танлаш.
3. Талабаларнинг мустақил ишининг мазмунини ишлаб чиқиш, мустақил ишнинг самарали инновацион шакл, метод ва воситаларини амалда синаб кўриш.

Тадқиқот методлари: тадқиқот муаммосига бағишланган илмий-методик адабиётларни таҳлил қилиш, илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш ва умумлаштириш, анкета, тест, педагогик тажриба натажаларини математик- статик таҳлил қилиш.

Тадқиқотни амалга ошириш босқичлари: тадқиқот иши уч босқичда амалга оширилди:

1-босқичда, тадқиқот муаммосига оид педагогик – психологик, илмий – методик, илмий – оммабоп ва махсус адабиётлар ўрганилди, олий педагогик таълим муассасаларининг мустақил ишлашни ўрганишдаги тажрибаларини

тахлили қилинди ва умумлаштирилди. Натижада тадқиқотнинг муаммоси, илмий фарази, методологияси аниқлаб олинди. Мустақил ишни методлари, шакллари ва мазмунини такомиллаштириш юзасидан илмий ишланмалар тайёрланди. Тажриба - синов ишларининг методлари ишлаб чиқилди.

2-босқичда, тадқиқот ишида кўрсатилган муаммолар бўйича олий таълим муассасалари талабалари билан тест, анкета, сўровлари, суҳбатлар, кузатишлар ўтказилди. Тадқиқот бўйича илмий асосланган ва лойихалаштирилган тажриблар ўтказилди.

3-босқичда, талабаларни мустақил ишлага тайёрлашнинг назарий, педагогик – психологик, илмий шартларини ишлаб чиқилди ва асосланди. Талабаларни мустақил ишлашга тарғибот қилишга тайёрлаш ва мустақил ишнинг илмий йўналишлари ва методик тавсияномалар ишлаб чиқилди. олинган натижалар умумлаштирилди ва тадқиқот материалларини магистрлик диссертацияси кўринишида расмийлаштириш каби ишлар амалга оширилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

- мустақил иш меҳнат таълими йўналиши бўйича ўқитувчиларни тайёрлашда касбий тайёргарлиги сифатини ошириш омили эканлигининг педагогик ва психологик жиҳатдан асосланганлиги;

- талабалар мустақил ишлаш малакаларининг шаклланганлик даражасини аниқлаш мезонларининг ишлаб чиқилганлиги;

- меҳнат таълими йўналиши бўйича бўлажак ўқитувчиларини тайёрлашда мустақил ишни ташкил этиш инновацион методининг яратилганлиги;

- талабаларда мустақил ишлашни кўникма ва малакаларини шакллантиришнинг самарали шакл, метод ҳамда воситаларнинг белгиланганлиги ва уларнинг тажрибада синаб кўрилганлиги;

- талабаларнинг мустақил ишлашни ташкил этиш бўйича ишлаб чиқиш

Тадқиқотнинг илмий амалий аҳамияти: меҳнат таълими ўқитувчисини тайёрлашда мустақил иш бўйича илмий-методик тавсияларни

ишлаб чиқилганлиги. Тажриба-синов ишлари натижалари тадқиқот йўналишини белгилаб олиш имконини берди. Жумладан:

- меҳнат таълими ўқитувчисининг ўз-ўзини такомиллаштириб бориши, бошқариш, назорат қилиш ва баҳолаш, мустақил билим олиш кўникмаларини шакллантиришнинг муҳим омили сифатида мустақил ишни амалга оширишнинг мақсади, мазмуни, методи ва воситалари белгилаб берилди;

- меҳнат таълими ўқитувчисини касбий шакллантиришнинг мустақил ишлаш технологияси ишлаб чиқилди;

- мустақил ишни ташкил этишда талабаларнинг психологик ва индивидуал сифатларининг ўрни ва аҳамияти аниқланди;

- меҳнат таълими ўқитувчиларини тайёрлашда мустақил ишни ташкил этишнинг мақбул шакллари белгилаб берилди;

- меҳнат таълими ўқитувчиларнинг мустақил ишлаш кўникма ва малакаларини шакллантириш ва талабаларнинг машғулот давомида мустақил ишларини ташкил этиш мақсадида меҳнат таълими ўқитувчиларини тайёрлаш жараёнида қўллаш мумкин.

Тадқиқот натижаларнинг ишончлилиги ва асосланганлиги: тадқиқот материалларининг мақсади, вазифаси объект ва предметга монандлиги, таъкидловчи ва шакллантирувчи тажриба гуруҳларига жалб этилган ўқувчилар сони ва сифати жиҳатидан йиғилган материалнинг ҳажмига айнан мослиги ва етарлилиги; назарий фикрларнинг амалий натижалар билан қиёсий мослиги; педагогик таълим соҳасидаги республикамиз, чет эллик олимлар, шунингдек, амалиётчиларининг ишларига асосланганлиги; тадқиқот вазифаларига мос келувчи, ўзаро бир-бирини тўлдириб боровчи тадқиқот методларининг қўлланилганлиги; таҳлил ва тадқиқот тавсифининг миқдор, шунингдек, сифат жиҳатидан таъминланганлиги; тажриба-синов ишларидан олинган натижаларнинг математик-статистик таҳлил методлари ёрдамида қайта ишланганлиги билан белгиланади.

Диссертация иши кириш, учта боб, хулоса, _____ номдаги фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалар, _____ та жадвал, _____ та расмдан ташкил топган бўлиб, унинг умумий ҳажми _____ саҳифадан иборат.

I БОБ. Меҳнат таълими ўқитувчиларини тайёрлашда мустақил ишларни ташкил этишнинг назарий асослари

1.1 Меҳнат таълими ўқитувчиларини тайёрлашда мустақил ишларни ўрни ва аҳамияти

Дунёда илмдан бошқа нажот йўқ ва бўлмагай
(Имом ал - Бухорий)

Ҳа, улуғ бобомиз таъкидлаб ўтганларидек, бу дунёда инсон учун энг зарури илмдир. Билимдонлик инсоннинг олий ва муқаддас фазилатидир. Билимлилик инсонни маданият, марифат сари етаклайди ва ёмон иллатлардан сақлайди. Шунинг учун ҳам нурга, зиёга ўхшатилади.

Ҳар бир давлат келажакда ҳам ўз мавқеини сақлаш ва янада ривожлантириш учун ёш авлодга чуқурроқ билим беришга интилади. Шу жумладан, Ўзбекистон ҳам мустақилликка эришгандан кейин таълим – тарбия соҳасида кўпгина ислохотлар ўтказилди. Айниқса, олий таълим соҳасида анча ўзгаришлар юз берди.

Бўлажак меҳнат таълими ўқитувчисини касбий-педагогик жиҳатдан тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш масаласи, бевосита унинг мазмуни билан боғлиқ.

Педагогик билимлар меҳнат таълими ўқитувчиси касбий маҳоратининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади, ўз навбатида меҳнат таълими ўқитувчиси жамият маънавий ҳаёти, моддий ишлаб чиқариш соҳаларини педагогик жиҳатдан йўналтиришга ёрдам беради.

Меҳнат таълими ўқитувчисини касбий-педагогик тайёрлашда муҳим аҳамиятга эга. Барча гуманитар, ижтимоий-иқтисодий, табиий-илмий ва математик билимлар, психологик-педагогик ҳамда умумкасбий ва махсус тайёргарлик мазмунини ишлаб чиқиш, меҳнат таълими ўқитувчиси педагогик фаолияти ҳақида, унинг вазифалари ва ҳал этадиган таълим-тарбиявий масалалари, муносабатлари усуллари борасида тўла тасаввурга эга бўлиш имконини беради. Ўрганилаётган ҳодисанинг ҳар томонлама назарий-методик ва тажриба-амалий жиҳатдан ўрганилиши, бўлажак ўқитувчининг касбий

тайёргарлик даражасини тизимли аниқлашда юзага келган илмий ёндашувни тасаввур этишга имкон беради.

Касбий-педагогик тайёргарликнинг мақсади касбий ва шахсий ривожланиш жараёнида талабанинг ўз-ўзини англаш, баҳолаш ва бошқариш каби таркибий қисмларни ривожлантириш ва турли таълим муассасаларида ишлашга тайёрлаш саналсада, педагогик туркум фанлари, умуммуҳандислик ҳамда мутахассислик фанлари асосларини ўрганиш вазифалари кўйидагилардан иборат бўлиши лозим: аниқ педагогик ҳамда ишлаб чиқариш муаммоли вазиятларда масалаларни ажратиб олиш ва уларни ҳал қилиш усули сифатида педагогик ва техник-технологик тафаккурни ривожлантириш; бўлажак ўқитувчининг педагогик-шахсий маслаганинг асоси сифатида педагогик, умуммуҳандислик ва махсус билимларни ўзлаштиришга нисбатан ижобий муносабатда бўлишга эришиш; бўлажак касбий фаолият индивидуал методининг асоси сифатида, ўқув-педагогик ва ишлаб чиқариш ҳаракатларининг репродуктив ва ижодий усуллари шакллантириш; муҳим касбий-педагогик сифатлари ривожлантириш (ҳамдардлик, болаларни севиш ва бошқалар), касбий ва шахсий ўз-ўзини ривожлантириш эҳтиёжини юзага келтириш.

Олий педагогик таълим муассасаларида ташкил этилувчи ўқув жараёнида таълимий фаолият олиб бориш йўналишларининг устуворлиги, меҳнат таълими ўқитувчиларини тайёрлаш босқичма-босқич маъруза, амалий, лаборатория, семинар машғулотларида, курс иши, педагогик ҳамда ишлаб чиқариш амалиётида ҳамда битирув малакавий ишини бажаришда амалга ошади. Талабалар билимларининг расмий характерга эга бўлишини инобатта олган ҳолда биз автодидактиканинг дидактик тамойиллари ва ташкилий-методик шароитларини ўргандик. Меҳнат таълими ўқитувчиларини касбий тайёрлигига кўйилган малака тавсифномасида кўпроқ мазмунни ўзлаштиришга қаратилган бўлса, ҳозирги ишлаб чиқилган Давлат таълим стандартларида талабани малакасига кўйилаётган талабларнинг 40 фоиздан кўпроғи мустақил ишларни бажариш, фикрлаш, қарор қабул қилиш, ўз-ўзини

назоратини ташкил этиш, ўз фаолиятни ўзи баҳолаш, ташхис қилиш ва башорат қилиш, методлар моҳиятини ўзлаштириш, моделлаштириш ҳамда менежмент тамойилларининг асосига қурилади. Мустақил иш жараёнининг субъекти томонидан билимларни ўзлаштариш, тасаввурларни ривожлантириш, тушунчаларни ифодалаш, малака ва кўникмаларни шакллантириш бўйича мақсадга мувофиқ, мунтазам, мустақил ва автоном фаолият шакли саналади. Мустақил иш технологияси масалали-фаолиятли тамойилга асосланиб мустақил билим олувчи талаба, мустақил ва автоном равишда бажарадиган ҳамда ҳал этадиган педагогик ҳамда техник-технологик муаммоли вазиятли топшириқлар тутами саналади.

Мустақил иш — назарий билим ва амалий фаолият кўникмаларини ўзлаштиришда муҳим аҳамиятга эга бўлган омил сифатида олий педагогик таълим муассасалари талабаларининг меҳнат таълими ўқитувчиларини тайёрлаш ижобий яқунланишини таъминлайди.

Бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиларни педагогик мустақил билим олишга тайёрлашнинг асосий мақсади - уларда ушбу таълимда чуқур англаб етилган қизиқиш, талаб ва маҳоратларини, кўникма ва қобилиятларни педагогик маданиятни такомиллаштиришга йўналтириш омили сифатида шакллантиришдан иборат.

Меҳнат таълими ўқитувчиларини касбий шакллантиришда мустақил иш жараёнини ташкил қилиш муҳим ўрин тутаяди. Давлат таълим стандартида белгиланганидек талабаларнинг ҳафталик максимал ўқув юкламаси 54 соат бўлиб, шундан 28 соати аудитория, 26 соати мустақил ишга ажратилган. Таълим дастурини ўзгариши жараёнида фанларнинг бир қатор масалалари ва муаммолари мустақил иш орқали ўрганилиши кўзда тутилган. Мустақил иш талабалар томонидан у ёки бу фан бўйича дастур материалларидан бир қисминин мустақил ўзлаштирилишидир. Меҳнат таълими ўқитувчиларини тайёрлашда фаннинг хусусиятларини, шунингдек, ҳар бир талабанинг ўзлаштириш даражаси ва индивидуал қобилиятини ҳисобга олган ҳолда

талаба мустақил ишини ташкил этишда куйидаги шакллардан фойдаланилади:

- айрим назарий мавзуларни ўқув адабиётлари ёрдамида мустақил ўзлаштириш;
- берилган мавзу бўйича ахборот (реферат) тайёрлаш;
- семинар ва амалий машғулотларга тайёргарлик кўриш;
- лаборатория ишларини бажаришга тайёргарлик кўриш;
- ҳисоб-график ишларини бажариш;
- малакавий битирув иши ва магистрлик диссертациясини тайёрлаш;
- назарий билимларни амалиётда қўллаш;
- амалиётдаги мавжуд муаммоларнинг ечимини топиш (кейс-технологиялари асосида);
- техник макет, модель ва намуналар яратиш;
- илмий мақола, анжуманга маъруза тезисларини тайёрлаш;
- ўқитилаётган фаннинг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, талаба мустақил ишини ташкил этишда бошқа шакллардан ҳам фойдаланиш мумкин.

Талабанинг мустақил иши унинг аудиторияда ва ундан ташқарида, ўқитувчи раҳбарлигида ёки ўқитувчи иштирокисиз амалга ошириладиган мустақил иш мажмуини англатади. Мустақил иш қандай шароитларда амалга оширилади:

1. Бевосита аудиторияда–маъруза амалий машғулот, семинар ёки лаборатория ишлари бўйича вазифалар бериш жараёнида;

2. Ўқитувчи билан дарс жадвалидан ташқари пайтлардаги бевосита мулоқот чоғида маслаҳатлар беришда, ижодий мулоқотлар жараёнида, яқка топшириқ бажаришда ва бошқалар.

3. Ахборот ресурс марказида, уйда, талабалар уйларида, кафедраларда талаба томонидан ўқув ёки ижодий топшириқларни бажариш жараёнида.

Мустақил иш бўйича тест саволлари, топшириқлар ва машқлар устида ишлаш асосан мустақил бажарилади. Бу иш натижалари эса аудиторияда

(амалий ва лаборатория) машғулотида ўқитувчи раҳбарлигида таҳлил қилинади ва баҳоланади. Меҳнат таълими ўқитувчиларини касбий шакллантиришда қуйидаги мустақил иш турлари мавжуд:

1. Маъруза тинглаш ва қайд қилиш.
2. Амалий ишларни бажариш.
3. Машқлар, топшириқлар бажариш.
4. Ўқув адабиётлари билан ишлаш.
5. Назорат ишларига тайёрланиш.
6. Ўз-ўзини билимини назорат қилиш.
7. Чизмалар ва схемаларни, технологик карталарни ўқиш, тузишни ўрганиш.
8. Техник моделлаштириш ва лойиҳалаш.
9. Маъруза тайёрлаш.
10. Техник ижодкорлик.
11. Мустақил иш вазифаларини бажаришда инновацион методлардан фойдаланиш.
12. Дарс таҳлили.

Назарий жиҳатдан мустақил ишнинг технологик асослари бугунги кунга қадар ҳам тўла ривожланмаган. Шунингдек, бу борада терминологик чалкашликларга тобора кўпроқ йўл қўйилмоқда. Айни вақтда «мустақил иш» «мустақил таълим олиш», «ўз-ўзини тарбиялаш», «мустақил ўқиш» тушунчаларидан синонимлар сифатида фойдаланилмоқда. Қуйида «мустақил ўқиш» тушунчасининг моҳиятини ёритишга ҳаракат қиламиз.

Мустақил билим олишда автономлик - ўқиш мақсадлари, тамойиллари, мазмуни, методи ва воситаларини аниқлаш ҳамда танлаш, уларни қийналмасдан ва ташқи таъсир ёрдамисиз амалга ошириш қобилиятидир.

Мустақиллик – шахснинг алоҳида хусусияти, лаёқати, фаоллиги диққатини жамлаш қобилияти, қўйилган мақсадга эришиш йўлида бор кучини сарф этиш каби сифатлари бирлиги.

Мустақиллик ҳолати намоён бўлган, бироқ автономлик хусусияти кўзга ташланмаса бу ҳол мустақил билим олишни эмас, балки муаммоли ўқитишнинг мавжудлигидан далолат беради. Демак, автономлик – мустақил билим олишдан фарқ қилувчи, моҳиятли белги ҳисобланади. У ўқув ва касбий фаолият мустақиллигини белгилайди. Бу сифатлар ўқув-педагогик топшириқларнинг турли вариантларини тушунишда ва мавжуд ҳолатни танқидий баҳолашда намоён бўлади. Мустақил билим олишнинг муваффақиятли ривожланиши кўп жиҳатдан ўз-ўзини бошқариш қобилиятининг ривожланиши билан боғлиқ. Мустақил билим олишда дидактика тамойиллари ҳамда назария ва педагогик технологиялар асосий ролни ўйнайди.

Мустақил билим олиш сабабларининг ривожланиши субъектни фаолиятка ундайди ва шу билан бирга унинг олдига - мустақил билим олиш қандай бўлиши керак деган саволни қўяди. Мустақил ўқиш педагогик технологияга нисбатан жиддий талабларни қўяди. Ўқитувчи ва талаба ҳамкорлигидаги фаолиятнинг якуни олдиндан аниқ бўлган ўқитиш жараёнидан фарқли равишда мустақил билим олишда субъект аниқ бўлмаган ва олдиндан режалаштирилмаган натижани қайд этиши керак, яъни билим, малака ва кўникмаларнинг аниқ ҳажмини ўзлаштириши керак.

Мустақил билим олиш технологияси ва мустақил билим олиш сабаблари бир-бири билан боғлиқдир: аниқ натижага эриша олишига ишонмаслик талабани мустақил билим олишдан ҳар қандай бошқа сабаблардан кўра кўпроқ кўнглини совутади. Мустақил билим олиш технологиясини яратиш бир неча алоҳида муаммоларни ҳал этишни кўзда тутди. Улар орасида мунтазам билим олишнинг мақсадини қўйиш муаммоси алоҳида ажралиб туради. Агарда таълим олиш умумий ривожланишни таъминлашга хизмат қилса, мустақил ишнинг мақсади эса – касбий шаклланиш ёки касбий малакасини ривожлантириш, ўстириш ҳисобланади.

Агар талабага кутилмаганда юқори даражадаги мустақилликни намоён этган ҳолда топшириқларни бажариш талаб этилса, у ҳолда талаба

топшириқларни бажара олмаслиги мумкин, натижада ўз кучига бўлган ишончни йўқотади. Бундай ҳолат содир бўлмаслиги учун дастлаб топшириқларни шу таҳлитда бериш керакки, натижада субъект топшириқнинг бирор қисминигина мустақил бажарсин, сўнгра ўқитувчи билан биргаликда натижаларининг тўғрилигини таҳлил қилиб чиқсин.

Топшириқларни бажариш жараёнида талабаларда сабабий- ташкилий (ўқув фаолиятини мустақил ташкил этишнинг қадриятли йўналишлари, билим, малака ва кўникмалари), мазмунли-процессуал (ўқув фаолиятининг моҳиятини билиш ва бу фаолият муваффақиятли бўлишини белгиловчи шахсий сифатларни ривожлантириш) ва текшириш-баҳолаш (мустақил ишда зарур саналган шахс сифатларни ўзи баҳолаш) каби кўникмаларнинг шаклланиши мустақил билим олиш жараёнида мажмуавий равишда шаклланиб боради.

Мустақил ўқишни таҳлил қилиш (бу мустақил билим олиш эмас) юқорида кўрсатилган таркибий қисмларнинг талаба томонидан тартибсиз, турлича ўзлаштирилишини кўрсатади. Улардан баъзилари (масалан, текшириш-баҳолаш) таълим муассасаларида деярли шакллантирилмайди.

1.2 Меҳнат таълими ўқитувчиларини тайёрлаш жараёнида мустақил ишларни ташкил қилишнинг педагогик-психологик хусусиятлари.

Ҳозирда бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиларининг мустақил ишлашлари учун маълум шарт-шароитлар яратиб берилмоқда. Таълим соҳасида олиб борилаётган ислохотлар ва бажарилаётган ишлар бўлажак мутахассислар ўзлари учун зарур бўлган барча ахборот ва маълумотларни мустақил топиш ва йиғиш маҳоратини, уларни таҳлил эта олиш малакасини эгаллаган бўлишларини тақозо этмоқда.

Мустақил ишлаш ҳар бир талабадан маълум бир тизимга риоя қилишни, тиришқокликни, мақсад сари интилишини талаб этади. Шунинг учун ҳам кўпчилик талабаларда олий ўқув юртидаги кундалик хаётни тўғри ташкил

килиш муаммоси пайдо бўлади. Баъзи биринчи курс талабалари ўрганилаётган материалларни етарли ўзлаштириб олиш учун вақт еташмаслигидан, юкламалар кўплигидан шикоят қилади.

Бундай вазият ўз вақтини тўғри тақсимлай олмаган, ҳар бир дақиқасининг кадрига етмаган талабалардагина содир бўлади. Шунга кўра, мустақил ишлашда кун тартибига қ аъий риоя қилган ҳолда иш бошлаш тўғри ва мақсадга мувофиқдир. Кун тартибини мақсадга мувофиқ тарзда тузиш учун қуйидагича иш юритиш керак.:

Бир суткани бир қанча зарурий улушларга бўлиш керак: бунга ишлаш, овқатланиш, бадан тарбияси, дам олиш, хордиқ чиқариш, хўжалик ишлари ва шу кабилар киради.

Кун тартиби тузишдан мақсад ҳар бир талабанинг маълум тартибда иш олиб боришига, ҳеч нарсани эсдан чиқармай, ҳамма нарсага вақт ажратиш, ҳар бир ишни ўз муддатида бажаришга ўргатишдан иборатдир. Кун тартибини ҳар бир киши ўзининг шахсий физиологик имкониятларигагина эмас, балки умуминсоний қонун-қоидаларга қараб ҳам тузиш мумкин.

Кун тартибини тузишда ухлаш (суткасига 7-8 соат), мунтазам овқатланиш (уч-тўрт марта), дам олиш (фаол ва суст) учун етарли вақт ажратиш зарур. Саломатликни яхшилаб бориш мақсадида ҳар куни жисмоний машқлар ва бадан тарбиясига риоя қилиб, организмни чиниқгириш учун ҳам вақт ажратиш тавсия этилади. Кўпчилик талабалар ўз имкониятларига ортиқча баҳо бериб юборишлари натижасида маълум зўриқдшларга учраши мумкин.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики эрталаб нонушта қилмай келган талабалар кўп ҳатоликларга йўл кўядилар, тўйиб ухламаган талабаларда тезкорлик етишмаслигини кузатишимиз мумкин.

Агар мияга дам берилмай, юклама билан ишлайверилса, асаб хужайраларига ва бутун асаб тизимига зўриқиш бўлиши мумкин. Бундай шароитларда ҳар қандай иш фаолияти тухталиб дам олиш мақсадга мувофиқдир. Театр, кино, шеърхонлик, китоб мутааоласи, истароҳат боғларида сайр қилиш, табиат манзараларидан баҳра олиш, сайрларда бўлиш—

буларнинг ҳаммаси унумли меҳнат қилишда ажойиб ёрдам берувчи омиллардир.

Кун тартибини белгилашда вақт меъёрини режалаштириш ўқув машғулоти жадвали, ўқув дастури ва дарсдан ташқари машғулоти жадвалига асосланиб тузилади. Бинобарин, ана шу ҳужжатлар билан танишиш мустақил ишлашни ташкил этишнинг асоси ва биринчи шартидир.

Ҳар бир талаба ўзининг иш режасига эга бўлиши керак. Шахсий иш режаси юқорида қайд қилиб ўтилган шартларни инобатга олган ҳолда, берилган топшириқлар аниқланади. ўқув жадвалида белгиланган топшириқлар, қисқача маъруза, тажриба ишлари, назорат топшириқлари, оммавий тадбирлар, мусобақалар, бадий кечалар, спорт мусобақалари каби тадбирларнинг муддатлари ҳисобга олинади.

Бир ҳафталик ёки бир ойлик режа тузиб чиқилади. Ушбу режада бажариладиган ишлар мазмуни, кун ва вақти кўрсатиб ўтилади. Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаги меҳнат таълим факультети талабалари вақтни тўғри тақсимлай олмасликлари натижасида мустақил иш бажаришлари муаммога айланмоқда. Уларнинг маълум тартибга риоя қилмасликлари, мустақил фаолият билан шуғулланиш йўллари билмасликлари бунинг асосий сабабидир. Шунинг учун талабаларни кун тартибини тузишга, унга риоя қилишга ўргатиш муҳим аҳамият касб этади. Улар маълум бир тартибга ўргангунларига қадар ҳар бир кунни уйқудан уйғонишдан бошлаб, то уйқуга ётишгача маълум меъёрларда тузиб чиқишлари керак. Ўрганганларидан сўнг ҳар кун такрорланувчи фаолиятларни қайд этмаган ҳолда, ўзгариб турувчи ва қайд этиш лозим бўлган маълумотларгина ёзиб борилади. Қилинадиган ишларнинг кун ва вақти аниқ белгила-ниши лозим.

Кун тартибини тузишда мустақил ишлаш учун белгиланган соатларда бошқа ишлар билан банд бўлиб уни бекорга ўтказмаслик кераклигини, ҳар 40-50 минутдан сўнг 10 минут ҳордиқ чиқариш, 2,5-3 соатлик машғулотдан сўнг эса, гарчи чарчамаган бўлсангиз ҳам, ярим соат дам олиш зарурлигини эътиборга олиш керак.

Шундай қилиб, ўқишдан ташқари ишлар учун кунига 4-4,5 соат вақт ажратиш зарур ва бу вақтни 5-10 минутгача аниқлик билан тақсимлаш мумкин, бундай ақлий меҳнат гигиенаси мезонларига риоя қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Ҳар куни кечқурун бажарилган ишлар таҳлил қилинади. қайси ишни бажаришда сусткашликка йўл қўйилган бўлса, кейинги босқичларда тузатишлар киритишга ҳаракат қилинади, Қилинадиган ишлар тартибли равишда белгилаб чиқилади. Мияни толиқтариб қўймаслик учун ақлий меҳнатдан сўнг жисмоний меҳнат билан шуғулланган маъқул.

Машғулотни тушуниш бир мунча оғир бўлган ўқув предметидан бошлаш, сўнгра яна ҳам қийинроғига ўтиш, осонини эса энг охирида ўқиш ҳам мумкинлигини назарда тутиш зарур.

Мустақил ишлашни оз-оздан бошлаб, мунтазам равишда купайтириб бориш лозим. Маълум бир меъёрда иш бажариш одамни чарчатмайди ва фаолиятнинг турғунлигини таъминлайди. Режалаштирилган ва амалга ошириш йўллари тузатиш ташкилотчилиқ қобилиятини уйғотади, ирода, сабот-матонат, ижодий тафаккурлаш, мустақиллик каби фазилатларни туғдиради.

Шундай қилиб, мустақил ишлашни намунали ташкил қилиш кўп илмий назарий материалларни ўзлаштириш, билимдон бўлиш ва етук мутахассис бўлиб етишиш учун замин ҳозирлайди.

Вақтни тўғри тақсимлаш ва мустақил ишлашни оқилона ташкил этишни касб этади. У ёки бу фанлардан уйга берилган вазифаларни бажариш мустақил ишнинг оддий шакли ҳисобланади. Мураккаб шаклига эса ўтилган дарслар, маърузалар ва амалий машғулотлар, семинар ва лабораториялар, бўлимлар юзасидан адабиётларни мустақил равишда таҳлилий ўрганиб чиқиш, айрим саволларга аниқ жавоблар топиш билан боғлиқдир. Манбаларни мустақил ўқиш йўли билан қўйилган саволларга бир неча адабиётлардан умумлаштириб, жавоб топишга ўргатиб бориш яхши натижалар беради.

Бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиларини педагогик мустақил билим олишга тайёрлаш жараёни талабалар ҳар бирининг педагогик қизиқиши ва

талабларини ҳисобга олиб. Ушбу мустақил билим олишда зарур бўлган кўникма, малака ва қобилиятларини такомиллаштириш билан тизимли режалаштириб олиб борилади.

Талабаларнинг мустақил билим олиш фаолиятларини асосий кўрсаткичлари қуйидагилар ҳисобланади: фаоллик, мустақиллик, идрок этиш фаолияти.

Мустақил ишларни бажариш албатта ўқув материаллари билан боғлиқ бўлиши керак: дастурлар ва тематик режаларга таяниш ҳамда - бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиларни педагогик мустақил ишлашга тайёрлашда тизимли, комплекс ва бирлаштиришга ёндошиш.

Ушбу мустақил билим олиш фаолиятининг хусусиятлари:

- ихтиёрийлик, эркин танлаш, мустақиллик ва фаоллик;
- мақсадга мувофиқлик ва мунтазамлик;
- ижодийлик; касбий талабларини қониқтириш, қобилиятларидан фойдаланиш, уларни ривожлантириш;
- турли хил мумкин бўлган - идрок этиш интеллектуал-ижодий, шахсий ва педагогик йўналган топшириқ ва ишларни бажариш;
- мустақил ишлашда турли хил фаолиятларида иштирок этиш.

Бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиларнинг касбий-педагогик мустақил ишга қуйидагилар сифатида қаралади: касбий ўзини ҳаракатлантириш фаол шакли, унинг натижасида фақатгина касбий мустақил билим олиш бўлмаган англаб етилган талаб юзага келади; ўқитувчининг шахсини ижодий тарбиялаш жараёни сифатида.

Мустақил тафаккурни шакллантириш жараёни мустақил ишнинг асосий қисми ҳисобланади. Мустақил тафаккурга оид муаммолар билан кўпгина психолог олимлар Н.А.Менчинский, Н.Ф.Талызина, М.А.Кабанова – Миллер ва бошқалар тадқиқот олиб борганлар.

Мустақил ишлаш жараёнини фаоллаштириш учун талабаларда қуйидаги хусусиятларни шакллантириш зарур:

- мустақил ишга иштиёқ (мотив);

-мустақил иш малака ва кўникмалари;

-мустақил ишга лаёқати.

Мустақил ишнинг фаол кўзғатувчилари қуйидагилардан иборат:

- мустақил фаолиятга бевосита фаол қизиқиш;

- ахлоқий эстетик ва руҳий қониқиш мотивлари.

Билиш эҳтиёжлари ривожланишининг босқичлари қуйидагичадир:

- элементар илмий тадқиқот фаолияти йўналиши босқичи ва ташқи таассуротларга эҳтиёжни шакллантириш;

- оламни билишга бўлган эҳтиёжни шакллантириш босқичи;

- билиш усулини эгаллаш фаолияти сифатида машқ қилиш эҳтиёжини шакллантириш босқичи;


- билиш эҳтиёжларини танлашга йўналганлигини шакллантириш босқичи;

- мустақил ишга бўлган эҳтиёжни ривожлантириш босқичи.

Сўнгги босқич, айниқса биз учун аҳамиятли ҳисобланади. Чунки мустақил таҳсил олишга бўлган эҳтиёжни шакллантириш талабаларнинг етуқ, баркамол, ўз йўналиши бўйича етакчи мутахассис бўлишларида муҳим аҳамият касб этади. Таълим тизимида ўз-ўзини ўқитиш, назорат қилиш мустақил ишнинг асосий омилларидан бири ҳисобланади. Билишга бўлган қизиқиш – саралаб олишга йўналтирилган бўлиб, шахснинг эҳтиёжларидан келиб чиқади.

Талабалар мустақил иш билан шуғулланишлари учун уларда мустақиллик, фаоллик ва қизиқувчанлик хусусиятлари шаклланган бўлиши керак. Бу тўрт хусусият ўзаро алоқадорликда ва мутаносибликда мустақил ишга ундовчи хусусиятлар ҳисобланади. Мустақиллик-бунда талабаларнинг муаммони ҳал қилишга, мавзунини ўрганиш ва амалий вазифаларни бажаришларига мустақил ҳолда ижодий бажаришларига интилишлари тушунилади. Фаоллик-бунда талабаларнинг жараёнларга фаол, иштиёқ билан киришишлари тушунилади. Қизиқувчанлик-бунда талабаларнинг билим олишга, кўникма ва малакаларини шакллантириш жараёнига қизиқиш,

интилиш билан ёндашишлари тушунилади. Мотивация яъни инсоннинг ички ундовчи кучи ҳисобланиб, ички ёки ташқи бўлиши мумкин.



1- расм. Мустақил ишга ундовчи хусусиятлар

Талабаларнинг мустақил фаолияти қуйидаги белгиларга эга:

- мустақил фикр юритиш ва унга интилиш;
- ҳар қандай шарт–шароитда ёки вазиятларда бажариладиган иш объектини аниқлай олиш;
- янги вазифаларни ҳал этишда ўз ёндашувини амалга ошира олиш;
- эгалланиши лозим бўлган билимларни нафақат тушунишни, ўрганишни ишташ, балки ушбу билим, кўникма, малакаларни ўзлаштиришнинг тез, самарали усулларини излаб топиш;
- бажарилган ишларни таҳлил қилишда танқидий ёндашув;
- ўз ғоя ва қарорларининг эркинлиги.

1.3 Мустақил таълимни ташкил қилишнинг педагогик асослари

Мустақил иш мақсадини белгилаш муҳим педагогик муаммолардан ҳисобланади. Мустақил иш мақсади талабаларда мустақил билим олиш, мустақил ишлаш, ижодкорлик, эгаллаган билимларини амалиётда қўллаш, ўз-ўзини назорат қилиш кўникма ва малакаларини шакллантириш, уларнинг касбий ривожланишини таъминлашдан иборатдир.

Назарий-педагогик асослари қуйидагилардан иборат:

- талабаларни, бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиларни педагогик мустақил ишга тайёрлашнинг асосини ташкил этувчи мақсади; муаммони ҳал этиш умумпедагогик жиҳати; даражалари; талабаларини мустақил иш фаолиятлари асосий хусусиятлари ва кўрсаткичлари; муаммони ҳал этишга ёндошишда комплекслилик ва умумийлик; қўзғатувчи омиллари; мустақил ишнинг назарий асослари, уни ташкил этувчилари, уларнинг ўзаро боғлиқликлари ва бир-бири билан алоқадорлиги; ўрганилаётган муаммонинг схемаси, тикимси, унинг асосий ташкил этувчилари ва жараённинг ўқи; унга талаблар, унинг босқичлари, бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиларни педагогик мустақил ишлашга тайёрлашнинг асосий омиллари ва шартлари.

Ўрганилаётган муаммонинг назарияси қуйидагиларни талаб этади:

- мустақил иш, ўзини тарбиялаш, ўзини такомиллаштириш каби ва бошқа "ўзини"-категорияларининг моҳиятларини кўриб чиқиш; сабаблилик, асослаш, ўқув қизиқиши. Ўрганишга қизиқиш; идрок этиш-мустақиллиги. Фаоллиги, фаолияти; шахснинг ривожланиши жараёнини назарий тушуниб етиш; кўрсатиб ўтилган категориал тушунчаларни ўрганилаётган муаммога нисбатан кўрсаткичлари ва ўлчовларини ишлаб чиқиш: бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиларни мустақил ишлашга қизиқиш, талаб, малака, кўникма ва қобилиятларини шакллантириш - ривожлантириш такомиллаштириш омиллари. Йўллари, шартлари ва рағбатларини аниқлаш.

- бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиларни мустақил ишга тайёрлаш бўйича педагогик таълим муассасалари умумқасбий фанлари ўқитувчиларига талабларни ишлаб чиқиш.

- бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиларда педагогик мустақил ишга қизиқиш, талаб ва қобилиятни - педагогик маданиятни такомиллаштиришга чорловчи омил сифатида шакллантиришдан иборат.

Муаммони ҳал этиш педагогик жиҳати - талабалари бўлажак ўқитувчи бакалаврлардан педагогик такомиллаштиришни, касбий ўқитишни чуқурлаштиришни, педагогик малакасини оширишни талаб қилади, бўлажак ўқитувчи бакалаврларни педагогик такомиллаштириш (касбий-ўрганиш қизиқишлари талаблари, амалий тайёргарлиги ва педагогик тажрибаси асосида).

Идрок этиш мустақиллигини шакллантирувчи идрок этиш фаоллигини таъминлаб туриш муҳим ҳисобланади, буни шахсининг муҳим сифати каби қаралди.

Шахсининг индивидуаллиги ҳозирги кунда ижтимоий қадрият сифатида қабул қилинмоқда.

"Инсоннинг индивидуаллиги наслий аслда тарбиялаш жараёнида шакллантирилади ва бир вақтнинг ўқида ва бу инсон учун асосийси - ўзини ривожлантириш, ўзини тарбиялаш, ўзини амалга ошириш жараёнида шакллантирилади". Бугунги кунда бу таълим соҳасининг асосий масалаларидан бири. "Таълим ўқувчи шахсининг ўрганиш ва предметни фаолият субъекти сифатида индивидуал хусусиятларини аниқлашдан келиб чиқиб, унинг ривожланиши ва ўзини ривожлантиришни таъминлаши керак".

Буларнинг ҳаммаси ўқитувчи ва ўқувчи янги муносабатлари тизимида психологик-педагогик асосда, ҳақиқий таълим жараёнида амалга оширилади. Педагогик билим олишнинг йўли - турли педагогик ўқув юртларида ўқиш, шу жумладан, мустақил иш ёрдамида. Бўлажак ўқитувчилар тарбия билан уқвий боғлиқ бўлган умумий ва махсус билимлар оладилар. Бу жараёнда дунёқараши, онги ва ўзини англаши юқага келади. Педагогик таълим

педагогик жараённинг аниқ кўриниши - ўқитишда, шахсга таълим бериш ижтимоий вазифаларнинг унинг ривожланиши ва тарбиялаш билан уқвий боғлиқликда, давлат ўқув дастурини амалга оширувчи педагоглар раҳбарлиги остида содир бўлади.

Бу икки томонлама жараён: дарс ўтиш ва ўқитиш - фаолият (ўқувчининг). Бирок ўқувчининг фаоллигисиз, унинг тиришиб мустақил ишлашисиз самарали билим бериш мумкин эмас. Ўқитиш вазифаларига ўқув-таълим, тарбиявий, шахснинг умумий ривожланиши ҳамда оқилона талаблари ва қобилиятлари киради (шахснинг умумий ривожланишига билимлари кенглиги, эмоционал, интеллектуал ривожланганлиги, иродаси, ўқиш-ўрганиш фаолияти кўникмалари шаклланиши (рационал ўқиш малакаси) кўзда тутилади).

Шундай қилиб, бўлажак меҳнат таълими ўқитувчи бакалаврларни (ва кундузги таълим) мустақил ишларни бажаришга тайерлаш муаммоси жуда ҳам долзарб масала, ижтимоий хусусиятга эга, ижтимоий аҳамият касб этади ва ўзининг кечиктирилмай илмий-педагогик ҳал этилишини талаб этади.

Ушбу муаммони илмий ишлаб чиқиш учун шарт-шароитлар қуйидагилар ҳисобланади:

- Таълимнинг асосий объекти ижтимоий қадрият сифатида ўқувчининг шахси, унинг ривожланиши ва тарбияси ҳисобланиши;
- Ижтимоий-социал омиллар сабабли, таълим, мустақил ишларни бажариш билан бир қаторда ўсиб бораётган роли;
- Талабаларнинг, шу жумладан талабаларининг ўзини такомиллаштиришда, биринчи навбатда касбий такомиллаштиришдаги эҳтиёжлари, талаблари ;
- Педагогик амалиёт томонидан бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиларида ижтимоий-шахсий сабаблар ва инсонпарварлик асосида касбий-педагогик мустақил ишга қизиқишлари ва талабларини шакллантириш илмий асосланган, назарий-педагогик ва амалий асосларини

талаб этилиши.

Бизнинг фикримизча, илмий-педагогик ўрганилиши керак бўлган муҳим жиҳатлари қуйидагилардан иборат: бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиларнинг мустақил ишлари методологияси ва стратегияси; касбий-педагогик мустақил ишлар тизими; ўқитиш жараёнида бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиларнинг фаол мустақил ўрганиш фаолиятларини ташкил этиш:

- педагогик таълим муассасалари талабаларининг мустақил ишлари жараёнида фундаментал фанларни киритиш, фанлараро боғлиқликларга йўналтириш. Бўлажак меҳнат таълими ўқитувчилари мустақил ишларига ўқув жараёнида шахсий йўналтирилган ва фаолиятли ёндошиш: талабаларнинг мустақил ишнинг янги шакллари;

- катта ахборот кенглигига эга, электрон ўқув материалларига мўлжалланган методик тизимлар. Шу билан бирга қуйидаги муаммолар: "Бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиларида касбий мустақил ишида педагогик билимларга қизиқиш ва талабаларни шакллантириш", "Бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиларнинг мустақил ишлари педагогик асослари", "Бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиларни инсонпарварлик асосида мустақил ишга тайёрлашнинг назарий-педагогик хусусиятлари", "Бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиларда инсонпарварлик асосида мустақил ишга талабни шакллантиришнинг назарий-амалий асослари" ва бошқалар.

Илмий педагогик тадқиқотларнинг юқорида айтиб ўтилган жиҳатлари ва муаммолари тенг даражада педагогик таълим соҳасига - мустақил ишларга ҳам тааллуқлидир.

Бўлажак меҳнат таълими ўқитувчи бакалаврларни мустақил ишларни тайёрлашнинг назарий-педагогик хусусиятларини аниқлаш ва ишлаб чиқиш, ана шу тайёргарликда педагогик фанларни ўрганиш жараёнида уларни синаб кўриш таълимнинг шакли, ушбу категория педагогик кадрларни тайёрлаш ўзига хослигини ҳисобга олиб фақатгина кўрсатилган ўзига хосликларини аниқлашни эмас, балки уларнинг асосида—муаммони

ҳал қилиш назарий-педагогик ва назарий амалий асосларини ишлаб чиқишни ҳам талаб этди.

Педагогик таълимнинг ўзига хосликлари биринчи навбатда диққат марказида бўлди – мустақил ишларга йўналиш ва объектив-субъектив хусусиятли ўзига хосликлари (ўқув дастурлари, маълум педагогик тажрибага эга талабалар тартиби).

Бу ерда қуйидаги қоидаларга айниқса жиддий эътибор берилди:

- педагогик ўрта таълим ўқитувчи-амалиётчиларнинг (ишдан ажралмаган ҳолда) касбий даражаларини такомиллаштириш бакалавр даражасини олишга;

- мустақил ишга йўналтириб (бакалаврият дастури бўйича) сессия пайтида даврий ўқитиш;

- ушбу ўқитишда мустақил ишнинг роли, аҳамияти ва зарурлигини кучайтириш;

- ушбу ўқитиш турининг дастурли кўрсатмалари, ўқув материаллари регламенти

- мажбурий мунтазам ва режали мустақил ишлаш; ўқувчилар ушбу тартиби ўзига хосликлари;

- умумий мақсадга интиланлик; мустақил ишларни бажариш зарурлигини англаб етиш;

- маълум педагогик тажриба ва педагогик фикрлаш; педагогик мустақил ишнинг кенг имкониятлари мустақил эгалланган қўшимча педагогик билимларинидан ҳақиқий педагогик амалиётда фойдаланиш имкониятлари ўқитиш, муносабатлар ва педагогик мустақил ишларни демократик усуллари янада фаоллаштириш ўқув жараёнини иложи борича гуманитарлаштириш лозим. Талабаларни мустақил ишга йўналтириш индивидуал мавжуд педагогик тажрибани ҳисобга олиш, ўзини таҳлил қилишни, педагогик фикрлашни, тажриба алмашишни талаб этадиган лекциялар, суҳбатлар, топшириқларни, ишларни кўзда тутиш. Уларда ўрганиш идрок этиш фаолиятига қизиқиш ва талабларини уйғотиш

таълимнинг (мустақил ишнинг) замонавий концепциясини, мустақил иш жараёнига тизимли-тузилишли ёндошишни, унинг муҳим психологик-педагогик жиҳатлари, юқорида кўриб ўтилган ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб айнан ана шу жараёнга хос бўлган бўлажак меҳнат таълими ўқитувчи бакалаврларни мустақил ишга тайёрлашнинг назарий-педагогик хусусиятлари аниқланди:

- концептуал методологик;
- сабаблилик;
- ўзига хос таълим ва аниқ ўқув;
- принципиал-кўрсатмали-йўналтирувчи ва мақсадга мўлжалланган
- критериал-кўрсаткичли, регламентловчи ва категориал
- принципиал-педагогик ва аниқ-методик
- интеграцион-комплексли
- тизимли-тузилишли-мазмунли, процессуал
- сабабли-қўзғатувчи, оптималлаштирувчи ва рағбатлантирувчи;
- кўрсатмали-йўналтирувчи ва регламентловчи
- инсонпарварлаштириш ва демократизациялаштириш
- ўрганиш-фаолиятли
- технологик ва аниқ методик
- индивидуал-дифференцияловчи ва касбий-шахсий
- субъектли-мустақил, мустақил иш
- интеллектуал-ижодий ва хусусий-методик
- ижтимоий-фаолиятли
- ўзини таҳлил қилувчи ва ўзини баҳоловчи
- истиқболли-прогнозли

Меҳнат таълими бўлажак ўқитувчи бакалаврларни тайёрлашнинг ана шу назарий-педагогик хусусиятлари асосида муаммони ҳал этиш асосларини аниқлаймиз ва ишлаб чиқамиз.

Ўрганилаётган муаммони ҳал этиш назарий-педагогик асосларига куйидагиларни киритамиз:

- Асосини ташкил этувчи мақсади
- умумпедагогик аспектилари
- асосий мақсадни
- муаммони ҳал этиш босқичлари, принциплари
- талабаларнинг мустақил ишлари ва фаолиятлари асосий кўрсаткичлари ҳамда хусусиятларини
 - талабаларни педагогик мустақил ишга тайёрлашнинг комплекслиги ва бирлаштирилганлиги, қўзғатувчи омиллари
 - педагогик мустақил ишнинг назарий асослари, унинг ташкил этувчиларини (уларнинг ўзаро боғлиқликлари);
 - схемасини, тизимини(унинг асосий таркибий қисмларини кўрсатиш билан);
 - жараённинг ўқи (унга талаблар), унинг босқичлари;
 - оптималлаштирувчи омиллари ва шароитлари.

Ўрганилаётган муаммонинг назарияси қуйидаги категориялар моҳиятини кўриб чиқишни талаб этди: ўзини тарбиялаш, мустақил билим олиш, ўзини такомиллаштириш ва бошқалар; сабаблари; қизиқиш; ўқув ва ўрганиш жараёни, ўрганиш мунтазамлиги, фаоллик, фаолиятлилик (уларнинг жараёнлари, ривожланиши, критериал, кўрсаткичлари, шаклланиши, ривожланиши, такомиллаши шартлари ва рағбатлари); талабаларни педагогик мустақил ишларга тайёрлаш муаммосини ҳал қилувчи педагогик таълим муассасалари ўқитувчиларига талаблар.

Мустақил ишларга тайёргарликнинг ташкилий асослари педагогик-психологик, техник-технологик тушунчалар ҳисобланади. Педагогик-психологик ва техник-технологик тушунча (категория)лар сабабий ва текшириш-баҳолаш таркибий қисмларининг ривожланишига фаол таъсир кўрсатадилар. Демак, мустақил ишларга тайёрлаш жараёнида талабаларда назарий (тушунчали) фикрлаш қобилиятини ривожлантириш зарур.

Бундай тайёргарликни амалга ошириш бу барча муҳим боғлиқликлар билан тушунчалар кўринишида акс эттирилган педагогик ва техник-

технологик муаммоли вазиятли топшириқларни хаёлан тасаввур этиш ва қайта ўзгартиришга ўргатиб бориш, яъни, маълум интеллектуал ҳаракатни амалга ошириш демакдир.

Таълим жараёнининг умумий моҳиятини ёритишда педагогик адабиётларда «ўқув топшириғи» тушунчаси билан бирга «масала» тушунчаси кенг берилган. Аксарият ҳолатларда масалани ҳал этиш мавжуд муаммонинг оғзаки ифодаси сифатида эътироф этилади. Масалада жавоби топилиши зарур бўлган шарт ва унга асосланган муаммоли савол берилади.

Юқорида ўқув масаласини мустақил ишнинг ташкилий шакли сифатида белгиладик. Шунга асосланиб, ўқув-педагогик масалалар тизимига қўйилувчи талабларни ифода этамиз.

Ўқув-педагогик масалалар тўплами бу маълум яхлитлик бўлиб, ўқитувчи фаолияти асосида ҳал этилувчи асосий вазифаларни акс эттиради.

Шунингдек, талабанинг фаолият воситаларини эгаллаб олишга ундовчи самарали ёндашувни таклиф этади ҳамда ҳаракатлар ва уларга мос келувчи масалаларнинг қуйидаги турларини кўрсатади:

1. Ўқув фаолиятини ташкил этувчи ҳаракатлар (ўқув ҳаракатлари) ва ушбу ҳаракатлар ёрдамида ечилиши зарур бўлган масалалар (ўқув масалалари).

2. Субъект амалга оширишни ўрганиб олиши зарур бўлган ҳаракат (критериал ҳаракат)лар ҳамда ҳал қилиши керак бўлган масала (критериал масала)лар.

Ўқув педагогик масалаларни еча билиш малакали шахснинг умумий ҳолати билан ифодаланувчи, унинг онги, фикрлаш усули, касбий нуқтаи назари ва йўналишини кўрсатувчи умумкасбий малакадир. Шахснинг йўналганлиги аниқ воқелик сабабий-қадриятли муносабат мазмунида намоён бўлади. Педагогик ҳамда техник-технологик муаммоли вазиятли топшириқларни ҳал этиш асосида талаба бўлажак касбий фаолият муаммоларини ҳал этиш усулларини эгаллайди.

Педагогик ҳамда техник-технологик муаммоли вазиятли топшириқлар дидактикада мустақил иш даражасини оширувчи бошқарув, рағбатлантириш, ташкил этиш ва назорат воситалари сифатида қаралади.

Талабанинг ўқув фаолиятига нисбатан ўқитувчи томонидан муайян талабларнинг қўйилиши уларнинг мазмунини бойитади. Педагогик ҳамда техник-технологик муаммоли вазиятли топшириқларни берилиш шакли эса олдин ўзлаштирилган намуна бўйича хулосалар чиқаришни кўзда тутувчи бошқарув топшириқлари ва масалаларининг бажарилиши саналади.

Бизнинг фикримизча, педагогик ҳамда техник-технологик муаммоли вазиятли топшириқлар ва масалаларда автоном ҳолда мустақил ишларга ўтиш учун катта имкониятлар мавжуд. Аксарият тадқиқотчилар педагогик ҳамда техник-технологик муаммоли вазиятли топшириқларнинг бир хил белгиларини аниқлаганликларини қайд этиб ўтадилар, лекин улар ўртасидаги фарқлар эса деярли ўрганилмаган.

Педагогик ҳамда техник-технологик муаммоли вазиятли топшириқлар мустақил ишни амалга оширишга имкон берувчи топшириқлар тўпламини яратиш учун асос бўла олади.

Педагогик ҳамда техник-технологик муаммоли вазиятли топшириқлар объектив, аниқ педагогик ва ишлаб чиқариш муаммоларини акс эттиради. Ўқитувчи ўрганилаётган педагогик ҳодисалар ва ишлаб чиқариш жараёнининг ўзаро зид хусусиятларини акс эттириш учун муаммоли вазиятдан фойдаланса, у ҳолда объектив муаммо ўқув муаммосига айланади. Талабалар учун тушунарли бўлган ўқув педагогик ва ишлаб чиқариш жараёни муаммолари ўқув топшириғи саналади.

Педагогик ҳамда техник-технологик муаммоли вазиятли топшириқлар турли дидактик натижаларнинг қарор топишига олиб келади. Педагогик ҳамда техник-технологик муаммоли вазиятларни яратиш, таълим жараёнини бошқариш, талабаларнинг ўқув фаолиятларини фаоллаштиришга имкон беради. Масалалар эса билимларни чуқурроқ эгаллаб олиш, креатив малака

ва кўникмаларни ривожланишига ёрдам берувчи дидактик восита бўлиб хизмат қилади.

Деярли ҳар бир ўқув муаммоси фикрлаш фаолиятини фаоллаштиришга имкон беради, бироқ уларнинг ҳар бири ҳам илмий даражада педагогик ва психологик тушунчаларни мустақил шакллантиришга олиб келмайди. Шу боис педагогик, техник-технологик муаммоли вазиятли топшириқларни ишлаб чиқишда ўқув муаммоларининг дидактик хусусиятларини ҳисобга олиш зарур. Топшириқ тўғри ифода этилса, уларни талаба томонидан қабул қилиниши ва ўқув фаолиятига нисбатан қўйилувчи талаблар тўплами сифатида эътироф этиш мумкин.

Аммо мустақил иш мазмунини ҳар доим ҳам билим олишдаги каби муаммо кўринишида ифода этиб бўлмайди. Ўқув муаммолари ўртасидаги «оралиқни» субъект репродуктив йўл билан ўзлаштиради. Дидактик жиҳати инвариант бўлиб, у белгилаб қўйилган ва ўқув фаолиятининг доимий таркибий қисмлари: предмет, восита, усуллари, натижалари ва шаклини бошқаради.

Талаблар мазмуни одатда турли дидактик омиллар (мақсадлар, мазмуни ва бошқалар)га боғлиқ равишда ўзгарса, дидактик жиҳат эса мазмуни ўзгарган ҳолда барқарор шаклга эга бўлади.

Мустақил ишларни бажариш технологиясига мувофиқ педагогик ҳамда техник-технологик муаммоли вазиятли топшириқларни ишлаб чиқиш қоидалари қуйидагилардан иборат:

– педагогик ҳамда техник-технологик муаммоли вазиятли топшириқлар ҳақиқий педагогик ва ишлаб чиқариш вазиятлари билан боғлиқ муаммоларга эга бўлиши керак;

– муаммоли вазиятли топшириқлар асосини ташкил этувчи муаммони ҳал этиш тушунчаларини юзага келтирувчи ақлий фаолиятни турли усуллар (анализ, синтез, таққослаш, солиштириш, умумлаштириш ва ҳ.к) ёрдамида амалга оширишни кўзда тутати;

– муаммоли вазиятли топшириқлар тушунчалар мазмунида акс эттирилган ҳодисалар ва жараёнлар ўртасидаги муҳим боғлиқликни объектив равишда кўрсатиши керак;

– муаммоли вазиятли топшириқлар исботини аниқлаш ва талабалар онгида, ҳодисалар ва жараёнлар ўртасида мустаҳкам боғлиқликни мустаҳкамлаш асосида тушунчаларни юзага келтириш имкониятларини кўзда тутиши лозим;

– муаммоли вазиятли топшириқларни бажаришнинг яхлит ифодаланган ёки ифодаси топшириқ шартларини ташкил этувчи бир неча оддий тушунчалардан субъект томонидан ҳали ўзлаштирилмаган янада мураккаброқ тушунчани келтириб чиқариш имконини беради;

– муаммоли вазиятли топшириқларни бажариш жараёнида оддий тушунчалар ёки субъектга маълум бўлмаган тушунчалар билан ёки бир-бири билан таққосланади;

– тушунчаларни таққослашда субъект фикрлашнинг турли: анализ, синтез, солиштириш, таққослаш, техник объектлар орасидаги умумийлик, типиклик ва хусусийликни топиш амалларини бажаради;

– муаммони ҳал этишда яққол бўлмасада, бироқ бошланғич тушунчалар ўртасидаги жуда муҳим боғлиқликлар очиб берилади;

– янги тушунчалар шакллантирилади ва унинг таркибига ўзгартирилган оддий тушунчалар киради;

– муаммоли вазиятли топшириқларни бажаришда субъект қуйидаги амалларни бажаради: тушунчаларнинг шакли ва мазмунини ўзгартирмасдан қайта ишлаб чиқади; тушунчалар шаклини ўзгартириб, уларни қайта ишлаб чиқади; илгари ўзлаштирилган тушунчалардан расмий-манتيқий фикрлаш усулларида фойдаланиб, уларни қайта ўзгартиради; назарий фикрлаш асосида янги тушунчалар шаклланади.

Муаммоли вазиятли топшириқларни ҳал этиш жараёнида илгариги амалларни бажариш доимий назорат қилиб борилади. Уларни таҳлил қилиш натижасида субъект ўқув топшириқларини бажариш умумий усулларини

ўзлаштиради. Топшириқлар муваффақиятли бажарилганда талабаларнинг мустақилликлари автоном хусусият касб этади, сўнгра тўла мустақилликка эришилади. Бошқалар эса талабаларга ўқув педагогик ва техник-технологик муаммоларни ҳал этиш жараёнида ҳисобга олинадиган ифода этилган шартлар кўринишидаги йўналишларни кўрсатиш зарур деб ҳисоблайдилар.

Одатда педагогик ҳамда техник-технологик муаммоли вазиятли топшириқлар талабалар эътиборига дарҳол уни ҳал этиш мумкин бўлган масала кўринишида ҳавола этилади. Талабаларга масалаларни бундай кўринишда таклиф этиш, ўқув-педагогик ёки ишлаб чиқариш жараёни муаммоли вазиятларда шартларни излаш ёки ифода этиш жараёнида субъектлар томонидан ташкил этилувчи интеллектуал фаолиятни гўёки талабалар ўрнига ўқитувчи амалга оширгандек бўлади. Мустақил ўқишда шартлар олдиндан маълум қилинмайди.

Агарда ўқитувчи томонидан масалага айлантирилган ўқув топшириқларини бажариш жараёнида талаба ечим йўлини топа олмаса, у ҳолда у аниқ вазиятга дуч келиб, ушбу вазиятни педагогик ва ишлаб чиқариш жараёни муаммосининг ечимини излашга имкон берувчи ҳолатга айлантира олмайди. Масалани ечиш маълум дидактик вазифаларга қатъий амал қилишни тақозо этади. Масала шартлари аввалдан тузувчи томонидан белгилаб қуйилганда, талабадан вазиятни қайта ўзгартириш малакасини намойиш қилиш талаб этилмайди. Шу боис талабалар билимларини бошқа вазиятга кўчириш ва уларни амалда қўллашда қийинчиликлар ҳис этадилар.

Тажриба ишлари ўқувчилар, касб-хунар коллежлари ва педагогик университетлар талабаларининг масалани ечишда, тахминан бир хил даражада эканликлари, бироқ ўқув-педагогик ва ишлаб чиқариш жараёни муаммолари шартини ифода этишга тайёр эмасликларини кўрсатди.

Мустақил ишлашда кўпроқ шартлари ифода этилмаган топшириқларни бажаришга тўғри келади. Масалани ечар экан, талаба шартларни ўзгартириш қонунлари билан танишади, аниқ бир муаммони таҳлил қилиш ва ўқув-

педагогик ёки техник-технологик масалани бажаришда мавжуд кўникма ва малакалардан фойдаланади.

Ўқув муаммолари ёрдамида педагогик-психологик ва техник технологик тушунчаларни шакллантириш талабаларга мустақил равишда муаммо белгиларини аниқлаш, муҳим маълумотларни иккинчи даражали маълумотлардан ажратиб олиш ва қўшимчаларни излаб топиш имконини беради.

Педагогик ҳамда техник-технологик муаммоли вазиятли топшириқлар мазмунида акс эттирилган муаммо, кўпинча, амалий ҳаётда учраб туради. Талабалар уларни шундай қайта ифодалашлари керакки, мавжуд тажрибаларга таяниб, ечимга эришиш имконини берувчи шартларни реал вазиятдан ажратиб олсинлар.

Энди шартлари аниқ ифода этилган педагогик ҳамда техник-технологик муаммоли вазиятли топшириқлар моҳияти билан танишиб чиқамиз. Улар мустақил ишларни бажариш технологияси билан бевосита боғлиқ эмас, бироқ айни вақтда уларсиз мустақиллик ва автономликка эришиб бўлмайди.

Бундай педагогик ҳамда техник-технологик муаммоли вазиятли топшириқлар қуйидаги турларга ажратиш мумкин:

1. Шартлари ифода этилган, лекин ечиш учун зарур бўлган барча маълумотлар берилмаган масалалар. Улар назарий ва амалий масалалар тарзида икки гуруҳга ажратилади. Амалий масалалар ҳақиқий педагогик ва ишлаб чиқариш жараёни билан узвий боғлиқ бўлади. Бундай масалаларни ечишда фақатгина ақлий фаолият, билим, малака ва кўникмаларгина эмас, балки сенсор ва ҳаракатлар фаоллигига эришиш талаб этилади. Бу масалалар мустақил ишларни бажариш технологияларининг амалиёт билан узвийликни таъминлашга ёрдам беради.

2. Ўзлаштирилмаган билим, ҳаракат ва операцияларга дуч келинмайдиган масалалар. Улар аввал ўзлаштирилган билимларни мустаҳкамлаш, уларни янги вазиятларда қўллаш, фикрлаш малака ва

кўникмаларини эгаллаш ҳамда мавжуд билимларни мустаҳкамлаш учун мўлжалланган.

3. Саволлар – янги билимларни қабул қилиш ва ўзлаштиришга тайёрликни аниқловчи восита. Саволларда қуйидаги икки жиҳат кўзга ташланади: мавжуд билимларини текшириш ва мустақил хулосага келишга йўналтириш. Саволлар репродуктив ва продуктив тарзида икки гуруҳга бўлинади. Репродуктив саволлар хотирани мустаҳкамлаш, продуктив саволлар эса фикрлаш қобилиятини ривожлантиришга хизмат қилади. Улар субъектларга ақлий ҳаракатларни ўзлаштиришга ёрдам беради, шунингдек, анализ, синтез, таққослаш, солиштириш, умумлаштириш муҳимини ажратиш, мустақил равишда хулосаларга келиш ва амалий қарорларни қабул қилиш кўникмаларини ривожлантиради.

Саволлар интеллектуал кўникмалар ва ақлий фаолиятни машқ қилдириш учун хизмат қилади, лекин етарлича билимлари мавжуд бўлганида, тушунчаларни шакллантиришга ҳам имкон беради. Ўқув топшириқларни ўқитиш, ижодий ва изланиш даражаларга ажратиш анъанага айланган. Аммо ижодий ёки изланиш топшириқларини бажариш ўқитиш ҳодисаси моҳиятини ифодаламайди. Бироқ бу ҳолат ўқув топшириқлардан талабаларни ривожлантириш учун фойдаланиш мумкин дегани эмас.

Қуйида педагогик ҳамда техник-технологик муаммоли вазиятли топшириқларнинг функционал фарқларини таҳлил қилиб чиқамиз:

1. Педагогик ҳамда техник-технологик муаммоли вазиятли топшириқлар ўрганилаётган ҳодиса ва жараёни янада чуқурроқ тушуниш ва мавжуд билимларни мустаҳкамлашга мўлжалланган. Улар педагогларга билимларни ўзлаштириш жараёнини назорат қилиш имконини беради, айти ўринда ташҳис (диагностика) қилиш вазифасини ҳам бажаради. Шу боис улардан талабаларнинг ўз-ўзини диагностика қилиш мақсадида фойдаланиш мумкин. Ўқитиш топшириқлари ўз навбатида миқдор ва сифат топшириқларга бўлинади.

2. Ижодий топшириқлар. Агарда ўқув топшириғини бажариш натижасида объектив ёки субъектив янгилик моҳиятини ёритувчи тушунча юзага келса, бундай топшириқни ижодий деб ҳисоблаш мумкин. Уларни ҳал этишда мавжуд билимлар, фикрлаш малакаси ва кўникмаларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

3. Изланишга ундовчи топшириқлар. Улар автономлик хусусиятга эга максимал мустақилликка эга, аввал ўзлаштирилган тушунча ва ақлий ҳаракатлардан ностандарт вазиятларда фойдалана олиш қобилиятига эга бўлишни тақозо этади. Изланиш топшириқларини бажаришда янги тушунчалар юзага келмайди, бироқ уларни бажаришда мавжуд билимларни янги вазиятларда қўллаш малакасига эга бўлиш талаб этилади.

4. Башорат қилишга асосланган топшириқлар. Уларни ечишда бир ёки бир неча кўрсаткичларнинг ўзгаришига кўра бошланғич маълумотларнинг ўзгариши билан боғлиқ муаммолар қўйилади. Бундай топшириқлар мураккаб бўлиб, улардан талабалар етарлича фикрлаш малака ва кўникмаларига эга, шунингдек, асосий тушунчалар билан таниш бўлсаларгина фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Башорат қилишга асосланган топшириқларни бажариш натижаларини таҳлил қилиш мустақил ишга тайёрлиги ҳақида фикр юритиш имконини беради.

5. Ташҳис қилишга қаратилган топшириқлар ўрганилаётган ҳодиса ва жараёнларнинг умумий сабаб ва оқибатларини аниқлаш маҳоратини ривожлантириш учун хизмат қилади.

Қуйида ижодий изланиш ва ташҳисли топшириқлар куриш технологиясига нисбатан қўйилувчи дидактик талабларни ифода этамиз:

–ўқув топшириқларини тузишда, мураккаблик даражасининг оддийдан мураккабга қараб ўсиб бориши изчиллик тамойилига амал қилиши керак;

–тушунчалар ва амалга ошириладиган ҳаракатларнинг мураккаблиги мавжуд билимлар даражасига мос бўлиши зарур;

–ўқув топшириқларинг талабалар томонидан ўрганилаётган ҳодиса ва жараёнлар ўртасидаги функционал боғлиқликни тушуна олишга имкон

бериши ва уларни бошқа ҳодиса ва объектлар билан боғлиқликда тасвирлаш зарур;

–топшириқлар ўзлаштирилган материалларни тушуниш ва уларни янги шароитларда тезлик билан қўллашга ўргатишга ёрдам беради.

Талабалар педагогик ҳамда техник-технологик муаммоли вазиятли топшириқлар ёрдамида педагогик ҳодисалар, техник объектлар, технологик жараёнлар ўртасидаги турли хусусият ва боғлиқликларини аниқлайдилар (таҳлил ва умумлаштириш кўринишидаги ҳаракатларни амалга оширадилар), уларни ўзаро солиштирадилар, таққослайдилар, бу ҳодиса, жараён ва объектларнинг умумийлиги, типиклиги ва ўзига хос муҳим хусусиятларини кўрсатадилар. Ўқув топшириқлари аста-секин мураккаблаштириб борилади. Энг яхши тайёргарликка эга бўлган иқтидорли талабалар ижодий ва изланиш хусусиятига эга бўлган мураккаб топшириқларни бажарадилар. Камроқ тайёргарликка эга бўлган талабалар, соддароқ топшириқларни бажарадилар, лекин шунга қарамасдан, топшириқлар устида ишлаш уларга умумий масалани ҳал этишда гуруҳ билан бирга ишлашга имкон беради. Мураккаб топшириқларни бажариш баъзи талабаларга педагогик-психологик ва техник-технологик тушунчаларини илмий даражада дарҳол ўзлаштириш имконини беради.

Ҳозирги кунда таълим жараёнида интерактив методлар, инновацион технологиялар, педагогик ва ахборат технологияларини ўқув жарайнида қўллашга бўлган қизиқиш, эътибор кундан-кунга кучайиб бормоқда, бундай бўлишнинг сабабларидан бири, шу вақитгача анъанавий таълимда ўқувчи-талабаларни фақат тайёр билимларни эгаллашга ўргатилган бўлса, замонавий технологиялар улар эгаллаган билимларини ўзлари қидириб топишларига, мустақил ўрганиб, таҳлил қилишларига, ҳатто хулосаларни ҳам ўзлари келтириб чиқаришларига ўргатади. Ўқитувчи бу жараёнда шахсни ривожланиши, шакилланиши, билим олиши ва тарбияланишига шароит яратади ва шу билан бир қаторда бошқарувчилик, йўналтирувчилик

функциясини бажаради. Таълим жараёнида ўқувчи-талаба асосий фигурага айланади.

Шунинг уяун олий таълим муассасаларива факультетларида малакали касб эгаларини тайёрлашда замонавий ўқитиш методлари-интерактив методлар, инновацион технологияларнинг ўрни ва роли бениҳоя каттадир. Педагогик технология ва педагог маҳоратига оид билим, тажриба ва интерактив методлар талабаларни билимли, етук малакага эга бўлишларини таъминлайди.

Мустақил иш –1) ўқувчилар фаолияти сезиларли даражада мустақил, устага боғли бўлмаган тавсифга эга бўлгандаги ишлаб чиқариш таълими даврига хос бўлган машқлар. Бунда асосий мақсад ўқувчиларга касбий мустақилликни шакллантириш ҳисобланади; 2) назарий ўқитишни ташкил қилиш шакли, унинг моҳияти мустақил билиш фаолиятидан иборатдир. Ўқувчиларни фаол мустақил ўқиш ишига тайёрлашнинг муҳим воситаларидан бири ҳисобланади; ҳам дарс вақтида, ҳам дарсдан ташқари вақтда амалга оширилади. Касбий мактабларда дарсдан ташқари мустақил ишларнинг қуйидаги шакллари кенг ўрин эгаллайди : ўқув ва маълумотнома адабиётлари билан ишлаш; фан туркумлари бўёича машқлар бажариш; топшириқларни танлов асосида бажариш; лабораторияларда янги техника ва технологияларни ўрганиш.

ИННОВАЦИЯ (инглизча innovation) - янгилик киритиш, янгиликдир.

Инновацион технологиялар педагогик жараён ҳамда ўқитувчи ва талаба фаолиятига янгилик, ўзгаришлар киритиш бўлиб, уни амалга оширишда асосан интерактив методлардан тўлиқ фойдаланилади. Интерактив методлар – бу жамоа бўлиб фикрлаш, ўзаро ҳаракат қилмоқ деб юритилади, яъни педагог таъсир этиш усуллари бўлиб таълим мазмунининг таркибий қисми ҳисобланади. Бу методларнинг узига хослиги шундаки, улар фақат педагог ва ўқувчи талабаларнинг биргаликда фаолият кўрсатиши орқали амалга оширилади.

Бундай педагогик ҳамкорлик жараёни ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, уларга қуйдагилар киради:

- ўқувчи талабанинг дарс давомида бефарқ бўлмаслиги, мустақил фикрлаш, ижод этиш ва изланишга мажбур этиши;

- талабаларни ўқув жараёнида билимга бўлган қизиқишларини доимий равишда бўлишини таъминлаши;

- талабанинг билимга бўлган қизиқишини мустақил равишда ҳар бир масалага ижодий ёндошган ҳолда кучайтириш;

- педагог ва ўқувчи талабанинг хамиша ҳамкорликдаги фаолиятларини такомиллаштириш.

Технология (юн.-санъат, маҳорат ва logos –таълимот)-маҳсулотлар тайёрлаш, материалларга ишлов бериш ва қайта ишлаш, тайёр буюмларни йиғиш, сифат, бошқаришни назорат қилиш жараёнида модалар, энергиялар, ахборотларни қайта ўзгартириш усули. Технология ўзида операциялар ва тартибларнинг усуллари, йўсинлари, ишлаш тартиби, тадрижийлигини мужассамлайди, у қўлланаётган воситалар, ускуналар, асбоблар, ишлатилаётган материаллар билан жипс боғли. Технологик операцияларнинг мажмуи т е х н о л о г и я ж а р ё н и. Замонавий фан “технология” терминидан “ўқитиш, таълим жараёни, даволаш, бошқариш технологияси” каби бирикмаларда фойдаланади.

II БОБ. Меҳнат таълими ўқитувчиларини тайёрлашда мустақил ишнинг мазмуни, инновацион шакл, метод ва воситалари.

2.1 Меҳнат таълими ўқитувчиларини тайёрлашда мустақил ишнинг мазмуни.

Касбий мустақил иш жараёнини гуманитарлаштириш муҳимлигига ишонч ҳосил қилишнинг шарти, шарт-шароити, шакли, ахборот материали, воситаси, инсонпарварлик асосида амалга оширилиши, унга тайёргарлик. Мустақил иш таълимнинг тизимли таркибий қисми сифатида унинг хусусиятлари кўринишида янада чуқурроқ англанади.

Таълим - тизимлаштирилган билимлар, малака ва кўникмаларини ўзлаштириш жараёни ва натижаси, ҳаётга, меҳнатга, фаолиятга тайёрлашнинг муҳим омилидир.

Таълим ижтимоий-маданий ҳодиса ҳисобланади ва қуйидаги ижтимоий-маданий вазифаларни бажаради:

1. Таълим -бу инсонни фанлар ва маданият дунёсига кириши энг қулай ва интенсив (жадал, иқчил) усулларидан биридир

2. Таълим инсоннинг ижтимоийлашиши ва авлодларнинг кетма-кетлиги амалиётидир.

3. Таълим инсоннинг ижтимоий ва маънавий ҳаёти механизми ва оммавий маънавий ишлаб чиқариш соҳаси ҳисобланади.

4. Таълим- инсон фаолияти маданий- ифодаланган намуналарини тарқатиш жараёнидир.

5. Таълим регионал тизимларни ривожланишига ва миллий анъаналарни сақлаб қолишга ёрдам беради.

6. Таълим жамиятнинг асосий маданий қадриятлари ва ривожланиш мақсадлари етқақиладиган ҳаамда тадбиқ этиладиган ижтимоий институт ҳисобланади.

7. Таълим жамият ҳаётида ва алоҳида инсонда маданий ўзгаришлар ва қайта ташкил топишларни фаол теқлаштирувчиси сифатида иштирок этади.

Бу ерда қуйидагиларни таъкидлаш зарур: таълим - ўқувчининг маълум давлат таълим даражаларини - ижтимоий боғлиқ мақсадларни акс эттирувчи стандартларга эришишини тасдиқлаш билан амалга ошириладиган шахснинг, жамият, давлат манфаатларида мақсадга мувофиқ таълим ва тарбия жараёнидир.

Қуйидагиларни таъкидлаш ҳам муҳимдир: педагогик ўқув юртларида ўқувчиларнинг маълум қисми касбий таълим олади. Олий педагогик мактабларида ёшларнинг алоҳида ижтимоий категорияси ўқитилади, улар қуйидагилар билан фарқ қилади:

- Олий педагогик таълим институти билан ташкилий бирлаштирилган
- Юксак билим даражаси билан ижтимоий фаоллиги, интеллектуал ва махсус етуклиги мослиги билан фарқ қилади;
- Касбий йўналганлиги, танлаган касбига тайёрланишга ҳозирлиги билан;
- Фаолияти асосий турлари - касбий-ўқув, мустақил иш (ўқишдагига қўшимча), илмий-тадқиқотчилик.

Талабалар яна маълум ҳаётий тажрибаси, педагогик амалий фаолияти ва керакли касбий ўзини такомиллаштириши билан ҳам фарқ қиладилар.

Ўқув юртида билим олиш даври етуклик даври (кундузги бўлим талабалари учун - шахсий; бўлим талабалари учун - касбий). Шахсий сифатлари ташкил топиши даври билан (мақсадга интилувчанлик, қатъийлик, дадиллик, мустақиллик, ташаббускорлик; хулэи ижтимоий-маънавий сабаблари кучайиши; ахлоқий муаммоларга қизиқиши ортиши: ҳаёт мазмуни, бурч, масъулият ва бошқаларга) тўғри келади. Тўлақонли касбий-ижодий ҳаёт ва фаолиятга ишонч жонланади. Бўлажак ўқитувчи (бакалаврларни) идрок этиш қизиқишлари кенглиги, билимлилик айниқса, касбий соҳадаги билимлик қизиқтиради.

Талабаларни чуқур касбий мустақил ишга йўналтириш зарур, бунини ижтимоий аҳамияти билан асослаб, чуқур ва доимий касбий-педагогик қизиқишни шакллантириб. Уни ривожлантириш учун талаб даражасигача шароит яратиш керак.

Таълимнинг ҳоқирги замонавий тушунчасини шахсининг турли хил қобилиятларини шакллантириш, уларни амалга ошириш ва маҳсулдорлиги юксак даражаси деб тушуниш керак.

Бугунги кунда ҳар бир таълим олиш вазиятида шахсни ва индивидуалликни ривожлантирувчи ташкил этувчилари ҳамда унинг ўзини ривожлантириши учун шароитлар муҳим бўлиб қолмоқда.

Шундай қилиб, таълим жараёнида мустақил ишнинг устунлиги янада ортиб бормоқда. Шиор пайдо бўлади: "Эркин мустақил билим олишга

шахсга ҳамма ҳуқуқлар" (таълимнинг инсонпарварлаштирилиши, демократлаштирилиши ва табақалаштирилиши мазмуни ана шундадир).

Демак, талабаларнинг мустақил ишлари жараёнида мутахассиснинг шахсини тарбиялаш ва ҳар томонлама ривожлантириш керак, биринчи навбатда - интеллектуал, интеллектуал-ижодий, фикрлаш қобилиятларини ривожлантириш, ўқитувчи касбини танлашда ижтимоий бурчи хиссини тарбиялаш, касбий ўзини такомиллаштириш зарурлигини англаб етиши лозим..

Таълимни асосий муаммоларни ҳал этишга, шу жумладан ўқувчининг мустақил иш жараёнида ўзини ўрганиш ва касбий-шахсий қизиқишлари, талаблари ва эҳтиёжларини қониқтиришига йўналганлиги таълимни фақатгина такомиллашиши эмас, балки ижтимоий организм сифатида модернизациялаштирилиши ҳам гаровидир.

«Мустақил иш» - тушунчаси педагогик луғатларда - ўқув юртидан ташқари, мустақил ўрганиш туфайли эгалланадиган таълим туридир, деб таърифланган. Айни вақтда «Мустақил иш», «Ўзини тарбиялаш», «Мустақил ўқиш» тушунчаларидан синонимлар сифатида фойдаланилмоқда.

Бунда улар бажарган мустақил ишларнинг дидактик мақсади, шахсий ёки жамоага мўлжалланганлиги, ўзлаштириш усуллари, шаклига бажариш ўрнига қараб фарқланади. Талабаларда мустақил онгли фаолиятни шакллантириш таълим жараёнида муҳим омил ҳисобланади. Унинг назарий, амалий, илмий, методик ва педагогик асослари таҳлил қилинса ва мустақил ишнинг энг самарали шакллари, воситалари танланса, онгли мустақил иш фаолиятини шакллантиришда ижобий натижаларга эришиш мумкин. Бунда ўтиладиган мавзунинг амалиёт билан узвийлиги, илмийлиги ва материалларнинг қизиқарлилиги, мавзуларнинг тизимлилиги, топшириқ ҳамда вазифаларнинг кўп қирралилиги, ўзаро боғлиқлиги муҳим ўрин тутди. Аммо энг асосийси талабаларни мустақил онгли фаолиятини шакллантиришда уларнинг интилиш ва қизиқишларига эътибор қаратиб, талабалар эгаллаган билимларини амалиётда қўллай олишлари, уларни

ижтимоий фойдали, тарғибот–ташвиқот ишларида иштирок этишларини таъминлашдан иборат.

2.2 Мехнат таълими ўқитувчиларини тайёрлашда мустақил ишларни ташкил қилишнинг инновацион шакл, метод ва воситалари.

Маърузалар ва амалий машғулотларнинг мехнат таълими ўқитувчиларини касбий шакллантиришдаги дидактик имкониятларига эга эканлиги барчага маълум. Маъруза ва амалий машғулотларнинг кўпроқ педагогик онгнинг назарий даражасини ривожлантиришга йўналтирилганлиги аксарият ҳолларда кўпинча, талабаларнинг билимлари оғзаки хусусиятга эга бўлишига олиб келади. Мехнат таълими ўқитувчиларини касбий шакллантиришда мустақил иш жараёнини ташкил қилиш муҳим ўрин тутди.

Талабанинг мустақил иши унинг аудиторияда ва ундан ташқарида, ўқитувчи раҳбарлигида ёки ўқитувчи иштирокисиз амалга ошириладиган мустақил иш мажмуини англатади. Мустақил иш қандай шароитларда амалга оширилади:

1. Бевосита аудиторияда - маъруза амалий машғулот, семинар ёки лабора-тория ишлари бўйича вазифалар бериш жараёнида;

2. Ўқитувчи билан дарс жадвалидан ташқари пайтлардаги бевосита мулоқот чоғида маслаҳатлар беришда, ижодий мулоқотлар жараёнида, яқка топшириқ бажаришда ва бошқалар.

3. Ахборот ресурс марказида, уйда, талабалар уйларида, кафедраларда талаба томонидан ўқув ёки ижодий топшириқларни бажариш жараёнида.

Мустақил иш бўйича тест саволлари, топшириқлар ва машқлар устида ишлаш асосан мустақил бажарилади. Бу иш натижалари эса аудиторияда (амалий ва лаборатория) машғулотларида ўқитувчи раҳбарлигида таҳлил қилинади ва баҳоланади.

Интерактив методлар – бу жамоа бўлиб фикрлаш, ўзаро ҳаракат қилмоқ деб юритилади, яъни педагог таъсир этиш усуллари бўлиб таълим

мазмунининг таркибий қисми ҳисобланади. Бу методларнинг узига хослиги шундаки, улар фақат педагог ва ўқувчи талабаларнинг биргаликда фаолият кўрсатиши орқали амалга оширилади.

Бундай педагогик ҳамкорлик жараёни ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, уларга қуйдагилар киради:

- ўқувчи талабанинг дарс давомида бефарқ бўлмаслиги, мустақил фикрлаш, ижод этиш ва изланишга мажбур этиши;

- талабаларни ўқув жараёнида билимга бўлган қизиқишларини доимий равишда бўлишини таъминлаши;

- талабанинг билимга бўлган қизиқишини мустақил равишда ҳар бир масалага ижодий ёндошган ҳолда кучайтириш;

- педагог ва ўқувчи талабанинг хамиша ҳамкорликдаги фаолиятларини такомиллаштириш.

Мустақил иш технологияси ва мустақил иш сабаблари бир-бири билан боғлиқдир: аниқ натижага эриша олишига ишонмаслик талабани мустақил ишлашдан ҳар қандай бошқа сабаблардан кўра кўпроқ кўнглини совутади. Мустақил иш технологиясини яратиш бир неча алоҳида муаммоларни ҳал этишни кўзда туттади. Улар орасида мунтазам ишнинг мақсадини қўйиш муаммоси алоҳида ажралиб туради. Агарда таълим олиш умумий ривожланишни таъминлашга хизмат қилса, мустақил ишнинг мақсади эса - касбий шаклланиш ёки касбий малакасини ривожлантириш, ўстариш ҳисобланади.

Агар талабага кутилмаганда юқори даражадаги мустақилликни намоён этган ҳолда топшириқларни бажариш талаб этилса, у ҳолда талаба топшириқларни бажара олмаслиги мумкин, натижада ўз кучига бўлган ишончни йўқотади. Бундай ҳолат содир бўлмаслиги учун дастлаб топшириқларни шу таҳдидда бериш керакки, натижада субъект топшириқнинг бирор қисминигина мустақил бажарсин, сўнгра ўқитувчи билан биргаликда натижаларининг тўғрилигини таҳлил қилиб чиқсин.

Топширикларни бажариш жараёнида талабаларда сабабий- ташкилий (ўқув фаолиятани мустақил ташкил этишнинг қадриятли йўналишлари, билим, малака ва кўникмалари), мазмунли-процессуал (ўқув фаолиятининг моҳиятини билиш ва бу фаолият муваффақиятли бўлишини белгаловчи шахсий сифатларни ривожлантириш) ва текшириш-баҳолаш (мустақил ишда зарур саналган шахс сифатларни ўзи баҳолаш) каби кўникмаларнинг шаклланиши мустақил иш жараёнида мажмуавий равишда шаклланиб боради.

Мустақил ўқишни таҳлил қилиш (бу мустақил билим олиш эмас) юқори-да кўрсатилган таркибий қисмларнинг талаба томонидан тартибсиз, турлича ўзлаштирилишини кўрсатади. Улардан баъзилари (масалан, текшириш-баҳолаш) таълим муассасаларида деярли шакллантирилмайди.

Мустақил ишларга тайёргарликнинг ташкилий асослари педагогик-психологик, техник - технологик тушунчалар ҳисобланади. Педагогик-психологик ва техник-технологик тушунча (категория)лар сабабий ва текшириш-баҳолаш таркибий қисмларининг ривожланишига фаол таъсир кўрсатадилар. Демак, мустақил ишга тайерлаш жараёнида талабаларда назарий (тушунчали) фикрлаш қобилиятини ривожлантириш зарур.

Бундай тайёргарликни амалга ошириш бу барча муҳим боғлиқликлар билан тушунчалар кўринишида акс этирилган педагогик ва техник-технологик ишга ўргатаб бориш, яъни, маълум интеллектуал ҳаракатни амалга ошириш демакдир.

Таълим жараёнининг умумий моҳиятини ёритишда педагогик адабиётларда "ўқув топшириғи" тушунчаси билан бирга "масала" тушунчаси кенг берилган. Аксарият ҳолатларда масалани ҳал этиш мавжуд муаммонинг оғзаки ифодаси сифатида эътироф этилади. Масалада жавоби топилиши зарур бўлган шарт ва унга асосланган муаммоли савол берилади.

Юқорида ўқув масаласини мустақил ишнинг ташкилий шакли сифатида белгиладик. Шунга асосланиб, ўқув-педагогик масалалар тизимига қўйилувчи талабларни ифода этамиз.

Ўқув-педагогик масалалар тўплами бу маълум яхлитлик бўлиб, ўқитувчи фаолияти асосида ҳал этилувчи асосий вазифаларни акс эттиради.

Ўқув педагогик масалаларни еча билиш малакали шахснинг умумий ҳолати билан ифодаланувчи, унинг онги, фикрлаш усули, касбий нуктаи назари ва йўналишини кўрсатувчи умумкасбий малакадир. Шахснинг йўналганлиги аниқ воқелик сабабий-қадриятли муносабат мазмунида намоён бўлади. Педагогик ҳамда техник-технологик муаммоли вазиятли топшириқларни ҳал этиш асосида талаба бўлажак касбий фаолият муаммоларини ҳал этиш усуллари эгаллайди.

Педагогик ҳамда техник-технологик муаммоли вазиятли топшириқлар дидактикада мустақил иш даражасини оширувчи бошқарув, рағбатлантириш, ташкил эташ ва назорат воситалари сифатида қаралади.

Талабанинг ўқув фаолиятига нисбатан ўқитувчи томонидан муайян талабларнинг қўйилиши уларнинг мазмунини бойитади. Педагогик ҳамда техник-технологик муаммоли вазиятли топшириқларни берилиш шакли эса олдин ўзлаштирилган намуна бўйича хулосалар чиқаришни кўзда тутувчи бошқарув топшириқлари ва масалаларининг бажарилиши саналади.

Бизнинг фикримизча, педагогик ҳамда техник-технологик муаммоли вазиятли топшириқлар ва масалаларда автоном ҳолда мустақил ишлаш учун катга имкониятлар мавжуд¹.

Мустақил иш мавзулари.

V семестрдаги маърузалар.

1.Меҳнат таълими ўқитиш методикаси фани ва унинг вазифаси.

1.1.” Меҳнат таълими ўқитиш методикаси “фанинг мақсади ва вазифасини ёритувчи реферат тайёрланг.

1.2.ДТС да меҳнат таълимига оид маълумотларни ўрганинг.

1.3.Буюк мутафакурларнинг меҳнат таълими ва тарбияига оид фикрларини тўпланг.

1.4.„Таълим тўғрисида”ги қонун, „Кадрлар тайёрлаш миллий дастур”нинг мақсади ва вазифасини ўрганинг.

1.5. “Меҳнат таълими методикаси” фанининг мақсади ва вазифасини ёритувчи реферат тайёрланг.

¹ Муслимов Н.А., Қўйсинов О.А. “Касб таълими ўқитувчиларини тайёрлашда мустақил таълимни ташкил этиш”. Тошкент: Низомий номидаги ТДПУ, 2006 й. 7-бет

1.6. <http://www.istedod.uz/> ; <http://www.pedagog.uz/> Интернет сайтларини ўрганиш.

Фойдаланиладиган адабиётлар:

1. Д.А.Тхаржевский. "Меҳнат таълими методикаси". Тошкент. Ўқитувчи, 1987й.
2. К. Давлатов, А. Варабъёв, И. Каримов. "Меҳнат ва меҳнат таълиминазарияси ҳамда методикаси" Т-Ўқитувчи-1992й.
3. Умумий ўрта таълимнинг Давлат таълим стандарти ва ўқув дастури. 4-маҳсус сон. 1999й.
4. И.А. Каримов. Баркамол авлод-Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Тошкент-1998й.

2. Мактаб ўқув режасида меҳнат таълимининг қўйилиши. Унинг тарихий тараққиёти.

- 2.1. Меҳнат таълими дарслигини мактабдаги ўрнини аниқланг.
- 2.2. Меҳнат таълимни тарбиядаги ўрни нималардан иборатлигини аниқланг.
- 2.3. Мактаб ислоҳатида меҳнат таълими вазифалари ва уларга қўйиладиган ДТС талабларини ўрганинг.
- 2.4. Меҳнат таълими асосий йўналишларини аниқланг.

Фойдаланиладиган адабиётлар:

1. Д.А.Тхаржевский. Меҳнат таълими методикаси. Тошкент. Ўқитувчи, 1987й.
2. Давлатов К.Д ва б. Меҳнат ва касб таълими, тарбияси ҳамда касб танлаш назарияси ва методикаси. - Тошкент: Ўқитувчи, 1992й
3. Умумий ўрта таълимнинг Давлат таълим стандарти ва ўқув дастури. 4-маҳсус сон. 1999й.
4. Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълим стратегияси муаммолари ва таълим мазмунининг янги моделлари, уларни тадбиқ этиш йўллари.

3. Меҳнат таълимининг дидактик тамойиллари: Онглилик ва активлик.

- 3.1. Меҳнат таълимининг дидактик тамойиллари ва уларнинг таълимдаги ўрнини аниқланг.
- 3.2. Ёш ва индивидуал хусусиятини ҳисобга олишни ёритиб беринг.
- 3.3. Таълим-тарбия бирлиги мавзусида реферат тайёрланг.
- 3.4. Унумли меҳнат асосида ўқитишни ўзига хос хусусиятларини ўрганинг.

Фойдаланиладиган адабиётлар

1. Д.А.Тхаржевский. Меҳнат таълими методикаси. Тошкент. Ўқитувчи, 1987й
2. Давлатов К.Д ва б. Меҳнат ва касб таълими, тарбияси ҳамда касб танлаш назарияси ва методикаси. - Тошкент: Ўқитувчи, 1992й.
3. Давлатов К. Меҳнат ва меҳнат таълими тарбиясидан амалий машғулотлар. - Т.: Ўқитувчи. 1995
4. Қ.Олимов "Меҳнат таълими услубияти"

4. Меҳнат таълимининг ўқитиш шакллари.

- 4.1. Меҳнат таълимида амалий ва назарий ўқитишни таҳлил қилинг.

4.2.Мехнат таълимида кўпроқ самара берадиган ўқитиш шокилларини аниқланг.

4.3.Мехнат таълимини ўқитиш шакилларида яқка,звено,франтал шакилларини ўрганинг.

4.4.Мехнат таълимида экскурсиянинг ўрни ва аҳамиятин ҳақида реферат тайёрланг.

Фойдаланиладиган адабиётлар

1. Д.А.Тхоржевский.Мехнат таълими методикаси.Тошкент.Ўқувчи,1987й

2.Давлатов К.Д ва б.Мехнат ва касб таълими,тарбияси ҳамда касб танлаш назарияси ва методикаси.-Тошкент:Ўқувчи,1992й.

4.Қ.Олимов “Мехнат таълимиуслубияти”

Дарс мавзуси: “Тикув машиналарига қаров” фанидан “Тикув машиналари турлари” мавзусига 2 соатлик дарс ишланма

Мавзу: Тикув машиналари турлари

Дарс мақсади:

а) Таълимий: Талабаларга “Тикув машиналари турлари ва уни қўлланилиш соҳалари ҳақида тўлиқроқ маълумот бериш.

б) Тарбиявий: Тикув машиналарининг ҳаётдаги роли ва аҳамияти.

в) Ривожлантирувчи: Талабаларни “Тикув машиналари” тўғрисидаги билим, кўникма ва малакаларини шакллантириш, ўқитувчилик қобилиятини шакллантиришга оид тушунчалар ҳамда уларни илмий изланишга йўналтириш.

Дарс тури: аралаш.

Дарс методлари: Блум таксономияси асосида Кластер методи.

Дарснинг жиҳозланиши: Тарқатма материаллар, “Тикув машиналари” акс эттирилган плакатлар, мавзуга оид адабиётлар ва ўқув методик қўлланмалар.

Фанлараро боғланиш: Физика, Чизмачилик, Материаллар қаршилиги, Математика, Мехнат таълимиметодикаси, касб танлашга йўллаш, педагогик технология, психология.

Техник воситалар: Кодоскоп, слайдлар.

Тарқатма материаллар: Блум таксономиясига «Кластер» методи асосидаги ишланмалар.

Машғулотнинг бориш тартиби:

1. Ташкилий қисм

- а) Саломлашиш;
- б) Давоматни аниқлаш;
- в) Навбатчи тайинлаш;

2. Асосий қисм

- а) “Тикув машиналари турлари” ҳақида умумий тушунча;
- б) Ривожланиш босқичлари;
- в) Уларнинг ҳаётдаги ўрни ва аҳамияти.

3. Яқуний қисм

- а) Баҳолаш б) Рағбатлантириш.

Баҳолаш мезони - балли тизим. (100-86)

Билиш – 100-93 балл. тушуниш – 92-86 балл, қўллаш – 85-78 балл, таҳлил – 77-71 балл, синтез – 70-63 балл, баҳолаш – 62-55 балл.

Дарснинг бориши

Ташкилий қисм (5 дақиқа). Дарсга ўқитувчи кириб келади ва талабалар билан саломлашиб, хона тозалигини текшириб бўлгач, давоматни аниқлаб, навбатчи тайинлайди.

1. Асосий қисм (60 дақиқа).

2.1 Биринчи босқич (30 дақиқа).

- а) Талабаларга “Тикув машиналари турлари” мавзуси маъруза шаклида умумий тушунча ва билимлар билан аудиторияга тушунтирилади.
- б) Савол-жавоб ўтказилади.
- в) Савол-жавоб тугаганадан сўнг ўқитувчи ўзига талабаларнинг билими қай даражада эканлиги ҳақида қисқача маълумотга эга бўлади. Бу дарсни қандай ўтишга ёрдам беради. Юқорида талабалар билдирган фикр мулоҳазалари ўқитувчи маърузаси асосида барчаси жамланиб, талабалар иштирокида ягона тўғри хулосага келинади.

2.2 Иккинчи босқич (30 дақиқа).

Талабалар 6 гуруҳга бўлиб олинади. Хар бир бўлинган гуруҳ ўзаро ўз етакчиларини тайинлаб олишади. Гуруҳларга «Билиш», «Тушуниш», «Қўллаш», «Таҳлил», «Синтез», «Баҳолаш» каби иборалар ёзилган конвертлар тарқатилади. Хар бир гуруҳ кўрсатилган параметрлар асосида мавзунини камраб олган сўзларни ёзиб чиқишади.

Вазифа:

Конвертдаги берилган ибораларни камраб олувчи мавзу юзасидаги сўзлар, уларнинг қўлланилиш соҳаларини берилган ибора ёнига ёзиб чиқиш вазифаси юклатилади. Бу метод орқали маъруза талабаларга қандай етказилганлик даражаси аниқланади.

Вазифа бажарилгандан сўнг гуруҳ етакчилари берилган ибора учун ёзилган мазмунларни доскага чиқиб ҳимоя қиладилар.

Талабалар жавоблари умумлаштирилади.

Натижанинг афзалликлари ва камчиликлари ҳақида ўзаро мунозарага киришишади.

Натижаларга танқидий, қарши фикрлар бериш асосида материални ўрганишда ўз-ўзини назорат қилиш малакаси шакллантирилади. Асосли, исботланган ва такомиллаштиришга қаратилган фикр ва мулоҳазалар ўқитувчи томонидан белгилаб борилади.

3. Якуний қисм (10 дақиқа).

а) Хар бир гуруҳ етакчиси ўз гуруҳидаги талабани иштирокига қараб гуруҳ билан маслаҳатлашган ҳолда баҳолайди. Бунда талабаларнинг билдирган фикрлари қай даражада тўғрилигига эътибор берилади.

б) Гуруҳларнинг натижалари асосида энг яхши гуруҳ ва фаол талабалар номи эълон қилинади.

Билиш : Тикув машиналарининг турлари, моделлари, ҳақида маълумот.

Тушуниш: Тикув машина моделлари турларининг ўзаро имкониятлари фарқи ҳақида маълумот

Қўллаш: Кийим тикишда қайси тур машинадан фойдаланиш ҳақида маълумот

Таҳлил: Тикув машина деталларининг умумий тузилиши ҳақида маълумот

Синтез: Тикув машинаис деталларининг (гайка, болът) ишлаш принципи ҳақида маълумот

Баҳолаш : Тикув машина турлари, моделларининг бир-биридан устун ва камчиликларига баҳо бера олади.

Ўқув мақсадларининг асосий тоифалари

1.БИЛИШ

Бу тоифа ўтилган материални эслаб қолиш ва такроран сўзлаб (кўрсатиб) беришни англатади. Мазмуни турлича аниқ далиллардан бошлаб, то яхлит назарияларгача бўлиши мумкин. Бу тоифанинг умумий белгиси тегишли маълумотларни эслаб қолишдир.

2.ТУШУНИШ

Қуйидагилар ўтилган материал аҳамиятини тушуниш қобилиятининг кўрсаткичлари бўлиш мумкин: материални бир шаклдан иккинчи шаклга ўзгартириш, бир «тил»дан иккинчи «тил»га айлантириш (масалан оғзаки шаклдан математик шаклга). Шунингдек, талаба томонидан материални тушунтириб берилиши ва қисқача талқин қилиниши (интерпритация) ёки ҳодиса ва воқеаларнинг бундан кейинги боришини тасаввур этиши (оқибати ва натижасини олдиндан айтиб бериши) ҳам

Ўқув мақсадлари турларидан намуналар

Қўлланиладиган ибораларни билади, аниқ далилларни билади, иш-ҳаракат тартиби усулларини билади, асосий тушунчаларни билади, қоида ва тамойилларни билади.

Далиллар, қоида ва тамойилларни тушунади, оғзаки материални талқин қила олади, схема, диаграмма, графикларни талқин қила олади, оғзаки материални математик шаклда ифодалай олади, мавжуд маълумотлар асосида кутилаётган оқибат-натижани тахминан тасаввур эта олади.

тушуниш кўрсатгичлари бўлади.

3.ҚЎЛЛАШ

Бу тоифа ўзлаштирилган материалнинг аниқ шароитлари ва янги вазиятларда фойдалана билишни англатади. Бунга қоидалар, услублар, тушунчалар, қонунлар, тамоиллар ва назарияларни амалда қўллай олиш киради. Бу тоифа материални тушунишга нисбатан анча юқори даражада эгаллашни талаб қилади.

4.ТАҲЛИЛ

Бу тоифа материални алоҳида қисмларга ажрата олишни билишни англатади. Бунда унинг таркибий тузилиши аниқ кўриниб туриши керак. Бунга яхлитликни қисмларга ажратиш, улар ўртасидаги ўзаро алоқадорликни аниқлаш, яхлитликнинг ташкил этилиш тамойилларини англаш киради. Бу тоифа ўқув натижаларини тушуниш ва қўллашга нисбатан анчагина юқори даражада эканлиги билан характерланади.

5.СИНТЕЗ

Бу тоифа ўзида янгиликни акс эттирган, яхлитликни вужудга келтириш учун алоҳида қисмлар комбинациясини тузишни англатади. Бундай янги махсулот доклад, нутқ, фаолият режаси ёки умумлаштирилган алоқалар мажмуи (мавжуд маълумотларни тартибга тушириш схемаси) бўлиши мумкин. Унга мос ўқув натижалари янги схема ва таркибий тузилишлар яратишни ўз ичига олган ҳамда иждий характерга эга бўлган фаолиятни назарда тутати.

Тушунча ва тамойилларни янги вазиятларда қўллайди, қонун, назарияларни аниқ Амалий вазиятларда қўллайди, услуб ёки иш-харакат тартибини қўллай олишини намойиш қилади.

Яширин (ноаниқ) тахминларни ифодалайди, фикрлаш мантиғидаги хато ва камчиликларни кўра олади, далиллар ва сабаблар ўртасидаги тафовутларни аниқлайди, боғланишларни таҳлил қила олади.

Материалнинг мантиқий тузилишини ёзма матн шаклида, хулосаларни берилган катталикларга мослигини баҳолайди, ички мезонлардан келиб чиққан ҳолда, иншо ёзади, тажриба ўтказиш режасини тузишда бошқа (фан)ларга оид билимлардан фойдаланади.

6. БАҲОЛАШ

Материалнинг мантиқий

Бу тоифа у ёки бу материал (қонун, бадиий асар, тузилишини ёзма матн изланиш натижалари)нинг аҳамиятига аниқ шаклида баҳолайди, мақсад нуқтаи назаридан баҳо беришни хулосаларни берилган англатади. Талаба мулоҳазаларининг мезони катталикларга мослигини ички (таркибий, мантиқий) ёки ташқи баҳолайди, ички мезонлардан (белгиланган мақсадга мувофиқ) бўлиши келиб чиққан ҳолда, у ёки бу мумкин. Бу мезонлар талаба ёки ўқитувчи фаолият аҳамиятига баҳо томонидан белгиланиши мумкин. Бу тоифа беради, ташқи мезонлардан олдинги (5 та) ўқув мақсадларининг барчасини келиб чиққан ҳолда у ёки бу эгалланишини ва уларга белгиланган мезонлар фаолият аҳамиятига баҳо асосида баҳо бера олишни назарда тутуди. беради (муносабатини билдиради).

Гуруҳларга бўлиш жараёнида талабаларнинг билим даражасига эътибор қаратиш керак, яъни талабаларни табақалаштириб, гуруҳларга ажратиш ва уларга мураккаблик даражаси турлича бўлган бир мавзу юзасидан топширик берилиши керак. Топширик натижалари доскада намойиш этилган ҳолда эълон қилинсада, талабаларнинг барчаси мавзунинг мураккаблик даражасидан қатъий назар, мавзу юзасидан билимларга эга бўладилар. Бундай тарзда дарс олиб бориш жараёнида гуруҳдаги барча талабалар иштироки таъминланади ва шу билан уларнинг ҳар бири баҳоланади. Баҳолаш мезонлари топшириқларни қай даражада бажарганликларига қараб, «5», «4», «3», «2» ёки «аъло», «яхши», «қониқарли», «ёмон» кўрсаткичлар асосида баҳоланади. Ҳозирда талабаларнинг билимларини 100 балли рейтинг тизими асосида ҳам баҳолаш мумкин. Талабаларнинг билими баҳолаш даражалари қуйидаги жадвалда берилган.

**Талабаларнинг билими ва мустақил ишлаш малакаларининг
шаклланганлигини баҳолаш мезонлари.**

Балл	Баҳо	Талабанинг билими ва мустақил ишлаш малакаси
100-93	аъло «5»	Қўлланиладиган ибораларни билади, аниқ далилларни билади, иш-ҳаракат тартиби усулларини билади, асосий тушунчаларни билади, қоида ва тамойилларни билади.
92-86	ярим аъло «5-»	Далиллар, қоида ва тамойилларни тушунади, оғзаки материални талқин қила олади, схема, диаграмма, графикларни талқин қила олади, оғзаки материални математик шаклда ифодалай олади, мавжуд маълумотлар асосида кутилаётган оқибат-натижани тахминан тасаввур эта олади.
85-78	яхши «4»	Тушунча ва тамойилларни янги вазиятларда қўллайди, қонун, назарияларни аниқ Амалий вазиятларда қўллайди, услуб ёки иш-ҳаракат тартибини қўллай олишини намойиш қилади.
77-71	ярим яхши «4-»	Яширин (ноаниқ) тахминларни ифодалайди, фикрлаш мантиғидаги хато ва камчиликларни кўра олади, далиллар ва сабаблар ўртасидаги тафовутларни аниқлайди, боғланишларни таҳлил қила олади.
70-63	қониқарли «3»	Материалнинг мантиқий тузилишини ёзма матн шаклида, хулосаларни берилган катталикларга мослигини баҳолайди, ички мезонлардан келиб чиққан ҳолда, иншо ёзади, тажриба ўтказиш режасини тузишда бошқа (фан)ларга оид билимлардан фойдаланади.
62-55	ярим қониқарли	Материалнинг мантиқий тузилишини ёзма матн шаклида баҳолайди, хулосаларни берилган

«3-» катталикларга мослигини баҳолайди, ички мезонлардан келиб чиққан ҳолда, у ёки бу фаолият аҳамиятига баҳо беради, ташқи мезонлардан келиб чиққан ҳолда у ёки бу фаолият аҳамиятига баҳо беради (муносабатини билдиради).

Таксономия (юнон taxis-тартиб бўйича жойлашиш ва номос-қонун) – одатда, поғонали қурилишга эга уларнинг табиий ўзаро боғлиқлиги асосида тузилган ва ортиб боровчи мураккаблик бўйича тадрижий жойлашган категориялар объектларини ифодалаш учун фойдаланиладиган ҳаётнинг мураккаб ташкиллаштирилган соҳаларини таснифлаш ва тизимлаштириш назарияси.

Мустақил иш ташкил этиш шакллари таълим жараёнининг ҳар бир босқичида намоён бўлсада, меҳнат таълими йўналишидаги талабаларнинг аудиториядаги ва аудиториядан ташқаридаги мустақил ишларни ташкил қилишнинг жараёнларидаги инновацион шаклларини илмий асослашга ҳаракат қилдик.

а) аудиторияда ташкил этиладиган мустақил ишни шакллари:

- 1а-шакл - маъруза тинглаш ва баён этилганларни дафтарга қайд этиш;
- 2а-шакл - амалий ва лаборатория ишларни бажариш;
- 3а-шакл - чизмалар ва схемаларни ўқиш, тузишни ўрганиш;
- 4а-шакл - техник моделлаштириш ва лойихалаш.

в) аудиториядан ташқарида ташкил этиладиган мустақил иш шакллари:

- 1в-шакл - ўқув адабиётлари билан ишлаш;
- 2в-шакл - назорат ишларига тайёрланиш;
- 3в-шакл - маъруза тайёрлаш;
- 4в-шакл - масофали таълим технологияси.

а) аудиторияда ташкил этиладиган мустақил ишнинг шакллари

1а-шакл - маъруза тинглаш ва баён этилганларни дафтарга қайд этиш – Меҳнат таълимифанларидан маърузани тинглаш, уни дафтарда қайд этиш

жараёнида маъруза манбалари варақнинг бир тарафига, иккинчи тарафига жой қолдирилган ҳолда ёзилади.

Иккинчи тарафига эса талаба томонидан чиқарилган хулосалар, техник ечимлар, мулоҳазалар, уларда пайдо бўлган саволлар, саволларга жавоб вариантлари, фактлар ва ҳар хил белгилар қўйишни тавсия этилади. Бу мақсадда баъзан кенг хошиялар қолдирилади.

Талабалар маърузани тўлиқ ва батафсил ёзишлари шарт эмас. Ўз навбатида, кўпчилик ўқитувчилар ўқув адабиётларида берилгандан фарқ қилувчи асосий ҳолатлар, хулоса, меъёрлар ҳамда мезонлар, технологик жараёнлар, техник объектлар, амалий иш бажариш йўриқномалари, аксиома, қоида, концепция, ҳолат ва ҳоказоларни ёздириб боришади.

Кириш маърузаларини тинглаш даврида дафтардаги атайин бўш қолдирилган жой-хошияларни уларда қизиқиш уйғотган саволлар, технологик жараёнлар ва техник объектларни, савол-жавоб вариантларини ёзиб олиш, ўйлаётган фикрларни изоҳ этиш, ўқитувчи-талабалар ўртасида суҳбат ҳамда диалоглар, мулоҳазалар «минбарига» айлантириш керак.

Талабалар маъруза тинглашдан олдин унга тайёргарлик кўришлари лозим. Бунда умумий ўқув режа билан танишиб, олдинги дарслардаги маъруза қайдларини кўздан кечириш, манбаларни фикран такрорлаш учун ўзларини психологик тайёрлашлари керак бўлади.

Маъруза тинглаш – интеллектуал фаолиятнинг мураккаб туридир. Унинг муваффақияти биринчидан, умумий «тинглай олиш» билан, иккинчидан, дафтарга ёзиб бориш билан бир вақтда материални ўзлаштириб бориш билан боғлиқдир. Маърузани ёзиб олиш – ундаги асосий жиҳатларга эътибор қаратишга, маъруза жараёнида эшитилган маълумотларни ўйлаб кўришга, ўқитувчи томонидан изоҳланаётган материал кетма-кетлигини мантиқий нуқтаи-назардан тушунишга ёрдам беради.

Бундай усул, айниқса, ўқув йили бошларида талабаларга бироз қийинлик қилиши ва шу сабабли қуйидаги хатоликларга йўл қўйишлари мумкин: баъзи талабалар маърузани сўзма-сўз ёзиб олишга ҳаракат қилади, баъзилари дуч

келган жойдан ёзиб кетаверади ва ҳоказо. Бундай хатоларга йўл қўймаслик учун қуйидаги бир неча қоидалардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир:

1) мавзу, мақсад, маъруза режаси, фойдаланилган адабиётлар берилгандан кейин уларнинг қандай изоҳ этилиши, кетма-кетлиги, қандай ифода этилиши, мулоҳазаларнинг мазмун моҳиятини назардан қочирмаслик керак.

2) асосий маълумотларни, мустақил кўриб чиқиш учун ўқитувчи томонидан берилган саволларни ёзиб олиш керак.

3) ёзувларнинг аниқ бўлишига уларнинг кетма-кетлигига, мавзу, параграф саволларини ажратиб ёзишга ҳаракат қилиш керак. (Унда тагига чизиш усулидан, белгилаш, яъни ҳарфлар ва рақамлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир).

Мустақил ўрганишда маърузани умумлаштирувчи турли хилдаги вазифаларни бажариш асосий ўринни эгаллайди. Масалан: мавзуга доир режа ёки тезис тузиш, технологик жараёнларни лойиҳалаш, техник объектларни танлаш, саволларга жавоб бериш, тестлар ишлаб чиқиш, реферат ёзиш мумкин ва шу кабилар.

2а – шакл - Амалий ва лаборатория ишларини бажариш; Амалий машғулотлар талабада техник билимни мустаҳкамлашга, уларни янги вазиятга кўчириб, амалий масала ҳамда вазиятларни ҳал қилиш учун умум-педагогик тушунчалар ва асосий педагогик малакаларни ривожлантиришга қаратилган.

Амалий машғулотларни ўтказишда қуйидаги методлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир:

- технологик топшириқларни бажариш;
- педагогик-технологик вазиятлар ишлаб чиқиш;
- умумлаштирувчи техник-схемаларни моделлаштириш;
- керакли маълумотларни топиш;
- мустақил (қўшимча) билим олиш.

Лаборатория машғулотларининг асосий тавсифи шундаки, унда талабалар мустақил равишда вазифа бажарадилар ёки тажриба ўтказадилар.

1 - жадвал. Технологик машқлар бажариш жараёнида ўқитувчи ва талаба фаолияти ҳамда зарур воситалар.

Ўқитувчи фаолияти	Воситалар	Талаба фаолияти	Воситалар
Технологик машқ бажариш тартибини кўрсатиб бериш, тушунтириш, савол-жавоб, раҳбарлик, назорат	Масалалар Технологик топшириқлар Тестлар Асбоблар Станоклар Жиҳозлар Материаллар Компьютер Уйга вазифа	Кузатиш, тушуниш, технологик машқ бажариш, такрорлаш, ўзлаштириш, сўзлаш, савол-жавоб, ёзиш, чизиш, ҳисоблаш, ҳаракатларни бажариш, қуриш ясаш, уй вазифасини бажариш, фикрлаш ва бошқалар.	Диққат Тафаккур Хотира Асбоблар Материаллар Машқ дафтари ва бошқалар.

3а - шакл - Чизмалар, схемаларни ўқиш ва тузиш - Мехнат таълимий ўналишида умумкасбий ва ихтисослик фанлари техникавий асосларга эга бўлганлиги сабабли чизмаларни ўқиш, схемалар тузиш муҳим аҳамият касб этади. Талабаларга чизмаларни ўқиш ва тузишни ўргатиш учун уларга график билим элементлари билан таништириш, чизмаларни ўқиш малакаларини беришдан бошланади. Машғулотларда техник хужжатлар сифатида техник расмлар, эскизлар ва иш чизмаларидан фойдаланилади.

4а – шакл - Техник моделлаштириш ва лойиҳалаш - Мехнат таълими факультетларида техник моделлаш ва лойиҳалаш каби иш фаолиятлари билан кўпинча ўқув устахоналаридан фойдаланилади. Бу устахоналарда мехнат таълимимашғулотларининг ҳар хил ташкилий шакл ва

методларидан фойдаланиш; техник маълумотлар бериш; тадқиқотчилик ва амалий фаолият малака, кўникмаларни шакллантириш ишларини амалга ошириш; техник билимларни, меҳнат усулларини, бажарилган ишлар сифатини назорат қилиш; эстетик дид ва меҳнат маданияти кўникмаларини, мустақил ишлаш қобилиятини шакллантириш; конструкторлик-технологик таснифдаги ижодий масалаларни ҳал қилиш, юксак даражадаги меҳнат интизомига ва меҳнат муҳофазаси талабларига риоя этиш учун маълум шарт-шароитлар яратилган бўлиши лозим.

в) аудиториядан ташқарида ташкил этиладиган мустақил иш шакллари:

1в - шакл – Ўқув адабиётлари билан ишлаш - аудиториядан ташқарида ўқув адабиёти билан ишлаш мустақил ишнинг энг асосий шакллари билан бири ҳисобланади. Ўқув адабиёти билан ишлаш жуда осон ва қулай усул ҳисобланади. Ўқув адабиётлари билан ишлашни барча таълим олувчилар яхши ўзлаштирган бўлишлари лозим. Ўқув адабиётлари деганда, дарсликлар, ўқув қўлланмалар, техник адабиётлар, маълумотлар йўриқномалар ва ҳоказоларни тушуниш мумкин.

Ҳақиқатдан ҳам дарс жараёнида дарслик, ўқув қўлланмалар, техник адабиётлар бўйича материални мустақил равишда ўрганиш бўйича вақти-вақти билан топшириқлар бериб турилса, бу албатта талабаларда ўқув адабиёти билан ишлаш малакаси ва кўникмаларини ривожлантиришга хизмат қилади. Талабаларга ҳаддан ташқари кўп ҳажмда дарслик билан мустақил ишлаш уйга вазифа сифатида юклатилса, ортиқча зўриқишга олиб келади. Бу талабаларда фанга бўлган қизиқишни камайтиради. Шунинг учун ўқитувчи томонидан ўқитишнинг дарсликлар ва бошқа ўқув адабиётлари билан ишлаш ҳамда таништириш, мустақил ишлаш малакасини ва кўникмаларини шакллантириш ишларини ҳамма босқичларида, яъни янги мавзунини тушунтиришда, билимларни оширишда, уй топшириқларининг бажарилишини текшириш жараёнида олиб бориш керак. Таълим жараёнида меҳнат таълими йўналиши бакалавр ўқитувчилари қуйидаги мустақил ишлаш

кўникмаларини эгаллашлари лозим: матнлардан, расм ва кўрғазмали куроллардан, жадвал ҳамда хариталардан асосийсини ажратиб олишни; маълумотларни ўзлаштиришда мантикий алоқадорлик ва боғлиқликларни аниқлашни; ўрганилаётган ҳодисаларни таққослашни, дарсликларнинг бир ёки бир неча қисмлари бўйича умумлаштириш ва хулоса чиқаришни билишлари керак. Мавзу бўйича янги сўзлар ва терминлар тузишни, дарслик бўйича алоҳида мавзунини ўрганишни, дарслик матнини бўйича режа, тезислар тузишни, дарслик матнидан фойдаланиб, техник масалалар тузишни, дарсликда кўрсатиб ўтилган тажрибаларни бажаришни билишлари керак. Эгалланган малака ва кўникмаларни дарсликлар ва бошқа турдаги ўқув адабиётлари ёрдамида дарс мобайнида, дарсдан ташқари машғулотларда ўқув фаолиятларини ташкил этиш усуллари билангина такомиллаштириш мумкин.

Талабаларнинг ижодий фикрлашини ривожлантиришда ўқув адабиётлари билан мустақил ишлашни ташкил этиш муҳим омил ҳисобланади. Ўқув адабиётлари билан мустақил ишлаш жараёнида қуйидаги тавсияларни тақлиф этамиз:

- аввал адабиётлар мундарижаси билан танишиб чиқиб, қайси масалалар муҳимлигини белгилаб чиқинг;

- ҳар бир масалани ижодий ёндашган ҳолда кўриб чиқинг;

- адабиётларни ўқишда қуйидагиларни амалга оширинг:

а) асосий ғояларни хотирада ёки қалам билан белгилаб чиқинг;

б) фикрлар ривожланишининг исботланиши ёки ўз тасдиғини топиши баён этилган масалаларни алоҳида белгиланг, аксинча агар бу фикр уларга қарама-қарши маълумотларга эга бўлсангиз, бу икки материални қиёсий ўрганинг;

в) сизни қизиқтирган атама, муҳим фикрлар бўйича кичик изоҳли луғатча тузиб, бу атамаларни тартиб рақами орқали ёзиб боринг;

г) юқоридагиларни ўзлаштирганлигингиз бўйича ўзингизга ҳисобот беринг.

Тушунарсиз бўлган фикрларни белгилаб, сўнгра аниқлаштириб олинг;

- жуда мураккаб манбалар устида қайта-қайта ишланг. Асосий тушунчаларни ёзиб олинг.

- тўғри тушунганлигингиз ва ўзлаштирганлигингизни назорат қилиш учун турли машқ ҳамда вазифаларни бажариб кўринг.

- асосий тушунчаларни ёзиб бориш йўқ деб ҳисобласангиз, унда асосий ғоялар бўйича кичик ён дафтарчангизга чизгилар қилиб боринг.

2в - шакл - Назорат ишларига тайёрланиш - Имтиҳонларга ва назорат ишларига тайёрланиш жараёни ҳам мустақил ишнинг асосий шаклларида бири ҳисобланади.

Имтиҳонлардан бир-бир ярим ой аввал тайёргарликни бошлашлари керак. Аввало талаба назорат ишлари жадвалини аниқлаб олиши керак. Имтиҳонга тайёрланиш билетлар ва назорат иши мавзулари асосида олиб борилса, кўпгина камчиликлар вужудга келиши мумкин. Билетлар асосида тайёрланиш жараёнида – механизациялаштирилган ёдлаш вужудга келади ва фан асосларини ўрганиш тизими бузилади. Турли назорат ишлари мавзулари асосида тайёрланиш жараёнида эса кўпинча бўшлиқлар пайдо бўлади. Бунда баъзан энг муҳим муаммолар четда қолиб кетади.

Такрорлаш – бу индивидуал жараёнدير. Бу жараён ҳар бир талабанинг ўзи учун мураккаб бўлган, ноаниқ, унутилган мавзуларни яна бир қарра кўздан кечирishi, асосий ғоя ва фикрларни қайта ўрганиши, бир қанча қийин машқларни бажариш йўллари синаб кўриши асосида ташкил топади.

Имтиҳонларга ва назорат ишларига тайёрланиш методикасига асосан қуйидагилар таклиф этилади:

биринчи - ўзингизга қулай, тинч иш жойини танланг;

иккинчи - қулайроқ ўтириб олиб, олдингизда тоза варақлар, ўнг томонга эса дафтар ва китобларни қўйинг. Мазкур мавзуга тегишли бўлган ҳамма нарсани эслаб олинг, тезис ва режа кўринишида уларни тоза варақнинг чап томонига ёзинг. Сўнгра буларни китоб ва маърузалар ёрдамида текшириб чиқинг ва эслай олмаган нарсалар бўлса уларни варақнинг ўнг томонига ёзиб чиқинг. Шу ернинг ўзидаёқ, ўқитувчига бериладиган саволлар ҳам ёзиб борилади. Ҳеч қандай ноаниқликлар бўлмаслиги керак.

учинчи - ўз режангиз асосида ишланг. Фақатгина ўз билимингизни текшириш ёки маслаҳатлашиш учунгина шерикликда ишлашингиз мумкин.

тўртинчи - мавзу бўйича жавоб тайёрлаётган вақтингизда асосий фикрни тезис кўринишда белгилаб, асосий факт ва рақамларни уларнинг исботи сифатида ёзиб олинг. Сизнинг жавобингиз қисқа, мазмунли бўлиши керак.

бешинчи - назорат тайёргарлик билан биргаликда амалий кўникма ва малакаларни ҳам унутманг. Сиз матн, харита ва бошқалар билан ишлай олишингизни намоён этишингиз керак.

олтинчи - кун тартибини ва ишлаш режасини белгилаб олинг. Ўз вақтида дам олиш, ухлаш, овқатланиш ва тоза ҳавода бўлишни унутманг.

еттинчи - ўқитувчининг маслаҳатларида фақатгина бошқаларнинг саволларига жавоб эшитишни эмас, балки ўзингизни қизиқтирган саволларга жавоб олишга ҳаракат қилинг.

саккизинчи - ўз билимингизга ишониш руҳий дадиллик олиб келади. Баъзан биттагина саволга тайёргарлик кўрмасангиз, айнан ўша саволга жавоб беришингизга тўғри келиши мумкин;

тўққизинчи: - қандай фан бўлмасин, уни ҳозирги замон технологияси, ишлаб чиқариш амалиёти билан боғлиқлигини унутманг;

ўнинчи: - берилиши мумкин бўлган саволларга жавобларни компьютер дастурлари ва Интернет маълумотлари асосида бойитиб боринг.

ўн биринчи: - имтиҳонда саволни олгач, хотиржамлик билан саволлар устида ўйлаб кўринг, жавобларингиз режасини тузинг. Харита, иш ускуналари ёнига боринг, қандай қилиб бажарган амалий ишингизни назарий жиҳатдан тушунтириб беришни ўйлаб кўринг. Агар баъзи нарсаларни унутган бўлсангиз, ҳаяжонланманг.

Зв – шакл - Маъруза тайёрлаш - Олий таълим муассасаларида ўқитиш жараёнида таълим беришнинг турли шакл ва методларидан фойдаланилмоқда. Таълимнинг асосий шакли эса маъруза ҳисобланади. Маъруза тайёрлаш анча мураккаб ва кўп меҳнат талаб қиладиган ишдир. Бўлажак меҳнат таълими бакалавр ўқитувчилари «Меҳнат таълими

методикаси» фанида, педагогик амалиёт жараёнида маъруза тайёрлашларига тўғри келади.

Маъруза олий таълим муассасалари аудиторияларида энг кўп қўлланадиган дарс шакли ҳисобланади. Маъруза – дарслик, ўқув қўлланмалари ва бошқа манбалардаги материалларни қайта баён қилиб беришдан иборат бўлиб қолмасдан, балки ўқитувчининг аниқ бир соҳа бўйича шахсий, илмий – педагогик, ижодий изланишларини ҳам ўзида жамлаши лозим. Ҳар бир ўқитувчи маърузага тайёрланишда ушбу мавзуга тааллуқли бўлган кўпгина материалларни қамраб олишга ҳаракат қилиши керак. Сўнгра ҳар бир соҳанинг дарслик ва қўлланмалар, монография ва илмий мақолалар, журнал ва газета материаллари, тарихий ёзма ёдгорликлар ва бадиий асарлар, радио ва телевидение, Интернет каби аниқ материаллар манбаларидан фойдаланилади.

Маъруза аудиторияда алоҳида фанлар бўйича ўтказиладиган умумий машғулотларнинг камида 50 фоизини ташкил этади. Баъзи фанларда эса маъруза 60 – 65 фоизга бориб етади. Меҳнат таълими факультетининг барча йўналишлари ишчи ўқув дастурларини кузатганимизда айрим фанлардан: яъни ўзбек (рус) тили, чет тили, жисмоний тарбия ва спорт, меҳнат таълими практикаси фанларидан маъруза соатлари берилмаганлигини, барча соатлар амалий машғулот тарзида олиб борилишини кўришимиз мумкин.

Ўқитувчи маъруза ўқиш мобайнида талабаларга мавжуд материалларни етказиш билан бирга, уларга баъзи вазифаларни бериб, кутубхона, лаборатория ва архивларда ишлаш учун йўлланма бериши ҳам керак.

4в – шакл - Масофавий таълим технологияси - масофавий таълим технологияси анъанавий таълим тизимини амалга оширишда дуч келинган муаммоларни ҳал этиш ёки шарт–шароит ушбу жараённи тақозо қилганда қўлланилади. Бу жараён замонавий технолониялардан таълим самарадорлигини оширишда фойдаланишга замин яратади.

«Масофавий таълим» тушунчаси фанга ўтган аср 90 – йилларида кириб келган. Инглиз тилида «Масофавий таълим» (distant education) «Масофада

ўқитиш» (distant learning) каби вариантларда ҳам қўлланилади. Таълим жараёнларини телекоммуникациялардан фойдаланган ҳолда ташкил этишни эса (tele training) деб юритилади.

«Масофавий таълим» тушунчаси-таълим ўқув ахборотларини олувчига масофада туриб, етказиб беришни таъминловчи (сунъий йўлдош, телевидение, компьютер тармоқлари ва бошқалар орқали) янги ахборот технологияларидан фойдаланишга асосланган махсус таълим хизматлари тўплами сифатида эътироф этилган.

Масофавий таълим афзалликлари:

- тезкорлик – фазо ва вақт бўйича тўсиқларнинг йўқлиги, янги долзарб ахборотларни олиш, тез тескари боғланиш;

- ахборот таълимий мотивларининг ортиши (тармоқдаги ахборотлар);

- коммуникацион – таълимнинг потенциал иштирокчилари сонининг ортиши;

- педагогик – таълимнинг янада кўпроқ мотивлашиши, индивидуаллашиши, интерфаол (таълим иштирокчилари ўзаро таъсирининг фаолланиши, тескари боғланишнинг мавжудлиги) бўлиши;

- психологик - ўқувчи (талаба)ларнинг ўз - ўзини намоён этиши учун янада яхшироқ ҳиссий – психологик шароитлар яратилиши, тўсиқларнинг бартараф этилиши;

- иқтисодий – таълим учун сарф - ҳаражатларнинг камайиши;

- эргономик - машғулотлар вақтининг ўзлаштириш суръати ва мақбул график бўйича тақсимланиш»².

Билим олишни таъминлаш - бу энг аввал ўқувчининг мустақил билим олишда зарур бўлган идрок этиш фаолияти маълум малакаларини эгаллашидир. Мустақил билим олиш мақсадга эришишда мақсадга интилувчанликни, қатъийликни ишлаб чиқишда ёрдам берувчи ўзини тарбиялаш воситасидир. Бу мустақил ишлар йўли

² Қўйсенов О.А. “Касб таълими йўналиши бакалавр ўқитувчиларини тайёрлашда мустақил таълимнинг илмий методик асослари” Тошкент, 2008, Ном.дис.

билан ўқишдан ташқари жараёнда олинган таълимдир: шахснинг ҳар томонлама, тўла ривожланиши масаласини ҳал этишда зарур шартидир.

Бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиларнинг мустақил билим олишларини касбий ўзини ривожлантириш учун зарур бўлган мақсадга мувофиқ, мунтазам ўрганиш фаолияти деб ҳисоблаймиз.

Бу ўрганиш, хусусан касбий талаб ва қизиқишларини қониқтириш шаклидир.

Бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиларнинг мустақил билим олишлари - касбий-педагогик такомиллашиш учун зарур бўлган идрок этиш фаолияти мақсадга мувофиқ, мунтақам жараёндир.

Функционал мазмунда - бу психологик-педагогик билимлар билан боғлиқ идрок этиш фаолияти турларидан биридир. Ниҳоят педагогика таълим муассасалариталабаларининг мустақил билим олишлари - бўлажак ўқитувчи шахсини ҳар томонлама ва тўла ривожлантириш масаласини ҳал этишнинг зарур шартидир.

Бўлажак меҳнат таълими ўқитувчи бакалаврларни педагогик мустақил билим олишга тайёрлаш муаммосини ўрганишда уларни фақат қўшимча, янада чуқурроқ педагогик билимлар олишга, бунинг учун - зарур бўлган амалий билимларини, малака ва кўникмаларини такомиллаштиришга эмас, балки шахснинг маълум сифатларини шакллантиришга, уларни ривожлантиришга йўналтириш муҳим - бўлажак ўқитувчи бакалаврларни педагогик мустақил билим олишлари гоёси айнан ана шундан иборатдир.

Ҳамма кўрсатилган вазифалар биргаликда амалга оширилади. Кундузги ва ўқиш жараёнларини ташкил этиш ўқув ва ўқишдан ташқари: умуммаудиторияли (фронтал), гуруҳли ва индивидуал. Шу жумладан улардан биргаликда фойдаланиш. Ўқитишда турли методларда фойдаланилади, уларнинг орасида мустақил ишлар муҳим ўрин эгаллайди, унда "ўзини" методларидан фойдаланилади - ўзини ташкил этиш, ўзини бошқариш, ўзини ўрганиш, ўзини амалга ошириш ва ўзини

таҳлил қилиш, шу билан бирга эса - рағбатлантириш ҳамда тақдирлаш турли методларидан фойдаланилади.

Ўқитиш жараёнини, шу жумладан мустақил билим олишни муваффақиятли амалга оширишда ахборотлар турли воситалари, айниқса компьютерли ахборотлар хизмат қилади. Ўқитиш аудиторлик ва мустақил билим олиш билан (мустақил) амалга оширилади. (13 бет)

Шундай қилиб, бўлажак меҳнат таълими ўқитувчи бакалаврларни тайёрлаш муаммосини ҳал этишда методологик асослар "Таълим тўғрисида"ги қонунда ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"да, олий, хусусан педагогик таълим концепциясида кўрсатилган. Давлат сиёсатининг керакли қоидалари ва таълим-мустақил билим олиш вазифалари, назарий кўрсаткичлари ҳамда ушбу тадқиқотларнинг, ислоҳ қилинган таълим тизими томонидан талаб этилувчи ижтимоий-педагогик каби замонавий шарт-шароитлари ҳисобланади.

2.3 Талабалар мустақил ишларини ташкил этишда ахборот технологияларидан фойдаланиш методикаси

Масофавий таълим тизими анъанавий таълим тизимини амалга оширишда муаммоларга дуч келинган ёки шарт — шароит ушбу жараённи тақозо қилганда қўлланилади. Бу жараён маълум муҳитда таълим самарадорлигини оширишга замонавий технолониялардан етарлича фойдаланишга замин яратади.

"Масофавий таълим" тушунчаси фанга 90-йиллардан кириб келган. "Масофавий таълим" тушунчаси рус ва инглиз тилларида турлича талқин қилинмоқда. Инглиз тилида "Масофавий таълим" (distant education), "Масофада ўқитиш" (distant learning) каби вариантларда ҳам қўлланилади. Телекоммуникациялардан фойдаланган ҳолда ташкил эшши эса (teletraining) деб юритилади.

Педагогик адабиётларда "Масофавий таълим" тушунчаси ўқув ахборотларини таълим олувчи масофада туриб, етказиб беришни таъминловчи (сунъий йўлдош, телевидение, компьютер тармоқлари ва бошқалар орқали) янги ахборот технологияларидан фойдаланишга асосланган махсус таълим хизматлари тўплами сифатида эътироф этилган.

Масофавий таълим афзалликлари:

- тезкорлик — фазо ва вақт бўйича тўсиқларнинг йўқлиги, янги долзарб ахборотларни олиш, тез тескари боғланиш;

- ахборот таълимий мотивларининг ортиши (тармоқдаги ахборотлар);

- коммуникацион — таълимнинг потенциал иштирокчилари сонининг орташи;

- педагогик — таълимнинг янада кўпроқ мотивлашиши, индивидуаллашиши, интерактив (таълим иштирокчилари ўзаро таъсирининг фаолланиши, тескари боғланишнинг мавжудлиги) бўлиши;

- психологик - ўқувчи (талаба)ларнинг ўз - ўзини намоён этиши учун янада яхшироқ ҳиссий — психологик шароитлар яратилиши, тўсиқларнинг бартараф этилиши;

- иқтисодий — таълим учун сарф - ҳаражатларнинг камайиши;

- эргономик - машғулотлар вақганинг ўзлаштириш суръати ва мақбул график бўйича тақсимланиш";

Масофавий таълим жараёнини ташкил этиш турли хусусиятларга асосланган ҳолда олиб борилади.

1. Таълим жараёнини бошқариш хусусияти асосида:

Бунда мустақил — индивидуал таълим олувчи учун ўқитувчи - раҳбар томонидан мунтазам маслаҳат бериб турилади. ўрганилаётган билим даражасини назорат қилиш учун тестлар, сўровномалар асосида баҳолаб борилади.

Мустақил — индивидуал таълим жараёнида талаба ўқитишнинг қулай шаклларида ва турли воситаларидан фойдаланилади.

2. Таълим жараёни мақсадга кўра: Ушбу турда таълим самарадорлигига эришишга бўлган эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда ўқув жараёнлари ташкил

қилинади. Бунда керакли натижага эришишда лозим бўладиган барча жараёнлар мустақил ишлашга қаратилади.

Масофавий таълим жараёнида эгалланиши лозим бўлган барча маълумотлар аниқ ифодаланишига эришгаш лозим.

3. Масофавий таълимнинг ўқитиш мазмуни асосида;

Масофавий таълимни ташкил этишда фойдаланиладиган таълим ресурсларини танлаш, уларни таҳлил қилиш кабилар асосида тузилади. Мустақил ишлашда масофавий ўқитишнинг турли хил даражалари аниқгаб чиқилади. Ҳар бир таълим олувчининг ички шарт — шароити ва имконияти даражасидан келиб чиққан ҳолда мос келувчи масофавий ўқиташ даражаси тавсия этилади.

4. Масофавий таълимни педагогик технология асосида:

Масофавий таълим олишда талабалар мустақил ижодий, онгли фаолият билан шуғулланиладилар. Улар мустақил билим олиш жараёнида лозим бўладиган педагогиктехнологиялардан, усуллардан, воситалардан фойдаланган ҳолда таълим самарадорлигига эришиш учун барча имкониятларни ишга солади. Керак бўлган ҳолларда қўшимча материаллар ҳам ёрдамчи восита сифатида татбиқ қилинади.

5. Масофавий таълимнинг ташкил этишда таҳлилий ёндашув:

Талабаларга берилган материалларни улар қай даражада эгаллаганликларини аниқлаш, таҳлил қилиш асосида белгиланади. Талабаларнинг берилган материални изчил, тизимли, аниқ кетма - кетлик асосида, етарли шарт - шароитларни ҳисобга олган ҳолда ёндашуви назарда тутилади. Бунда берилган маълумотлар элементар тарзда булиб - бўлиб ўрганилади ва ҳар бир бўлак бўйича назорат - текширув ишларини олиб бориш йўлга қўйилади.

6. Масофавий таълимни ташкил қилишда тескари алоқа асосида:

Ушбу турда олинган маълумотлар қайта ишланган ҳолда таълим олувчи томонидан қабул қилинади ёки берилган манбага қайтарилади. Умумий таҳлиллар асосида маълум хулосалар, тушунилмаган маълумотлар қайта алоқа асо-

сида жўнатилади. Бу босқични амалга ошириш учун компьютер технологияларидан фойдаланиш яхши натижалар беради.

7. Масофавий таълимни ташкил этишда назорат қилиш асосида:

Талабаларнинг эгалланган билимларини масофадан туриб маълум назорат шакллари ва усуллари ёрдамида баҳолаш. Олинган натижаларни таҳлил қилиш асосида керакли хулосаларга келиш. Ушбу натижалар асосида масофавий таълим дастурларига керакли ўзлаштиришлар, янгаликлар киритиш.

Ушбу масофавий таълимни ташкил этиш турлари асосида олиб борилган ўқитиш жараёнлари мустақил ишда ўз самарадорлиги билан ажралиб туради.

Педагог олим У. Бегимкулов масофавий таълим олишнинг педагогик асосларини қуйидагича тадқиқ қилади:

1. Ўқув жараёнининг марказида талабанинг мустақил билим олиш фаолияти (ўқиш, ўқитиш эмас) туради.

2. Талаба билимларини мустақил эгаллаш, турли ахборот манбалари билан ишлаш ва улардан фойдаланиш малакасига эга бўлиши муҳим ҳисобланади.

3. Билимларни мустақил эгаллаш пассив характерга эга бўлмаслиги, аксинча ўқувчи фаол билим фаолиятига жалб қилиниши керак.

4. Талабаларни компьютер тармоқлари орқали ўқитиш янги педагогик технологияларни талаб этади. Бундай педагогик технологияларга ҳамкорликда ўқиш, лойиҳалар методи, муаммоли ўқиташ методларини келтириш мумкин.

5. Масофавий ўқитиш талабанинг ўқитувчи билан фаол мулоқотидан ташқари, бошқа талабалар билан ҳам мулоқотини назарда тутати.

6. Назорат тизими доимий характерга эга бўлиши ва тезкор тескари алоқага, тестдан ўтказиш автоматик тизимига асосланган бўлиши керак.

Масофавий таълимнинг асосини мустақил ишни ташкил қилганлиги учун ҳам талабаларда ижодий тафаккур ривожланиб боради. Масофавий таълимда ўқув жараёнининг муддати қатъий белгиланмайди. Назорат ишларини бажариш ва жавоб йўллашни талаба ўзи мустақил, ўзига қулай вақтда бажаради. Ушбу масофавий таълим самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Масофавий таълимни ташкилий — методик моделларини қуйидаги асосда

ташвиқ қилиш мумкин Корреспондентлик таълими, Кейс технологияси, Радио-телевизион таълим, Тармоқли ўқитиш, Мобил технологияси ва ҳ.к.

Масофавий таълимни қандай ташкил қилишдан қатъий назар барчасида мустақил фаолият юритиш лозимлиги аниқдир.

Масофавий таълимни ташкил қилишда бир - қанча воситалардан фойдаланиш мумкин. Ушбу воситалардан амалий жиҳатдан фойдаланиш масофавий таълим самарадорлигини оширишда муҳим омил ҳисобланади³.

Масофали таълим жараёнида қуйидаги методлардан фойдаланиш мумкин:

- талабанинг ўқитувчи иштирокида мустақил иш **ашёлари** ўзаро таъсири орқали ўқитиш методлари;

- бир тингловчининг бир ўқитувчи ёки бир тингловчининг иккинчи тингловчи билан (бир-бирини) яккама-якка ўқитиш ва ўқиш методлари;

- тингловчиларга ўқув материалларини ўқитувчи ёки талаба томонидан тақдим этиш мўлжалланган методлар;

- ўқув жараёнини қатнашувчиларининг барчаси орасида фаол алоқа бўладиган («кўпчилик кўпчиликка») методлари.

«Ахборот технологиялари» тушунчаси ўзида қуйидаги мазмунни акс эттиради: ахборот технологиялари – бу инсонларнинг билимларини бойитувчи, уларнинг техник ва ижтимоий жараёнларни бошқариш борасидаги имкониятларини ривожлантирувчи ахборотларни яратиш, тўплаш, узатиш, сақлаш ва тақдим этиш методлари ҳамда техник воситаларининг мажмуи саналади.

Масофали таълимнинг ўқув жараёнига жорий этилиши меҳнат таълими ўқитувчиларини тайёрлашда янги сифат даражасига кўтаришга хизмат қилади. Бунда ўқитувчи ва талабалар ўртасидаги ҳар хил тўсиқлар яъни: узоқлик, бандлик, талабанинг психологик ҳолатига ўхшаш муаммоларни ечишга хизмат қилади.

³ Муслимов Н.А., Қўйсинов О.А. “Касб таълими ўқитувчиларини тайёрлашда мустақил таълимни ташкил этиш”. Тошкент: Низомий номидаги ТДПУ, 2006 й. 37-бет

Масофали таълимнинг асосий моҳияти қуйидагилардан иборат:

– таълим жараёнидаги назария ва амалиётни бир-бирига яқинлаштириш, ҳақиқий педагогик ва техник-технологик вазиятлари асосида таълим бериш, ўқув жараёнига талабаларнинг педагогик ва ишлаб чиқариш тажрибаларини жорий қилишга;

– таълимий ёндашиш – талабанинг иқтидори ва қобилиятларини намоён этишида педагогик ёрдам кўрсатиш, бўлажак меҳнат таълими ўқитувчисининг шахсий қарашлари яхлит кўринишини шакллантириш, педагогик ва технологик вазиятлари кенг доирасида қўлланиладиган назарияни талаб даражасида ўргатишга;


– компьютер дастурлари асосида ўқитишнинг муаммоли методларидан фойдаланиш йўли билан одатдан ташқари педагогик ва техник-технологик муаммоли вазиятларда талабаларнинг қарор қабул қилишни билиш, ижодий қобилиятларини ривожлантириш фақат билиш эмас, балки фикрлашга, олинган назарий билимлардан амалиётда қўллай олишга билишга, доимий равишда ўз-ўзини интеллектуал салоҳиятини оширишга;

– модулли ёндашув – меҳнат таълими ўқитувчиларини тайёрлашда «Материалларни кесиб ишлаш, станоклар ва кесувчи асбоблар», «Тикувчилик буюмларини лойиҳалаш ва моделлаштириш асослари», «Механизмлар ва машиналар назарияси» ва «Назарий механика» фанларидан яратилган электрон мультимедиали дарслик талабаларни умумқасбий ҳамда махсус фанлар бўйича билим ва кўникмалар шакллантиришни таъминловчи интегратив (фанлараро алоқадорлик) тамойили асосида ўқитишга;

– гуруҳли мунозаралар – педагогик ва техник-технологик вазиятли ўйинлар, тренинглари, «ақлий ҳужум», қизиқарли ўқув-методик материаллари билан ишлаш, турли мураккаблик даражасидаги компьютер тест назоратлари дастурлари ёрдамида ўз-ўзини назорат қилиш, педагогик ҳамда техник-технологик масалаларни моделлаштириш каби талабанинг вақтини тежаб сарфлашига имкон берувчи ўқитишнинг энг фаол методларидан фойдаланишга имконият яратади.

Ўқув-методик мажмуа асосида (ўқув дастури, ишчи дастур, электрон дарслик, интерфаол ўқитиш дастурлари, лаборатория ва амалий ҳисоблаш, график ишларини бажариш учун методик кўрсатмалар, билимлар электрон базаси, электрон тест ўтказувчи дастурлар, аудио ва видео материаллар, техник масалаларни ечиш учун ўқув методик кўлланмалар, электрон кўргазмали кўлланмалар тўплами, компьютер воситалари асосида педагогик ва техник-технологик вазиятларни моделлаштириш методикаси) масофали таълимни ташкил этиш қуйидаги асосий компонентлардан иборат

(2-расм).



2- расм. Масофали таълим турлари

Тақдимот (презентация) – ўқитиш жараёни тақдимотдан бошланиб унда кириш машғулоти ўтказилади. Талабалар ўқув–методик мажмуаси билан кейслар оладилар, ўқув гуруҳи билан тьютор (методист ўқитувчи), машғулотлар ўтказиш режаси ва «Материалларни кесиб ишлаш, станоклар ва кесувчи асбоблар», «Тикувчилик буюмларини лойиҳалаш ва моделлаштириш асослари», «Механизмлар ва машиналар назарияси» ва «Назарий механика» ўқув фанлари бўйича масофали таълим методикаси билан танишадилар.

Ўқув жараёни – таълим олишда талабанинг фан бўйича ўзлаштирган билимларини ва амалий тажрибасини муаммоли педагогик ва техник-технологик вазиятларда қўллаш билан унинг қоидаларини ўртасидаги нисбатларини талабалар англаб етишларига ва асосланган янги турдаги ўқув циклидан фойдаланилади. Талабанинг мустақил ишлаши интерфаол ва электрон мультимедиали дарслик, электрон кутубхоналар, Internet глобал тармоғидан фойдаланиш билан таъминланади.

Мустақил иш талабанинг мустақил ишлашининг асосий шакллари ўқув материаллари билан мустақил интерфаол ишлаши ва рефератлар, педагогик ва ишлаб чиқариш вазиятларига мос келадиган лойиҳалар, чизмалар ва бошқалар каби ёзма топшириқларни бажариш ҳисобланади.

Тьюторлик (методист ўқитувчилик) – мустақил ўзлаштирилган билим ва кўникмаларни мустаҳкамлаш, тузатиш, жамоа бўлиб ишлашнинг самарали методларини ўзлаштириш ва тажриба алмашиш, тьюторлик – ўқитиш фаол методларидан фойдаланиш билан гуруҳли машғулотларда: гуруҳли мунозаралар, амалий ўйинлар, муаммоли педагогик ва техник-технологик вазиятлардан чиқиш ва бошқалар. Тьюторлар талабалар билан қлай вақтда норасмий шароитда ишлайдилар.

Ёзма иш - тьютор (методист ўқитувчи) томонидан баҳоланади ва тушунтирилади, бу талабанинг ўз билимларини тузатиши учун қайтар алоқада бўлишни таъминлайди.

Маслаҳатлар. Талаба тьютор (методист ўқитувчи)дан фаннинг мазмунини ўзлаштиришда тушунмаган саволлар бўйича телефон ёки электрон почта орқали бўлгани каби шахсан маслаҳат олиши мумкин. Шу билан доимий алоқа таъминланади, ушбу ўқув фанини ўрганиш жараёнида юзага келадиган муаммоларни тез ҳал этишга имкон беради.

Ўқув адабиётлар. Ўқув-методик мажмуа масалан ишчи дафтарларида фақат ахборот материаллари эмас, балки улар билан кетма-кет келадиган саволлар ва топшириқлар ҳам бўлиб уларга жавоб бериб талаба ўзининг амалий тажрибасини шакллантиради, уни аудиторияда олинган билимлари билан солиштиради. Педагогик ва техник-технологик вазиятларини таҳлил қилади уни яхшилаш

йўллари излайди, шахсий тасаввурлари тизимини шакллантиради, ўқув материални ўзлаштирганлик даражасини ўзи назорат қилади. Масофали таълим ўқув-методик тўплам нусхалари гуруҳ талабалари сонига мос келиши керак. Барча ўқув-методик материаллар анъанавий матнли кўринишда ва ахборотни электрон етказувчилар, аудио ва видео материаллар, талабаларга шахсий мулк сифатида берилади.

Талаба компьютердан ўқув фаолиятида асосий восита сифатида фойдаланади, бу эса ўқув фанининг мазмунини саволларини ўрганишга ва анъанавий дидактик воситаларга нисбатан афзаллигини кўрсатади.

Мавжуд илмий манбаларни ўрганиш ҳамда диссертантнинг шахсий тажрибасига асосланган ҳолда масофали таълим воситалари қуйидагилардан иборат:

1. Электрон дарсликлар.
2. Ўқув-методик қўлланмалари.
3. Оддий ва мультимедияли вариантлар асосида компьютер таълими тизимлари.
4. Аудио ўқув-ахборот материаллари.
5. Видео ўқув-ахборот материаллари.
6. Лаборатория практикумлари.
7. Тренажёрлар.
8. Маълумотлар ва билимлар банки.
9. Электрон кутубхона.
10. Эксперт тизими асосидаги таълим.

Масофали таълим ўқув-методик тўпламларини яратишнинг ташкилий-методик тамойиллари сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:

1. Ўқув режасидаги фанни ўрганишнинг мақсадини ифода этиши (танлаган таълим йўналиши бўйича унинг таълим тизимидаги ўрни ва аҳамиятини тушунтириш ёрдамида фан асосларини муваффақиятли ўрганишни таъкидлаши лозим. Фан, боб ва мавзулар рўйхати, уларни ўзлаштириш талаб этиладиган даражага келтириш мақсадга мувофиқдир).

2. Ўқув материалларининг атамалар ва шартли белгиларни аниқ ҳамда тўғри ифодалаш талабларига тўла жавоб бера олиши (фан аввалги ёки кейинги фанлар моҳиятини ёритувчи стандарт бирликларни аниқ ва тўғри қўлланилишини таъминлаши зарур).

3. Электрон ўқув материалларининг талаба томонидан аввал ўрганган муҳитнинг яратилишини таъминлай олиши (муаллифликда яратилган дастурларни ўзлаштириш талаба учун қўшимча қийинчилик яратиши ва унинг эътиборини фаннинг мазмунидан четга тортмаслиги керак).

4. Гиперматнли технологиялардан фойдаланиш, шунингдек, электрон ўқув материалларининг талабаларнинг иловалар бўйича ҳаракатланишларида тўғри йўлни топа олиш ҳамда оддий талабларга жавоб бера олишларига имкон яратиши (ўқув материалларининг кириш сўзида матнда қўлланиладиган шартли белгиларнинг моҳиятини изоҳлаш, шунингдек, турли мурожаатлардан фойдаланиш борасида маслаҳатлар берилиши зарур).

5. Ўқув материалларидан Интернет тармоғи ресурслари мурожаатларидан фойдаланишда web-сайтлари бўйича мурожаатларидан сақланиш (ушбу ҳолат кўп вақтни талаб этади).

6. Талаба фаолиятининг мустақил фаолият, ўқитувчи назоратининг эса ўз-ўзини назорат қилиш фаолиятига алмаштирилиши (ушбу ўринда фаолият кулай методлар, самарали мезонлар ва маслаҳатлар асосида йўлга қўйилиши бўйича бериладиган тавсиялар тўлиқ таърифларга эга бўлиши зарур).

7. Ўқув фанлари мазмунининг тўлалиги, бу - талабанинг қўшимча ўқув маълумот манбаларига мурожаат этишининг бир қадар камайтирилиши.

8. Ўқув фанларининг тузилмасини яратишда модулдан фойдаланилиши.

9. Ўқув материаллари таркибидан назорат топшириқлари, глоссарий, шахсий фаолиятни мустақил назорат қилиш учун таклиф этилган жавобли тестлар ҳамда машқ қилишга асосланган педагогика ҳамда ишлаб чиқаришдаги муаммоли-вазиятли топшириқлар каби мажбурий элементларнинг мавжудлиги.

Масофали сиртки таълим учун мўлжалланган ўқув-методик материаллар (дарсликлар, ўқув қўлланмалари, иш дафтарлари, методик материаллар, мустақил ишлар учун мўлжалланган қўлланмалар ва бошқалар) мазмунини таҳлил қилиш [12; 144] ўқув фани мазмунига инвариант ўқув-методик тўпламини тадбиқ этиш самарали омил эканлигини тасдиқлади. Ўқув-методик мажмуа қуйидаги бўлинмалардан ташкил топган:

1. Кириш.
2. Фанни ўрганишдан кўзланган мақсад ва вазифалар.
3. Фан бўйича яратилган ўқув дастури.
4. Фанга кириш (тарихи, предмети, долзарблиги, бошқа фанлари билан ўзаро боғлиқлиги).
5. Асосий мазмуни (бўлимларнинг модуллар бўйича тузиб чиқилганлиги).
6. Ўқув қўлланмалари (таянч конспект, маърузаларнинг режа-конспекти);
7. Топшириқларни бажаришда энг кўп учрайдиган хатоларни таҳлил қилиш, назарий билимларини қўллаш борасидаги кўникмаларни ишлаб чиқиш учун практикум.
8. Иш дафтари, яъни, амалий топшириқларни бажаришга оид мисоллар берилган, шунингдек, мустақил бажариш учун мўлжалланган топшириқлардан иборат ўқув қўлланмаси (дафтарнинг тоза саҳифаларига талаба фанни ўзлаштириш ва шахсий ишчи хужжатларни яратиш борасидаги фикрларини ёзиб бориши мумкин).
9. Фанни мустақил ўрганишга оид методик тавсиялар.
10. Талабанинг мустақил ишини ташкил этишга оид тавсиялар, шунингдек, унинг мустақил иш режа-графи, ўрганилаётган фаннинг у ёки бу бўлимининг ҳажми борасидаги тахминий маълумотлар.
11. Лаборатория практикуми.
12. Хулоса.
13. Адабиётлар рўйхати (асосий, қўшимча, факультатив).

14. Мустақил ишларнинг мавзулари.

15. Оралик тест ўтказиш ва билимларни назорат қилиш тизими.

16. Яқуний назорат.

17. Қисқартиртмалар рўйхати.

18. Маълумотнома, глоссарий.

19. Атамаларнинг изоҳли луғати.

20. Фан дастури мавзусига оид ўқув материаллари, мавжуд дарсликлар, илмий журналларда чоп этилган мақолалар, методикалар ва бошқалар асосида яратилган хрестоматия (дайджест).

21. Аудиокассеталар

22. Ўйналтирувчи ёки таништирувчи маърузалар ёзилган видеокассеталар, техник жиҳозларнинг умумий тузилиши, ишлаш тамойили, технологик жараёнлар ва бошқа фанлар бўйича тажриба ишларининг бажарилиши борасидаги видеотасвирлар.

23. Оддий ва мультимедиали (CD-ROM) компьютер таълими дастурлари.

Электрон дарсликни талабага ўқув фани ёки унинг муайян бўлими, шунингдек, оддий дарслик, маълумотнома, масалалар тўплами ва лаборатория практикумида ёритилган қарашларни ўзида бирлаштиришга имкон берувчи ўқув-методик тўплами сифатида эътироф этувчи ғоялар анча кенг тарқалган.

Бизнинг фикримизча, электрон дарслик муаллифлик тизими ёки гиперматнли белгилаш типи – HTML ёрдамида ишлаб чиқилган ҳамда мультимедиали яқунланган материалдан иборат манбадир. Электрон дарсликнинг қуйидаги икки вариантдан фойдаланиш мумкин: on-line ва off-line.

Ўқув-методик тўплам қуйидаги дидактик-функционал бўлимлардан иборат: ташкилий-методик; ахборотли ўқитиш; аниқловчи ва назорат қилувчи.

Тўпламнинг психологик-педагогик функциялари ўқув материалларини гипермедиа муҳитида тақдим этиш, талабаларнинг ўқитувчилар билан ва

Ўқитиш воситалари билан E-mail, usernet, IRC, Iphone ёрдамида ўзаро дидактик алоқалари орқали амалга оширилади.

Масофали таълим дастурлари муайян фанни акс эттирувчи, у ёки бу даражада уни ўрганиш технологиясини амалга оширувчи ва турли ўқув фаолиятини амалга оширишга имкон берадиган воситалардир. Бундай дастурли воситалар одатда, ўқувчи шахсини ривожлантириш учун, ўқув жараёнини жадаллаштириш ва анъанавий ўқув-тарбиявий жараёнларда бошқа мақсадларда фойдаланиш учун мўлжалланади.

Масофали таълим дастурларини ишлаб чиқиш, унинг мазмуни, усуллари ва воситалари билан танишиш ўқув жараёнида бажариладиган қуйидаги асосий вазифаларини ажратиб кўрсатишга имкон беради:

- ўқитиш жараёнини индивидуаллаштириш ва даражалаштириш;
- хатоларни ўрганиш ва жавоб алоқаси воситасида назоратни амалга ошириш;
- талабанинг ўқув фаолияти жараёнида ўз-ўзини назорат қилиши ва мавжуд хатоларни тузатиш;
- кўп вақт ва меҳнат талаб этадиган, майда ҳисоблаш ишларини компьютерда бажариш ҳисобига, ўқув вақтини узайтириш;
- ўрганилаётган жараён ёки ҳодисаларни моделлаштириш;
- компьютерда муайян тажриба ёки синовларни ташкил этиш асосида лаборатория ишларини олиб бориш;
- турли муаммоли вазиятларда тўғри қарор қабул қилиш малакасини шакллантириш;
- муайян турдаги фикрлаш қобилиятини (масалан, кўرғазмали-образли ва назарий) ривожлантириш;
- таълим олишга бўлган қизиқишни кучайтириш (масалан, дастурга тасвирий воситалар ёки ўйин вазиятларини киритиш йўли билан);
- идрок этиш фаолияти ва бошқалар [196].

Умумқасбий ва ихтисослик фанлари бўйича меҳнат таълими ўқитувчисини материаллар, асбоб-ускуналар ва техник қурилмалар билан

шахсан танишмасдан ва уларда ишлаш кўникмаларини шакллантирмасдан туриб, уни етук мутахассисни тайёрлашни тасаввур қилиш қийин.

Масофали таълимни ташкил этиш шароитларида амалий, лаборатория практикумининг анъанавий шакллари фойдаланувчи (талаба тажриба ўтказувчи)нинг моделлаштириш муҳити билан самарали интерактив ўзаро алоқаларига эришиш йўлида техник воситалар, компьютер графикаси ва анимациядан фойдаланиб, материалшунослик, техник тажрибани имитация қилиш ҳамда лойиҳалаштириш, моделлаштириш технологиясидан фойдаланувчи, виртуал лабораториялар билан тўлдиради.

Ўқув виртуал лабораториянинг ўзига хос хусусияти автоматлаштирилган ҳамда лойиҳалаштириш самарадорлигини оширишга йўналтирилган катта дастурли тизимларни лойиҳалаштиришнинг замонавий назарияларидан фойдаланиш ҳисобланади.

Масофали таълимни ташкил этиш мақсадида нашр этилган электрон мультимедиали дарсликлар ўқув маълумотлари тузилишининг яхлит, аниқ ва қисқа бўлишини ифодалайди [13]. Электрон мультимедиали дарсликларда график ва жадвалли материаллар берилган. Ҳар бир саҳифада маълум бўлимни ўрганиш жараёнида талабанинг ўз шахсий фикрларини ёзиш учун жой мавжуддир. Машқ қилиш ва текшириш топшириқлари ҳам қўлланмага киритилган бўлиб, улар билимларни ўзлаштириш даражасини назорат қилишга имкон беради.

Босма ўқув материалларининг электрон варианты ЯАТ дан фойдаланиш билан дидактик воситалар мустақил туридан нашрларда бўлмаган бир қатор ижобий сифатларга эга бўлиб, улар сирасига компьютер хотираси ёки ташқи манбада ихчам сақланиши, ўзгартиришларни тезликда киритилиш ва электрон почта орқали узок масофаларга узатиш мумкинлиги каби ҳолатлар киради. Бундан ташқари принтер ёрдамида материал осонлик билан босма нашрга айлантирилади.

Шундай қилиб, масофали таълим тизимида юқорида кўриб чиқилган воситалардан аралаш фойдаланиш тажрибаси шаклланган деб айтишга имкон

беради. Масофали таълимнинг шундай турларида талабаларга маълум муддатга ўқув-методик восита (кейс)лар тўпламини бериш усулидан фойдаланилади. Хусусан, амалий фанлар асосларини ўрганишда кейс таркибига лаборатория практикумини бажаришга оид топшириқ, материал ҳамда лаборатория ишларининг тўпламлари ҳам киритилади. Кейс таркибига яна компьютерда ва компьютер тармоқларида ишлаш борасидаги амалий кўникмаларни шакллантириш бўйича тавсия ва кўрсатмалар ҳам киритилади. Кейснинг барча элементлари бир-бири билан ўзаро боғлиқ ва бир-бирларини тўлдиради.

Масофали таълимни ташкил этишда дастлаб эътиборни ушбу тизим ўқув материалларини яратиш технологияларидан фойдаланишга қаратиш мақсадга мувофиқ⁴.

⁴ Муслимов Н.А. “Касб таълими ўқитувчисини касбий шакллантиришнинг назарий-методик асослари” Тошкент, 2007, Док.дис.

III БОБ. ПЕДАГОГИК ТАЖРИБА - СИНОВ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА УНИНГ НАТИЖАЛАРИ ТАҲЛИЛИ

3.1. Педагогик тажриба – синов ишларининг мазмуни ва ўтказиш методикаси

Тажриба-синов ишларининг мақсади меҳнат таълими йўналиши бўйича бакалавр-ўқитувчиларни тайёрлашда мустақил таълимни ташкил этиш, уларни мустақил таълим олишга ундовчи омилларни ривожлантириш имконини берувчи педагогик шарт-шароитлардан самарали фойдаланиш даражасини аниқлашдан иборат бўлди.

Белгиланган мақсадга мувофиқ қуйидаги вазифалар ҳал этилди:

- олий таълим муассасаларида меҳнат таълими йўналиши бўйича бакалавр ўқитувчиларни тайёрлаш жараёнини ёритувчи ўқув-меъёрий ҳужжатларни (Давлат таълим стандарти, ўқув режа, фан дастурлари ва ҳ.к) ўрганиш асосида ўқув-тарбия жараёнида талабаларнинг мустақил таълимини ташкил этиш бўйича назарий маълумотларни ўрганиш ва умумлаштириш;
- анкета сўровлари ёрдамида меҳнат таълими йўналиши талабаларининг мустақил таълимини ташкил этиш жараёнининг моҳияти борасидаги асосий тушунчаларни ўзлаштирганлиги ҳақидаги маълумотларни аниқлаш;
- талабаларнинг мустақил ишлаш кўникма ва малакаларининг шаклланганлиги даражасини бевосита “Меҳнат таълими методикаси” фанининг мавзулари мисолида ҳамда мустақил бажариш учун берилган топшириқлар ёрдамида ўрганиш;
- меҳнат таълими факультети талабаларида мустақил таълим олиш хусусиятлари шаклланишига эришиш.

Тажриба – синов ишлари Қ.М.Абдуллаева [...], В.П. Беспалько [...], Н.А.Муслимов [...], У.Н. Нишоналиев [...], Ш.С. Шарипов [...], О.А.Қўйсинов [...] ва бошқаларнинг илмий ишларида келтирилган тавсиялар, кўрсатмалар асосида, давлат таълим стандартлари ҳамда таълим мақсадларига мос равишда олиб борилди.

Тажриба-синов ишларини олиб бориш жараёнида талабаларда мустақил ишлаш кўникма ва малакаларининг шаклланиши даражасини аниқлашда уларнинг шахсида қуйидаги хусусиятларнинг акс этишига алоҳида эътибор қаратилди:

а) мустақил ишлай олиш (мен мустақил, эркин фикрлай оламан);

б) педагогик мустақил таълим олишга интилиш (мен ўқитувчи бўлиш учун таълим олмақдан ва мустақил таълим билан шуғулланишим шарт);

в) педагогик нуқтаи назардан фикрлаш (мен мустақил таълим олиш жараёнига тегишли масалаларни ҳал этувчи восита ва усуллар тизимини эгаллай оламан, мустақил таълим олишда ҳамда педагогик ва ишлаб чиқариш амалиёти жараёнида юз берувчи муаммоли вазиятлар моҳиятини тўғри тушунишга ҳаракат қиламан);

г) педагогик одоб (мен доимо дўстларим ва ўқитувчилар билан самимий муносабатда бўламан, педагогик амалиёт жараёнида эса ўқувчилар билан дўстона муносабатда бўлишга интиламан, чунки, мен – ўқитувчиман);

д) педагогик йўналганлик (мени ҳар бир таълим олувчи шахс сифатида қизиқтиради, улар билан ишлашни ёқтираман, педагогик амалиёт натижаларига мувофиқ аниқ қарорга келдим: мен касб-ҳунар коллежида ишлайман);

е) касбий индивидуаллик (мен ўз касбимга тегишли янгиликларни билишга интиламан ва яратишга ҳаракат қиламан, буларни ўз иш фаолиятимда қўлламан);

ж) касбий қизиқиш (касбга оид барча янги маълумотларни олишга, фан асосларини ва манбаларни чуқур ўрганишга, шунингдек, касбий фаолиятимга ижодий ёндошишга интиламан).

Тажриба-синов ишларининг самарадорлигини аниқлаш мақсадида респондентлар тенг асосда тажриба ва назорат гуруҳларига бириктирилдилар. Тажриба гуруҳида диссертант томонидан тавсия этилаётган ҳамда бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиларининг мустақил таълим олиш даражаларини шаклланишини таъминлашга ёрдам берувчи

методика асосида амалий фаолият йўлга қўйилган бўлса, назорат гуруҳларида эса анъанавий тартибда ўқув-тарбия ишлари олиб борилди.

“Меҳнат таълими методикаси” фанидан ўқув йилида 45 нафар (тажриба-22 нафар, назорат – 23 нафар) талаба иштирок этди.

Талабалар билимларини баҳолашда 100 баллик рейтинг тизимидан фойдаланилди.

“Меҳнат таълими методикаси” фанининг танланган методика бўйича самарадорлигини текшириш тадқиқотчи ҳамда шу фан ўқитувчилари томонидан ўтказилди.

Тажриба-синов ишини бошлашдан аввал ва унинг давомида фан мазмунини очиқ берувчи маълумотлар, тадқиқотчи ҳамда ўқитувчилар томонидан ўтказилган тажриба-синов ишлари натижаси тадқиқотимиз илмий фаразини текшириш жараёнида талабаларнинг билим даражаси ўсиб бориши таснифланган мезонни кўрсатди. “Меҳнат таълими методикаси” фани юзасидан маълумотларни ўзлаштириш, таҳлил қилиш, уларни амалиётга татбиқ этиш қобилиятларини шакллантириш, талабаларнинг мустақиллиги ва ижодий фаоллигини ҳамда касбий сифатларини ривожлантириш “Меҳнат таълими методикаси” фанининг асосий кўрсаткичлари сифатида қабул қилинди.

.... - жадвал

Талабаларнинг тажриба бошида “Меҳнат таълими методикаси” фани бўйича мустақил ишлаш кўникма ва малакаларининг шакллантирилганлик даражаси

Тажриба босқичи ва ўқув йили	Олий таълим муассасаси	Талабалар сони		Даража (ўзлаштириш)	Тажриба гуруҳида	Назорат гуруҳида
		Тажриба гуруҳи	Назорат гуруҳи			
2009-2010 ўқув йили	ТДПУ	22	23	Энг юқори (аъло)	3(13%)	2 (8%)
				Юқори (яхши)	4(18%)	3 (14%)
				Ўрта (қониқарли)	15(69%)	18 (81%)

“Меҳнат таълими методикаси” фани бўйича ўқув йилининг тажриба ва назорат гуруҳларида тажриба бошида ўтказилган якуний назорат ҳамда тест синовларининг натижалари жадвалда берилган Тадқиқот давомида “Ақлий кужум”, “Муаммоли ўқитиш”, “Кластер”, “Бумеранг”, “Айланма стол”, “Гуруҳларга бўлиш” каби методларга асосланган “педагогик ўйинлар” ташкил этилди. “Меҳнат таълими методикаси” фанидан дарс турларини қўйидагича ташкил қилиш мақсадга мувофиқ: янги мавзунини тушунтиришда кўргазмалар методдан фойдаланиш, муаммоли вазиятларни юзага келтириш, мунозара уюштириш, талабаларнинг фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашиш, ижодий фаолликларини ўстириш, мустақил фикрлашларини шакллантириш, илмий янгиликка бўлган интилишларини ривожлантириш кабилардир. Мазкур методлар “Меҳнат таълими методикаси” фанидан маъруза, амалий иш, лаборатория ҳамда мустақил таълим машғулотлари давомида ҳам ўтказилди. Тадқиқот давомида дарс ёки курс иши учун мақсадга йўналтирилган мазмунни танлаш, ўқитувчиларнинг ўқув материалини талабага етказиб бериш усуллари кўрсатиш, таҳлил қилиш, талаба олган билиминини педагогик амалиёт даврида қўллаш олиши кўрсатмалар асосида бажарилди.

3.5 - жадвал

Талабаларнинг тажриба охирида - “Меҳнат таълими методикаси” фани бўйича мустақил ишлаш кўникма ва малакаларининг шаклланиши даражаси

Тажриба босқичи ва ўқув йили	Олий таълим муассасаси	Талабалар сони		Даража (ўзлаштириш)	Тажриба гуруҳида	Нazorat гуруҳида
		Тажриба гуруҳи	Нazorat гуруҳи			
2009-2010 ўқув йили	ТДПУ	22	23	Энг юқори (аъло)	6(27%)	3 (13%)
				Юқори (яхши)	9(41%)	4 (17%)
				Ўрта (қониқарли)	7(32%)	16 (70%)

Гуруҳдаги талабаларнинг Давлат таълим стандартлари талабларига жавоб бериши ҳисобга олинди. Тажриба-синов асосида “Меҳнат таълими методикаси” фанларини янги педагогик технологиялар асосида ўқитишнинг

самарадорлигини аниқлаш учун талабалардан олинган якуний саволлар, тест ва умумлаштирувчи машғулотларнинг натижалари сифат ҳамда миқдор бўйича таҳлил қилинди.

3.2. Педагогик тажриба - синов ишлари ва уларнинг натижалари таҳлили

Юқоридаги параграфда «Меҳнат таълими методикаси» фанидан ўтказилган педагогик тажрибани ташкил этиш ва уни ўтказиш методикаси ҳақида фикрлар юритилди. Ушбу параграфда эса тажриба натижаларининг таҳлили билан танишамиз. Тажриба натижаларини таҳлил қилишда математик-статистик усуллардан фойдаланилди.

Қуйидаги жадвалда янги педагогик технологиялар асосида ўқитиш жараёнида талабалар билим даражаси динамикасининг ўзгариши (сон ва % ҳисобида) келтирилган.

Ҳар бир босқич учун иккита ўқув фани, «Меҳнат таълими методикаси» фанлари бўйича сонли маълумотлар олинган.

жадвал

Талабаларнинг «Меҳнат таълими методикаси» фани бўйича мустақил ишлаш кўникма ва малакаларининг шаклланганлик кўрсаткичлари

Тажриба босқичи ва ўқув йили	Олий таълим му-а	Ўзлаштириш даражаси	Тажриба гуруҳларида		Назорат гуруҳларида	
			Тажриба бошида	Тажриба охирида	Тажриба бошида	Тажриба охирида
2009-2010 ўқув йили	ТДПУ	Энг юқори (аъло)	3(13%)	6(27%)	2 (8%)	3 (13%)
		Юқори (яхши)	4(18%)	9(41%)	3 (14%)	4 (17%)
		Ўрта (қониқарли)	15(69%)	7(32%)	18 (81%)	16 (70%)

Бу маълумотлар асосида қуйидаги белгиланишларни киритамиз:

x_i – тажриба гуруҳига мос келадиган баҳолар.

y_i – назорат гуруҳига мос келувчи баҳолар.

\bar{x} ва \bar{y} – тажриба ва назорат гуруҳлари учун мос келадиган ўртача арифметик қийматлар.

$$\bar{x} = \frac{\sum x_i n_i}{n} ; \quad \bar{y} = \frac{\sum y_i m_i}{m} . \quad (1)$$

Бу ерда:

$x_i, y_i - 3, 4, 5$ қийматли баҳоларни мос равишда қабул қилади.

m, n – тажриба ва назорат гуруҳидаги талабалар сони.

m_i, n_i – мос баҳоларга нисбатан талабалар сони.

Ўқув жараёни самарадорлигини баҳоловчи ўртача қиймат тажриба ва назорат гуруҳлари баҳоларининг ўртача арифметик қийматлари нисбатидир, яъни самарадорлик коэффициентлари қуйидагича олинди:

$$\eta = \frac{\bar{x}}{\bar{y}} \quad (2)$$

Ўртача квадратик оғиш катталиклари:

$$S_x^2 = \frac{1}{n} \sum_i n_i \cdot (x_i - \bar{x})^2 ;$$
$$S_y^2 = \frac{1}{m} \sum_i m_i \cdot (x_i - \bar{x})^2 . \quad (3)$$

Стандарт оғиш катталиклари:

$$S_x = \sqrt{S_x^2} ; \quad S_y = \sqrt{S_y^2} \quad (4)$$

Ўртача қийматларни аниқлаш кўрсаткичи:

$$C_x = \frac{S}{\sqrt{n \cdot \bar{x}}} \cdot 100 \% ; \quad C_y = \frac{S}{\sqrt{m \cdot \bar{x}}} \cdot 100 \% . \quad (5)$$

Бош тўпلامнинг номаълум ўрта қийматлари учун ишонч оралиқлари:

$$a_x \in \left[\bar{x} - \frac{t}{\sqrt{n}} \cdot S_x ; \bar{x} + \frac{t}{\sqrt{n}} \cdot S_x \right]$$
$$a_y \in \left[\bar{y} - \frac{t}{\sqrt{m}} \cdot S_y ; \bar{y} + \frac{t}{\sqrt{m}} \cdot S_y \right] \quad (6)$$

Бу ерда t – меъёрлашган четланиш ишонч эҳтимоли P асосида аниқланади. Масалан, $P=0,95$ да $t=1,96$ га тенг.

Биз ўртача қийматлар тенглиги ҳақидаги $H_0: a_x = a_y$ фаразни илгари суриб, унга қарама-қарши $H_1: a_x \neq a_y$ эканлигини юқоридаги маълумотлар асосида Стъудент мезони орқали текширамыз.

$$T_{m,n} = \frac{|\bar{y} - \bar{x}|}{\sqrt{\frac{S_x^2}{n} + \frac{S_y^2}{m}}} \quad (7)$$

Агар $T > T_p = t$ бўлса, H_0 фараз рад этилиб, H_1 фараз олинади.

Қуйида ушбу маълумотларга асосланиб, ҳар бир босқич учун ҳисоб ишлари ва уларнинг қиёсий таҳлили жадвал орқали келтирилади.

Ушбу тадқиқот давомида талабаларнинг тажриба-синов ишлари натижаларининг бошланғич ҳолати ва тажриба охирида эса фаннинг жами мавзулари бўйича ёзма ва оғзаки баҳолаш орқали ҳамда талабаларнинг мустақил ишлаш билим, кўникма ва малакаларининг шаклланганлик даражалари аниқланди.

«Меҳнат таълими методикаси» фани бўйича тажриба натижаларининг қиёсий таҳлили:

$m = 22, n = 23$ – тажриба ва назорат гуруҳидаги талабалар сони.

б – тажриба бошида.

о – тажриба охирида.

$$\bar{x}_o = \frac{1}{22} \cdot (3 \cdot 5 + 4 \cdot 4 + 15 \cdot 3) = \frac{1}{22} \cdot (15 + 16 + 45) = \frac{76}{22} = 3,45$$

$$\bar{y}_o = \frac{1}{23} \cdot (2 \cdot 5 + 3 \cdot 4 + 18 \cdot 3) = \frac{1}{23} \cdot (10 + 12 + 54) = \frac{76}{23} = 3,30$$

$$\text{Самарадорлик коэффициенти } \eta_o = \frac{\bar{x}_o}{\bar{y}_o} = \frac{3,45}{3,30} = 1,04$$

$$S_x^2 = \frac{1}{22} \cdot (3(5-3,45)^2 + 4(4-3,45)^2 + 15(3-3,45)^2) = \frac{1}{22} \cdot (3 \cdot 1,55^2 + 4 \cdot 0,55^2 + 15 \cdot 0,45^2) =$$

$$= \frac{1}{22} \cdot (3 \cdot 2,4 + 4 \cdot 0,3 + 15 \cdot 0,2) = \frac{1}{22} \cdot (7,2 + 1,2 + 3) = \frac{11,4}{22} = 0,51$$

$$S_x = \sqrt{S_x^2} = \sqrt{0,51} = 0,71$$

$$S_y^2 = \frac{1}{23} \cdot (2(5-3,3)^2 + 3(4-3,3)^2 + 18(3-3,3)^2) = \frac{1}{23} \cdot (2 \cdot 1,7^2 + 3 \cdot 0,7^2 + 18 \cdot 0,3^2) =$$

$$= \frac{1}{23} \cdot (2 \cdot 2,89 + 3 \cdot 0,49 + 18 \cdot 0,09) = \frac{1}{23} \cdot (5,78 + 1,47 + 1,62) = \frac{8,87}{23} = 0,38$$

$$S_y = \sqrt{S_y^2} = \sqrt{0,38} = 0,62$$

Ўртача кийматлар аниқланиш кўрсаткичлари:

$$C_x = \frac{S_x}{\sqrt{22} \cdot 3,45} \cdot 100\% = \frac{0,71}{4,7 \cdot 3,45} \cdot 100\% = \frac{71}{16,2} = 4,38\%$$

$$C_y = \frac{S_y}{\sqrt{23} \cdot 3,30} \cdot 100\% = \frac{0,62}{4,8 \cdot 3,30} \cdot 100\% = \frac{62}{15,84} = 3,91\%$$

$$a_x \in \left[3,45 - \frac{1,96}{4,7} \cdot 0,71; 3,45 + \frac{1,96}{4,7} \cdot 0,71 \right] = \left[3,16; 3,74 \right]$$

$$a_y \in \left[3,30 - \frac{1,96}{3,8} \cdot 0,62; 3,30 + \frac{1,96}{3,8} \cdot 0,62 \right] = \left[3,09; 3,61 \right]$$

Ушбу ҳисобларни тажриба охирида қандай натижаларга эга эканлигини ҳисоблаб чиқамиз:

$$\bar{x}_o = \frac{1}{22} \cdot (6 \cdot 5 + 9 \cdot 4 + 7 \cdot 3) = \frac{1}{22} \cdot (30 + 36 + 21) = \frac{87}{22} = 3,95$$

$$\bar{y}_o = \frac{1}{23} \cdot (3 \cdot 5 + 4 \cdot 4 + 16 \cdot 3) = \frac{1}{23} \cdot (15 + 16 + 48) = \frac{79}{23} = 3,43$$

$$\eta_o = \frac{\bar{x}_o}{\bar{y}_o} = \frac{3,95}{3,43} = 1,15 \text{ нисбий ўсиш.}$$

Демак, тажриба гуруҳи назорат гуруҳига нисбатан тажриба охирида 1,15 баробар (15%) юқори кўрсаткичга эга бўлдилар.

Агар тажриба бошига нисбатан таққослайдиган бўлсак у ҳолда:

тажриба гуруҳида $\eta_m = \frac{\overline{x_o}}{x_{\bar{o}}} = \frac{3,95}{3,45} = 1,14,$

назорат гуруҳида $\eta_n = \frac{\overline{y_o}}{y_{\bar{o}}} = \frac{3,43}{3,30} = 1,03$ самарадорликка эришилган.

$$S_x^2 = \frac{1}{22} \cdot (6(5 - 3,95)^2 + 9(4 - 3,95)^2 + 7(3 - 3,95)^2) = \frac{1}{22} \cdot (6 \cdot 1,05^2 + 9 \cdot 0,05^2 + 7 \cdot 0,95^2) =$$

$$= \frac{1}{22} \cdot (6 \cdot 1,10 + 9 \cdot 0,0025 + 7 \cdot 0,90) = \frac{1}{22} \cdot (6,6 + 0,02 + 6,31) = \frac{12,93}{22} = 0,58$$

$$S_x = \sqrt{S_x^2} = \sqrt{0,58} = 0,76$$

$$S_y^2 = \frac{1}{23} \cdot (3(5 - 3,43)^2 + 4(4 - 3,43)^2 + 16(3 - 3,43)^2) = \frac{1}{23} \cdot (3 \cdot 1,57^2 + 4 \cdot 0,57^2 + 16 \cdot 0,43^2) =$$

$$= \frac{1}{23} \cdot (3 \cdot 2,46 + 4 \cdot 0,32 + 16 \cdot 0,18) = \frac{1}{23} \cdot (7,38 + 1,28 + 2,88) = \frac{11,54}{23} = 0,50$$

$$S_y = \sqrt{S_y^2} = \sqrt{0,50} = 0,70$$

Ўртача қийматлар аниқланиш кўрсаткичлари:

$$C_x = \frac{S_x}{\sqrt{22} \cdot 3,95} \cdot 100\% = \frac{0,76}{4,7 \cdot 3,95} \cdot 100\% = \frac{76}{18,56} = 4,09\%$$

$$C_y = \frac{S_y}{\sqrt{23} \cdot 3,43} \cdot 100\% = \frac{0,70}{4,8 \cdot 3,43} \cdot 100\% = \frac{70}{16,46} = 4,25\%$$

$$a_x \in \left[3,95 - \frac{1,96}{4,7} \cdot 0,76; 3,95 + \frac{1,96}{4,7} \cdot 0,76 \right] = [3,64; 4,26]$$

$$a_y \in \left[3,3 - \frac{1,96}{4,8} \cdot 0,70; 3,3 + \frac{1,96}{4,8} \cdot 0,70 \right] = [3,02; 3,58]$$

Ҳар бир босқич бўйича олинган натижалар математик-статистик таҳлил қилинди ва ушбу натижаларга кўра Стъюдент мезони орқали текширилиб, хулосалар чиқарилди.

$$T = \frac{|\bar{x}_6 - \bar{x}_o|}{\sqrt{\frac{S_{x_6}^2}{n} + \frac{S_{x_o}^2}{n}}}$$

Таъриба гуруҳи:

$$\bar{x}_6 = 3,45 \quad \text{ва} \quad \bar{x}_o = 3,95$$

$\eta_m = 1,14$ самарадорлик коэффициенти.

$$T_m = \frac{|3,45 - 3,95|}{\sqrt{\frac{0,51 + 0,58}{22}}} = \frac{0,5}{\sqrt{0,019}} = \frac{0,5}{0,13} = 3,84$$

$T_m = 3,84 > T_{0,96}(t) = 1,96$ Демак, H_1 фарз қабул қилинади.

Назорат гуруҳи:

$$\bar{y}_6 = 3,3 \quad \text{ва} \quad \bar{y}_o = 3,43$$

$\eta_n = 1,03$ самарадорлик коэффициенти.

$$T_n = \frac{|3,3 - 3,43|}{\sqrt{\frac{0,38 + 0,50}{23}}} = \frac{0,13}{\sqrt{0,038}} = \frac{0,13}{0,19} = 0,68$$

$T_n = 0,68 < 1,96$ бўлиб, H_0 фарз қабул қилинади.

Талабалар билимларининг самарадорлик кўрсаткичлари

Талабаларнинг «Меҳнат таълими методикаси» фани бўйича мустақил ишлаш кўникма ва малакаларининг шаклланганлик даражаси

№	Кўрсаткичлар	Олий таълим муассасалари	Тажриба гуруҳи		Назорат гуруҳи	
			Тажриба бошида	Тажриба охирида	Тажриба бошида	Тажриба охирида
1	Ўртача арифметик қиймат (\bar{x}, \bar{y})	ТДПУ	3,45	3,95	3,30	3,43
2.	Самарадорлик кўрсаткичи (η)	ТДПУ	1,14		1,03	
3.	Ўртача қиймат ишонч оралиғи ($a_x \in, a_y \in$)	ТДПУ	[3,16; 3,74]	[3,64;4,26]	[2,99 ; 3,61]	[3,02;3,58]
4.	Ўртача қиймат стандарт хатолиги (S_x, S_y)	ТДПУ	0,71	0,76	0,62	0,70
5.	Аниқланиш кўрсаткичи (C_x, C_y)	ТДПУ	4,38%	4,09%	3,91%	6,25%
6.	Стьюдент (Т) мезони	ТДПУ	3,84		0,68	
7.	Кўрсаткичлар натижаси	ТДПУ	H_1 фарз қабул қилинади.		H_0 фарз қабул қилинади.	

Демак, – жадвалларга асосан тажриба гуруҳида қўлланилган методика назорат гуруҳига нисбатан самарали эканлиги аниқланди.

Олинган натижалар таҳлилига асосан талабаларда мустақил ишлаш кўникма ва малакаларининг шаклланганлигини тўрт даражага ажратдик (.....- жадвал).

I даражада талабалар мустақил таълим олишнинг маънавий ва ижтимоий кўрсаткичларини ҳисобга олиш билангина чекландилар. Мустақил таълим даражаларини баҳолашда қийинчиликларга дуч келдилар. Намуналар бўйича мустақил ишлар бажариш кўникмаларига эга. Материалларни ўрганишда умумийдан муҳимларини ажратиб олиш малакасига эга. Мустақил ишлашга етарлича вақт ажратмайдилар, берилган вазифани ўқитувчи топшириғи ва кузатуви асосида бажардилар.

II даражада талабалар мустақил иш бажариш учун лозим бўладиган шарт – шароитлар ва имкониятлардан фойдаланишга ҳаракат қилишади.


Формулаларни келтириб чиқаради, берилган намуналарга асосланиб мантиқий ечимлар топади, реконструктив – вариатив мустақил ишларни бажара олишади. Мустақил фаолият олиб боришда ўқиш, ёзиш, чизиш, схемалар тузиш жараёнларига ижодий ёндаша олиш маҳоратига эга лекин мустақил иш бажаришга мунтазам киришиб кетолмайдилар.

III даражада талабалар мукамал билимга эга бўлиш учун мустақил таълим билан шуғулланиш лозимлигини англаб етдилар. Техник – методик муаммоларни ечишда ижодкорлик даражалари етарли. Эвристик турдаги мустақил ишларни бажара олади. Ахборотни аҳамиятига кўра табақалаштиришади. Мустақил таълим олишни ўқув машғулотларида ва машғулотдан ташқари вақтларда самарали ташкил қила оладилар ҳамда ушбу даражада мустақил таълим билан мунтазам шуғулланадилар.

IV – даражада талабалар мустақил таълим олиш методлари, воситалари ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўладилар, олинган маълумотларни таҳлил қила олдилар. Янгиликлар, ихтиролар яратишга мойил, ижодий тадқиқот ишлари ва танқидий синтез амалларини бажара олдилар. Мустақил таълим билан мунтазам шуғулланиб, унинг янада самарали йўлларини ўзлаштиришга иштиёқманд бўладилар.

Ўтказилган тажриба-синов натижалари «Меҳнат таълими методикаси» фани бўйича талабаларда мустақил таълим олиш ва мустақил ишлаш кўникма ва малакаларини шакллантиришда тажриба гуруҳларида 1,14 баробар ва назорат гуруҳларида 1,03 баробар самарадорликка, эришилганлигини кўрсатди.

Тадқиқотлардан олинган натижалар асосида талабаларнинг «Меҳнат таълими методикаси» фани бўйича мустақил ишлаш ва билимларни ўзлаштириш кўрсаткичларининг қиёсий таҳлили куйидаги гистограммада берилди (...-расм).



.... –расм. Тажриба ва синов гуруҳларининг натижалари гистограммаси

Гистограммадан кўриниб турибдики, мустақил таълим олиш шакллари, методлари ва воситаларидан унумли фойдаланган ҳолда юқори баҳо олган тажриба гуруҳи талабаларида мустақил ишлаш кўникма ва малакаларининг шаклланганлик кўрсаткичлари натижаларига кўра 31 % дан 68% фоизга, назорат гуруҳларида 22% дан 30% фоизга ошган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т.: Шарқ нашриёт-матбаа концерни, 1997. – 48 б.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. – Т.: Ўзбекистон, 1999. – 48 б.
3. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиз. Халқ сўзи. 2010 йил 28 январь, № 19.
4. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. Халқ сўзи. 2010 йил 30 январь, № 21
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Компьютер ва ахборотли технологияларини ишлаб чиқишни ташкил этишнинг 2001-2005 йиллардаги тараққиёт Дастури, «Интернет» Халқаро ахборот тизимига кенг кўламли киришни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори (23 май 2001 йил, № 230).
6. «Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари учун педагог кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида»ги Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 4-октябрдаги 400-сонли Қарори.
7. Абдуқодиров А.А. Масофали ўқитиш моделлари ва уларнинг синфлари. // Ж. Физика, математика ва информатика, – 2004. -№ 5. -Б. 50-56
8. Абдуқодиров А.А., Хаитов А., Шодиев Р. Ахборот технологиялари / Академик лицей ва касб-хунар коллежлари учун дарслик. – Т.: Ўқитувчи, 2002. - 144 б.
9. Азизхўжаева Н.Н. Педагогик технология ва педагогик маҳорат. – Т.: 2003, ТДПУ,- 174 бет.
10. Ахлиддинов Р. Умумий ўрта таълимни такомиллаштиришнинг ташкилий педагогик асослари: Дисс. пед. фан. номзоди 1998 й.
11. Ашурова С.Ю. Енгил саноат йўналишилари бўйича кичик мутахассислар тайёрлашда махсус фанларни модулли ўқитишнинг илмий-

методик асослари/«Тикувчилик ишлаб чиқариш» йўналиши мисолида/
Автореф. дис. ... пед. фан. ном..-Т.:2005.-22б.

12. Батышев С.Я. Трудовая подготовка школьников. -М.: Педагогика. 1981.- 128 с.

13. Бабанский Ю.К. Проблемы повышения эффективности педагогических исследований – М: 1982 г.

14. Бегимкулов У. Масофавий ўқитиш ва педагогик таълим // Педагогик таълим. – 2004. - №5 б.

15. Беспалько В.П. Педагогика и прогрессивные технологии обучения. Институт проф. обр. Министерства Образования России. – М., 1995. 336 б.

16. Барышникова З.А. Организация самостоятельной познавательной деятельности студентов – заочников. – М., 2000 г.

17. Беспалько В.П. Теория учебника: Дидактический аспект. – М.: Педагогика. 1998 г. – 160.

18. Бушля А.К. О самообразование //Сов.пед. 1979 №2.

19. Вульфова Б.З., Иванова В.Д. Основы педагогики в лекциях, ситуациях, первоисточниках. – М. 2002 г.

20. Воробьев А.И., Лиманский С.А., Каримов И.Г. Трудовые обучение: Учебник для 5 класса общеобразовательной школы. – Ташкент: Ўқитувчи, 1991 – 120 б.

21. Гайнутдинов Р.З. Психология личности учителя узбекской национальной школы и ее формирование в системе непрерывного образования. Дисс. ... докт. психол. наук. – Санкт - Петербург. 1992. - 354 с.

22. Громцева А.К. Самообразование учащихся средних профтехучилищ. – Москва: Высшая школа, 1987 г.

23. Давлетшин М.Г. Замонавий мактаб ўқитувчисининг психологияси. – Т.: Ўзбекистон, 1999. - 29 б.

24. Демидова С. И., Денищева Л.О. Самостоятельная деятельность учащихся при обучении математике. – М. Просвещение, 1985 г.
25. Давлатов К.Д. ва б. Мехнат ва касб таълими, тарбияси ҳамда касб танлаш назарияси ва методикаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1992 . – 320 б.
26. Джураев Р.Х. Дидактические основы интенсификации процесса обучения в профтехучилищах. – Т.: НИИ ПП, 1992. - 73 с.
27. Зойиров К.А. Политехнические основы формирования конструкторское – технологических знаний и умений будущих учителей труда (с применением компьютерной техники). Дисс... канд.пед. наук – Т., 1993 – 138 б.
28. Йўлдошев Ж./, Усмонов С.А. Педагогик технология асослари (Халқ таълими ходимлари учун қўлл.). – Т.: Ўқитувчи, 2004. - 101 б.
29. Магзумов П.Т. Педагогические основы трудового становления личности школьников: Автореф. ... докт.пед.наук. – Т.: 1991. - 41 с.
30. Матчанов С. Умумтаълим тизимида адабиётдан мустақил ишларни ташкил этиш.Пед.фан.доктори.....дисс.автореф.-Т.,1998.
31. Муслимов Н.А. Бўлажак меҳнат таълими ўқитувчисини касбий шакллантириш. – Т.: Фан, 2004 й. - б.
32. Муслимов Н.А., Қўйсинов О.А. Касб таълими йўналиши бакалаврларини тайёрлашда мустақил таълимнинг аҳамияти // Ж. Мактаб ва ҳаёт. -2004. -№ 1. – Б. 18-20.
33. Муслимов Н.А., Қўйсинов О.А. Касб таълими ўқитувчиларини тайёрлашда мустақил таълимни ташкил этиш. Методик қўлланма. – Т.: ТДПУ, 2006. - 46 б.
34. Нишонова З. Мустақил фикрлашни ўргатиш бўйича тренинг. // Халқ таълими – 2000. - №1. Б.
35. Нишонова З. Мустақил фикр ривожланганлигининг психологик мезонлари. // Халқ таълими – 2001. №1. Б.

36. Ниязметова Т.Р. Методика самостоятельной работы учащихся на уроках узбекской литературы в IV – VII классах. Дис...канд. пед. наук. – 1979 г.
37. Сайидахмедов Н. Янги педагогик технологиялар. – Тошкент: Молия, 2003 – 172 б.
38. Сайфуров Д. Малака ошириш тизимида масофавий таълимни ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари. // Ж. Kasb – hunar ta’limi – 2002.
39. Саидов Р. География дарсларида ўқувчиларнинг мустақил ишларини ташкил этиш. Дисс. пед. фан. номзоди. 1973.
40. Турдибоева Б.М. Талабаларда мустақил онгли фаолиятни шакллантиришга илмий – педагогик ёндошув. // Халқ таълими. – 2001. №1.
41. Толипов Ў.Қ. Олий педагогик таълим тизимида умуммехнат ва касбий кўникма ва малакаларни ривожлантиришнинг педагогик технологиялари: Пед. фан. докт. ... дисс. – Т.: 2004. - 314 б.
42. Толипов Ў.Қ. Талабалар мустақил ишларида ўқитиш воситалари: // Халқ таълими. – 2000. №1.
43. Тхоржевский Д.А. Мехнат таълими методикаси. Тошкент: Ўқитувчи, 1987.
44. Тожиев М., Тўлабоев К., Зайниддинова М. Умумий ўрта таълим мактабларининг I – IV синф ўқувчилари билим даражасини назорат қилишнинг рейтинг тизими. Мет. қўлланма. – Т. 1999.
45. Толипова Ж. Талабаларнинг мустақил таълимини ташкил этиш. // Халқ таълими. – 2002 № 4.
46. Турдибаева Б.М. Формирование познавательной самостоятельности у студентов педагогических вузов как средство совершенствования воспитательной работы. (На примере биологических факультетов во внеаудиторное время). Автореферат Дисс. канд. пед. наук. – Жалал – абад. 2001 – 22 с.
47. Халилов Н. Мустақил таълим шакллари. // Халқ таълими. – 2002. № 5.

48. Ходжабаев А.Р. Научно-педагогические основы учебно-методического комплекса подготовки учителя труда: Дисс. ... докт. пед. наук. – Т.: 1992. – 406 с.

49. Хусанбоева Ў.П. Адабий таълим жараёнида ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатишнинг илмий-методик асослари. Пед.фан.доктори.....дисс.-.

50. Шарипов Ш. Талабалар ихтирочилик ижодкорлигини шакллантиришининг педагогик шароитлари: (Меҳнатва меҳнат таълими факультетлари мисолида). Дисс. пед. фан. номзоди. – Т. 2000. 205 б.

51. Юнусова Ш. Ўқувчиларнинг мустақил ўқув фаолиятини шакллантириш. // Халқ таълими. – 1997. №5.

52. [www. /NEWHORIZONS.ORG](http://www.NEWHORIZONS.ORG). Таълимнинг янги уфқлари.

53. [www. Rhecherwithouborders.org](http://www.Rhecherwithouborders.org). Чегарасиз ўқитувчилар.

54. [www. thelearningweb.net](http://www.thelearningweb.net). Таълим тармоғи.

55. [www. inetlibraru.com](http://www.inetlibraru.com). Интернет-кутубхона.